

Муассислар:

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
“Kamolot” ёшлар ижтимоий ҳаракати**

1982 йилдан чиқа бошлаган.

Таҳрир ҳайъати:

**Муҳаммад АЛИ
Иқбол МИРЗО
Сирожддин САЙИД
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ
Фаррух ЖАББОРОВ**

Жамоатчилик кенгаши:

**Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ
Азамат УМАРОВ
Аҳмад ОТАБОЕВ
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ
Сербиддин ИСМОИЛОВ**

Бош муҳаррир:

Нодир ЖОНУЗОҚ

Бош муҳаррир ўринбосари:

Нурилла ЧОРИ

Масъул котиб:

Ориф ТОЛИБ

Масъул муҳаррир:

Элёр МУРОД

Муҳаррир:

Гиёсиддин ЎНАРОВ

Бадий муҳаррирлар:

**Акбарали МАМАСОЛИЕВ
Раҳматжон ЮНУСОВ**

Фотограф:

Рустам НАЗАРМАТ**Манзилмиз:**

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 16-“а” уй.

E-mail: yoshlik-jurnali@umail.uz

www.yoshlikjurnali.uz

Тел/факс: (0371) 227-0-227,

245-0-552

Навбагчи муҳаррир: Э. Муродов

Босишга 31.03.2017 йилда руҳсат берилди.

Қоғоз формати 60x84 1/8.

Наشريёт ҳисоб тобоғи 8,7. Индекс 822.

ISSN 0207-9137. Журнал 2007 йил 4 майда

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги

томонидан № 0253 рақами билан рўйхатга олинган.

Журналдан кўчириб босилганда

“YOSHLIK” дан олинди” деб изоҳланиши шарт.

“SILVER STAR PRINT” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.

Буюртма № 29. Адади 4200 дона.

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-уй.

Юраклардан бошланар Наврўз

Баҳорга талпинмаган қалб йўқ. Кунлар исиб, дов-дарахтлар гуллаб, теварак-атроф яшилликка бурканишини интиқ кутамиз. Кўз ўнгимизда табиатнинг нодир мўъжизалари содир бўлади: кечагина шохдан иборат оғочлар нафис гулгунчалар билан безаниб кўзимизни яшнатади. Қулоқ пардаларимизга қора «чопонли» қарғаларнинг қар-р-иллаши эмас, сайроқи қушларнинг нафис хонишлари урилади. Бугун борлиқ бирлашиб ҳаёт, муҳаббат симфониясини ижро этаётгандай туюлади.

Аслида энг муҳими бу эмас. Энг муҳими – бизнинг қалбимиздаги жонланиш, ботинимиздаги уйғониш, руҳиятимиздаги янгиланишдир. Табиат худди кўзгу каби инсон ички оламида кечаётган ўзгаришларни акс эттиради гўё. Қачондир мудраб қолган орзу-умид чечакларимиз қайта куртак ёзади. Сарғайган ҳис-туйғуларимиз яна яшилланади. Музлаган томирларимиз эригандай бўлади. Бу ҳолат, айниқса, Наврўзи олам арафасида аяққол сезилади.

Бу йил халқ сайли тарзида ўтказилган Наврўз тантаналарида ҳамюртларимиз қалби, онг-шууридаги уйғонишни, жонланишни ҳис қилдик. Жумладан, бир гуруҳ ижодкорлар билан вилоятлардаги байрам тантаналарида иштирок этарканмиз, табиат ва жамиятдаги янгиланишлар уйғунлигини, мувофиқлигини туйдик. Дастурхонларни безаб турган ранг-баранг, бир-биридан тотли Наврўз таомлари, келинсалому бошқа урф-одатлар намойиши, аския-пайров, хушовоз хонандаларнинг чиқишлари, кўнгли ёш онахонларнинг дилбар лапарлари, кураш, тош кўтариш, футбол ва бошқа спорт турлари бўйича беллашаётган ёшларимизнинг ғайрати, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг бой маънавий меросини қамраб олган Наврўз шукуҳидан дилларимиз яйради.

Сайилларда бу қутлуғ айёмнинг яна бир фазилати – турли миллат вакиллари бирлаштирувчи қудрати намоеъ бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг байрам табригида айтилганидек, Наврўзи олам Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари учун, бутун халқимиз учун энг суюкли байрам эканига бевосита гувоҳ бўлдик. Юртимизда аҳил-тотув, дўстона муҳитда яшаётган миллатлар ўзларининг ранг-баранг урф-одатлари, байрам тухфалари билан Наврўзга янада файз, шукуҳ бағишладилар.

Бугун табиату жамиятдаги жонланишни кўриб, юрагида озгина ғайрати бор инсон, табиийки, ўзига, имкониятларига бошқача кўз билан қараётир. Қалбини, онг-шуурини титкилаб, борлигини тафтиш қиляпти. Зеро, Наврўз – янги кун ҳар бир одамдан янгича фикрлашни, янгича ёндашувни талаб этмоқда. Бу талабга бефарқ кимсаларга эса ҳазрат Алишер Навоийнинг танбеҳидан ўринлироқ сўз йўқ деб ўйлаймиз:

*Тухм ерга кириб, чечак бўлди,
Қурт жондан кечиб, ипак бўлди.*

*Лола тухмича ғайратинг йўқми?
Ипак қуртича ҳимматинг йўқми?*

Бу саволларга ёруғ юз билан жавоб бераётган ҳамюртларимиз жудаям кўп. Улар орасида сиз ҳам борсиз деб умид қиламиз...


МУНДАРИЖА

42




31

49



59

64



№ 3 (310), 2017 й.

НАЗМ

- 7 **Қутлибека РАҲИМБОЕВА**
Ҳамиша кунчиқарман...
- 38 **Гулноза КАРИМОВА**
Кўхна ҳаёт тагин янги куй бошлар
- ЭССЕ**
- 10 **Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ**
Бойсунда тонг отди...
- НАСР**
- 17 **Нормурод НОРҚОБИЛОВ**
Эркак, Уғри
- НУҚТАИ НАЗАР**
- 26 **Омилжон АҲМАДЖОНОВ**
Таълим ва тараққиёт
- ҚҮЛЁЗМА**
- 30 **Абдулла ОРИПОВ**
Савқи таббий
- НИГОҲ**
- 31 **Зулфия:**
Баҳор келди сени сўроқлаб
- ЭЪТИРОФ**
- 40 **Алишер Навоий**
замондошлари нигоҳида
- МУТОЛАА**
- 42 **Зулфия МҮМИНОВА**
“Улуғ салтанат”нинг ёрқин ёғдуси
- 58 **Турсун АЛИ**
Юрак ҳолатлари
- ҚАДРИЯТ**
- 46 **Мунис ЖҮРАЕВА**
Қизил гулинг бўлойин
- ШУКУҲ**
- 48 **Адҳамбек АЛИМБЕКОВ**
Наврўз
- ТАДҚИҚОТ**
- 49 **Хуррам РАҲИМОВ**
Номларнинг номуносиб таржимаси
- ЭЛ ХАЗИНАСИ**
- 16 **Навоий луғати**
- САБОҚ**
- 54 **Ахлоқ ва ҳаёт бир бутундир**
- УЧРАШУВ**
- 56 **Маҳлиёхон УМРЗОҚОВА**
Мен кўшга бойчечаклар тутган эдим
- ҚАТРА**
- 61 **Нодирабегим ИБРОҲИМОВА**
Абадий қонун
- 64 **АНА ШУНАҚА**

Ўнгидадан келган ТУШ

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари чемпиони Ҳасанбой Дўсматов билан суҳбат



– Ҳар бир спортчи олимпиадага йўл оларкан, энг юксак марра – чемпионликни кўзлайди, албатта. Лекин, шунга қарамасдан, ҳар ким ўз кучига, имкониятларига ҳолис баҳо берса керак. Шу маънода сиз “Рио – 2016” га отланаркансиз, қандай натижани кутган эдингиз?

– Тўғриси, олтин медаль оламан деб ўйлагандим-у, лекин шоҳсупага чиқишимни сезгандим. Чунки рақибларимнинг ўзига хос томонларини, айрим заиф жиҳатларини билардим. Яна, қизиғи шундаки, икки-уч марта ҳосиятли туш кўргандим. Тушимда ғалаба қозониб, чемпион бўлгандим.

– Тушда аниқ олтин медаль олганмидингиз?

– Ҳа, фақат олтин олганман! Худога шукр, тушларим ўнгидадан келди.



– Ўтказган жанглaringиз ичида сиз учун энг огири қайси бўлди?

– Ҳеч бир жангимни оғир бўлди деб айтолмайман. Лекин қийини ринггача – тайёргарлик жараёнида бўлди. Руҳий босимни сездим. Масалан, қозоғистонлик рақибим билан рингга тушишдан олдин ҳаяжон бор эди. Чунки бу ҳал қилувчи, муҳим жанг эди.

– Олимпиада жараёнида боксчиларни фақат рингда эмас, ринг ташқарисида ҳам кузатгансиз, албатта. Ўзбек боксчиларининг юриш-туриши билан чет эллик боксчиларнинг ўзини туттишида қандай фарқларни сездингиз? Умуман, ўзи, фарқ борми?

– Албатта, фарқ бор! Ўзингиз ҳам кўрган бўлсангиз керак, биз ҳар бир жамоадошимизнинг жангида бевосита томошабин бўлиб, дўстларимизни руҳан қўллаб-қувватлаб турдик. Рингга ҳам, ошхонага ҳам, меҳмонхонага ҳам биргаликда, уюшган ҳолда бордик. Ҳамиша бир юртнинг фарзанди эканимизни, бирикиб битта кучли мушт бўлишимизни ҳис қилдик. Хорижлик боксчиларнинг кўпчилиги алоҳида-алоҳида шуғулланди, бир-бирининг жанглирига кўп қизиқмади, ҳар бири ўзи учун курашди. Биз эса нафақат боксчиларимизни, бошқа спорт турларидан қатнашаётган юртдошларимизни ҳам олқишлашга ҳаракат қилдик. Ютуқларимизнинг бош сабабларидан бири ҳам шу – аҳиллигимиз.

– Олис Рио-де-Жанейрода туриб она Ватанимиз – Ўзбекистоннинг, юртдошларимизнинг қўллаб-қувватлашини қандай ҳис қилдингиз?

– Ҳар лаҳза ҳис қилдим, десам, ёлғон бўлмайди. Ўзбекистонни ўйласам, худди ортимда тоғ тургандай ўзимни бақувват сездим. Бизни етти ёшдан етмиш ёшгача барча юртдошларимиз – давлатимиз раҳбарларидан тортиб оддий



фуқароларгача дуо қилаётганларини билардик. Ана шу дуолар юрагимизга қувват, билагимизга куч бўлди.

– Финал – энг масъулиятли, ҳаяжонли босқич. Унга, Олимпиададаги сўнги жангизга алоҳида тайёргарлик кўрган бўлсангиз керак?

– Йўқ, ҳар доимгидай тайёргарлик кўрдим. Чунки мен рақибим – колумбиялик боксчи Юберхен Мартинесни ютишимни олдиндан билардим.

– Қандай?

– Чунки у менинг услубимга мос эди, ўзим истагандай бокс туша олардим. Унга енгилган боксчилар нотўғри, хато услуб қўллагани учун мағлуб бўлишди.

– Уларнинг хатоси нимада эди?

– Улар очиқ жанг қилиб, унинг услубига тушиб беришди. Мартинеснинг услуби менга жуда қўл келди: ақл билан, ўзига хос яширин тактика қўллаб эмас, кучи ва иродасига таянибгина бокс тушарди. Аввалги рақибларини ҳам фақат шу икки жиҳати – кучи ва иродасига таяниб ютган эди.

– Демак, сиз ақлли, чалғитувчи услубда жанг қилишга ҳаракат қилдингиз?

– Ҳа (кулади). Менда куч ва иродага қўшимча равишда боксчига ҳамиша керак бўладиган ақл ва тактик ёндашув ҳам бор эди. Чунки боксчи керак пайтида уришни ҳам ва керак пайтида қочишни ҳам билиши керак.

– Демак, бокс нафақат кучлар, айни пайтда ақллар жанги ҳам экан-да!

– Албатта! Ким рингда ақли билан кучини уйғунлаштира, ўша ғолиб бўлади.

– Олимпиадада жуда кўп боксчилар қатнашди. Ғолиблар ичидан айнан сизни энг яхши боксчи деб топишганининг сирини нимада деб

ўйлайсиз? Бунда натижадан ташқари, мутахассисларнинг хайрихоҳлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга эмасми? Назаримизда, сизни барча мухлислар, жумладан, ташилотчи мутасаддилар ҳам ёқтириб қолгандай бўлди...

– Менимча, биринчидан, ғалабаларим ишончли бўлгани учун деб ўйлайман.

Чунки кўп жанглarda биринчи раундда бу боксчи, иккинчиси раундда у боксчи ютиб, учинчи раунд баҳсли бўлиб қолди. Мен ўтказган жанглarda эса, мақтанишга ўхшаб қоляпти, узр, бундай иккиланишга, баҳсга ўрин қолмади. Қолаверса, эътибор қилган бўлсангиз, Олимпиада давомида юзим кўкармасдан, жароҳат олмасдан жангларни тугалладим. Кимнингдир қоши ёрилди, кимнингдир юзи шишиб кетди, Худога шукр, мен жароҳат олмадим. Сабаби – кам зарба олдим, юзимни рақиб муштига тутиб бермадим, ўзимни кейинги жанглarga асрадим...

– Ота-онангиз чемпион бўлганингизга қанча суюнган бўлса, жароҳатсиз қайтганингиз учун яна шунча қувонган бўлса керак!

– (Кулади) Албатта, ота-оналарни биласиз-ку...

– Ҳар бир рақибингизга алоҳида тайёргарлик кўрдингизми?

– Ҳа. Олимпиадага кетаётганимизда федерациямиз ҳар биримизга планшет тақдим этди. Бизга совға беришди деб хурсанд бўлиб, планшетни шундай ёқсак, унда ҳар бир рақибимизнинг жанглари акс этган видеотасвирлар йиғилган экан. Уларни ўрганиш, Олимпиадага янада яхши тайёргарлик кўришимиз учун қилинган экан бу.

– Биламиз, сизга кўпчилик берган саволни такрорлаймиз: шоҳсунага чиққан чоғингиз, Ўзбекистон Республикасининг мадҳияси янграб, байроги кўтарилаётган пайт нимани ҳис қилдингиз?

– Ростдан ҳам, бу саволни менга жуда кўп беришди. Лекин шу пайтгача жавоб беролганим йўқ. У ҳолатни таърифлашга сўз ожизлик қилади. Фақат ўша ҳолатга тушиб яшаб кўриш керак.

– Афсуски, бу лаҳзаларни яшаш ҳаммага ҳам nasib қилмайди. Фазога чиққан космонавтдан ҳамма: “У ёқда ўзингни қандай ҳис қилдингиз?” деб



сўрайди-ку. Чунки ўзи фазога чиқмаса-да, ўша хиссиётларнинг “таъм”ини билгиси келади...

– Тўғри. Лекин мен бу ҳаяжонли ҳолатни ифодалаб беришга қийналаман. Шунинг учун ҳар гал шу саволга жавоб қайтаролмайман.

– Жавоб беролмаслигингиз – энг яхши жавоб, аслида! Олимпия иштирокчиларини юртимизда кутиб олиш маросими ҳақида нима дейсиз?

– Бунақаси бўлмаган! Ўзбекистонгача ўн саккиз соат учган бўлсак, кейин, юрт тупроғига тушиб ҳам, руҳан парвоз қилиб юрдик! Давлатимиз, халқимиз бизга беқиёс иззат-икром кўрсатди. Бунинг учун минг бор раҳмат деймиз. Шундай юртнинг фарзанди бўлганимиздан, халқимизнинг ишончини оқлаганимиздан бахтиёримиз.

– Шу ўринда бир мулоҳаза тугилади.

Ғалабангиздан сўнг сизга давлатимиз, эл-юртимиз, ватандошларимиз томонидан чексиз ҳурмат-эътибор кўрсатилляпти. Бундай юксак эҳтиромдан барча мухлислар қатори мамнунмиз, албатта. Аммо, шу билан бирга, кўнглининг бир четида кичик ҳадик ҳам йўқ эмас. Яъни, бундай беқиёс эътибору эҳтиром ёш боксчимизнинг ўзига бўлган талабчанлигини сал сусайтириб қўймасмикан, дегандай...

– Йўқ... Бизга бўлаётган бундай юксак эътиборнинг сабабини, масъулиятини ҳар лаҳза ҳис қилиб турамыз. Бу эҳтиром бизнинг шунчаки ғалабамиз учунгина эмас, балки она Ватанимиз – Ўзбекистонни севганимиз, кўнглимизда ватанпарварлик туйғулари жўш ургани учун бўляпти. Мухлислар ҳам, аввало, бизни эмас, Ватанимизни севганлари учун бизни шундай шарафляпти. Ўзбекистонсиз ўзимизнинг ҳеч ким эмаслигимизни яхши биламыз. Менимча, Ватанини, халқини чинакам яхши кўрган одамнинг оёғи ердан узилмайди. Кейин, шубҳасиз, бундай эъзозу ардоқлар бизнинг фақат “Рио–2016” даги ғалабамиз учун эмас, келажакдаги ютуқларимиз учун ҳам бўляпти, деб ўйлайман...

– Аввалги Ҳасанбой Дўсматов билан Олимпиада чемпиони Ҳасанбой Дўсматовнинг халқаро мусобақалар, келгуси Олимпиадаларга тайёргарлиги ўртасида фарқ бўладими?

– Албатта, бўлади. Рио Олимпиадасида мен ҳам, бошқа рақибларим ҳам кубалик жаҳон чемпиониға қарши тайёргарлик кўрдик. Энди унинг ўрнида ўзимни кўряпман – барча боксчи-

лар менға қарши тайёргарлик кўришади. Демак, мен мураббийим билан келишган ҳолда ўз услубимға янгилик киритишим, уларға номаълум “сюрприз”лар тайёрлашим керак.

– Яъни рақиблар учун “очиқ китоб” бўлмаслигингиз керак...

– Ҳа, чунки ўтказган барча жангларим – уларнинг қўлида. Синчиклаб томоша қилиб ўрганишади, шунга яраша тайёргарлик кўришади...

– Шундай йирик ғалаба боксчи сифатида эмас, инсон сифатида сизда қандай ўзгаришлар пайдо қилди?

– Инсон сифатида... биринчи галда, ўзимға нисбатан ишонч ҳиссини мустаҳкамлади. Турли давраларға ишонч билан қадам қўйиб, одамлар билан киришиб кетишимға йўл очди. Олдин кимдир суҳбатға тортиб, интервью оламан деса, юрагим бетламасди. Қўйинг, ундан кўра бокс тушай, дердим.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев сизлар билан учрашиб, қўлларингизни сиқиб, юксак давлат мукофотларини шахсан ўзи топширди. Бу, ўйлаймизки, сизларға янги куч, шижоат бағишлаган бўлса керак.

– Албатта! Ҳар бир фуқаро ҳаётда муваффақият қозониб, шахсан Президент қўлидан мукофот олишни, миннатдорлик сўзларини эшитишни орзу қилади. Ана шу шарафли орзум ушалганидан беҳад бахтиёрман. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов бизға юксак ишонч билдириб, юрагимизға қувват берган эдилар. У кишининг фармонлари билан “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвониға сазовор бўлдим. Унвонни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қўлидан олиш насиб этди. Давлатимиз раҳбари шу кунгача бизнинг хайрихоҳ ҳомийимиз, суянчимиз бўлиб келяптилар. Олимпиада ўйинларига кузатиш ва кутиб олиш жараёнларига ҳам ўзлари бош-қош бўлганлари ғалабалар



сари дадил боришимизга қанот берди. Бразилияга жўнашимиз олдидан “Бўш келманглар! Галаба бизники!” деб елкамизга қоқиб, бир ишончимизга ўн ишонч қўшган эдилар. Фурсатдан фойдаланиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёевга ўзим, оила аъзоларим, барча спортчилар номидан миннатдорлик билдираман. Қандай шароит керак бўлса, биз учун яратишяпти, энди бунга жавобан галабаларимизни давом эттиришимиз керак. Бу ҳақда Президенти-мизга ваъда бердик. Энди бу ваъдани бажариш, ишончни оқлаш шарт.

Ишончни оқлаш масъулияти! Бунинг залворини фақат мард, бир сўзли инсонларгина ҳис қилади. Ушбу суҳбатимиздан сўнг Ҳасанбой Дўсматов ўз ваъдасига мувофиқ эл-юрт ишончини оқлашда давом этяпти. Жумладан, унинг Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси (AIBA) шафелигидаги турнирда иштирок этаётган «Uzbek Tigers» – «Ўзбек йўлбарлари» жамоасидаги жанглари бунга мисол бўла олади. Боксчимизнинг ушбу нуфузли мусобақадаги чиқишларини кузатарканмиз, кўнглимизда яна бир-иккита савол туғилди. Телефон орқали Ҳасанбойга боғландик. У 3-9 апрель кунлари Таиландда бўлиб ўтган «Қирол кубоги – 2017» мусобақасида қатнашиб, юртимизга қайтганига энди бир соат бўлган экан! Шу боис суҳбатимиз қисқа савол-жавоблардан иборат бўлди...

– Сафар чарчатмадимми? Она юртимизни соғиниб келгандирсиз?

– Ҳар гал шундай бўлади: халқаро мусобақалар неча кун бўлганига қарамасдан Ватанимизни соғиниб қайтаммиз. Лекин аэропортга келиб тушамиз-у, бутун чарчоқларимиз тарқаб кетгандай бўлади. Она-Ватанимиз тупроғидан куч оламмиз...

– Йўқ демасангиз, «Uzbek Tigers» жамоасидаги фаолиятингиз ҳақида гаплашмоқчи эдик...

– Майли.

– Маълумки, бу йилги чемпионатнинг илк икки ўйинида жамоамиз Хитой ва Қозоғистон боксчиларига ютқазииди. Бу ўйинларда сиз жамоамиз сафида йўқ эдингиз. Нима, сизни таклиф қилишмадимми?

– Йўқ, таклиф этишди. Аммо у пайт ўзим тайёр эмас эдим. Олимпиада ўйинларидан сўнг ҳали тикланиш жараёнида эдим. Шунинг учун илк икки ўйинда иштирок этолмадим.

– Кейинги ўйинларда эса сизнинг ҳам, жамоадошларингизнинг ҳам жангларида мухлисларимиз хурсанд бўлишиди...

– Ўзи, рингга тушишдан ҳам мақсадимиз шу: ҳамюртларимизни хурсанд қилиш...

– Якка ва жамоавий тартибдаги жангларга тайёргарликда фарқ борми?

– Ҳар бир жангга тегишли қонун-қоидалардан келиб чиқиб тайёргарлик кўраммиз. Айтайлик, Олимпиадада уч раунд бўлса, жамоалар чемпионатида 5 раунд бокс тушамиз. Демак, кучимизни, диққат-эътиборимизни беш раундга мос, тўғри тақсимлашммиз лозим бўлади.

– Жамоадаги шеригингизнинг галабаси ёки мағлубияти сизга таъсир қиладимми?

– Албатта, таъсир қилади. Бу худди футболдаги асосий вақтдан кейин пенальти тегиш жараёнига ўхшайди. Тасаввур қилинг, 2:1 га ютяпммиз, навбатдаги боксчимиз ютқазиб, ҳисоб 2:2 бўлди, табиийки, бундан хафа бўласиз, устига устак, бешинчи – ҳал қилувчи жангга сиз чиқасиз ва сизнинг натижангиз бутун кураш тақдирини ҳал қилади! Қандай катта масъулият! Қандай улкан ҳаяжон! Аммо сиз бу ҳаяжонни ҳам, рақибингизни ҳам енгингиз шарт. Чунки сиз фақат ўзингиз учун эмас, бутун жамоа учун рингга чиққансиз...

– 3-9 апрель кунлари Таиландда бўлиб ўтган «Қирол кубоги – 2017» мусобақасида ҳам муваффақиятли қатнашдингиз. Рақибларингизни енгдингиз. Лекин... финал жангида иштирок этмадингиз. Сабаби?

– Сабаби – мураббийларимизнинг тавсияси билан ўзимни муҳимроқ жангларга асрадим. Биласиз, боксдаги финал жанглари шиддатли кечади. Ҳолбуки, бу мусобақа биз учун жудаям аҳамиятли эмас эди. Қолаверса, олдинда – 29 апрелда Осиё чемпионати бошланади.

– Барибир финалгача бориб, рингга чиқмаслик боксчини хурсанд қилмаса керак?

– Ҳа. Ўзим ҳам ғалати бўлдим. Аммо профессионал боксчи бўлишни истасак, фақат бугунни эмас, эртани ҳам ўйлашммиз, ақл билан режа тузиб, унга амал қилишммиз шарт. Чунки асосий жангларда халқимиз биздан фақат галаба кутади...

– Бу йўлда сизга омад тилаймиз. Халқаро майдонларда ўзбек халқига хос бўлган куч, эпчиллик ва, албатта, ақл-заковатни шараф билан намоён қилиб юриверинг!

– Раҳмат.

Нодир ЖОНУЗОҚ
суҳбатлашди.

Ҳаммиша кунчиқарман...



**Қутлибека
РАҶИМБОЕВА,**

Ўзбекистонда хизмат
қўрсатган маданият
ходими.

1952 йилда туғилган.

Фарғона давлат
педагогика институтининг
(ҳозирги Фарғона давлат
университети) ўзбек тили
ва адабиёти факультетини
тамомлаган. “Юрагимда
кўрганларим”, “Узун
кундузлар”, “Уйғониш
фасли”, “Озодлик”,
“Кўксимдаги Тангригоғ”
каби шеърини тўпламлари
нашр этилган.

Ватан ҳақида қўшиқ

Айтишув

– Ака, мен осмонга бойланиб қолсам,
Оптоқ булутларга айланиб қолсам,
Қандай яшар эдим, нима қилардим?

– Ука, сен осмонга бойланиб қолсанг,
Оптоқ булутларга айланиб қолсанг,
Юртим тупроғини соғинар эдинг,
Кумуш ёмғир бўлиб ёгилар эдинг.

– Яна мен осмонга бойланиб қолсам,
Учқур қушчаларга айланиб қолсам,
Қандай яшар эдим, нима қилардим?

– Яна сен осмонга бойланиб қолсанг,
Учқур қушчаларга айланиб қолсанг
Ўлкам боғларида яйраб учардинг,
Озодлик ҳақида сайраб учардинг.

– Ака, мен гулзорга бойланиб қолсам,
Гулми ё гиёҳга айланиб қолсам,
Қандай яшар эдим, нима қилардим?


– Ука, сен гулзорга бойланиб қолсанг,
Гулми ё гиёҳга айланиб қолсанг,
Юртим чаманида чирой очардинг,
Саболари билан атир сочардинг.

– Ака, мен сувларга бойланиб қолсам,
Анҳорми, дарёга айланиб қолсам,
Қандай яшар эдим, нима қилардим?

– Ука, сен сувларга бойланиб қолсанг,
Анҳорми, дарёга айланиб қолсанг,
Чўлу саҳроларга ҳаёт берардинг,
Бу тилсиз жонларга баёт берардинг.

– Ака, мен заминга бойланиб қолсам,
Бир парча тупроққа айланиб қолсам,
Қандай яшар эдим, нима қилардим?

– Ука, сен заминга бойланиб қолсанг,
Бир парча тупроққа айланиб қолсанг,
Ўзингни бермасдинг шамол, бўронга,
Қўшилиб кетардинг Ўзбекистонга.



Бугун айт

Шоир укаларимга

Ҳали ер юмшоқдир, осмон ҳам яқин,
Тўрт мучанг бутундир: камтигинг йўқдир.
Кўзинг қорасидан сочилар ёлқин,
Жисму жонинг учун ҳадигинг йўқдир.

Гул бўлиб туюлар сенга гиёҳлар,
Куйдай хуш ёқади ҳар овоз, ҳар сас.
Йўлингда порлайди яшил чироқлар,
Гуруринг баландда: Тангритоглар наст.

Хиёнат ўтмаган ҳали кўчангдан,
Чин дўстлар қуршаган тўрт тарафингни.
Ҳаёт ўлчовларинг ҳалол ўлчамда,
Жонингдай қўрийсан шаён, шарафингни.

Эртами? Эртани ўтирма кутиб,
Кўксингда гулханлар чарсиллаган пайт.
Совқотиб қолмасдан оловинг, ўтинг,
Эл-юртга айтаринг бугун, ҳозир айт.

Берк тутма куюнчинг, севинч, титрогинг,
Бу фаслинг – шоҳ қўшиқ, ўзинг шоҳбайтсан.
Ёшлиқдир умрнинг озодлик чоғи,
Озод сўз айтасан, бугун сўз айтсанг!

Қақраб бораяпсан

Бу қадар ўжарсан, гулим, не учун?
Изҳоринг кескиндир, кескин инкоринг.
Сенга берсам бори меҳримнинг кучин,
Кипригимда олсам дилдаги хоринг.

Жуда ҳам баландга сакрайсан, ахир,
Демагин: “Борим – шу, эркин, эркаман”.
Асрасин, йўлингда дуч келиб қаҳр,
Йиқилиб, синмасанг дея қўрқаман.

Қаттиқ севилмоқлик учун сев қаттиқ,
Сийланмогинг учун аввал сийлагил.
Ҳақ Сенга қирқта жон этдими тортиқ,
Биттасин қолдирмай фидо айлагил.

Ўзлингни, қизингни бағрингга босгин,
“Ота” деб, “Она” деб минг марта айттир.
Шу сўзлар жуфт юрса, келар бахт, таскин,
Йўлдаги ишқингни изига қайтар.

Жонинг қийналмоқда: бораяпсан қақраб,
Инсонга фақат ишқ кийдиради тож.
Севилмаган аёл – гулгунмас саҳро,
Севмаган аёл ҳам қуриган ёғоч...

... Бунчалар ўжарсан, гулим, не учун?

Бирга

Шамол, бўрон бўлиб яшамаймиз биз,
Боғу бўстон бўлиб яшаймиз мангу.
Меҳр ипларидан тўқилган азиз –
Ўзбекистон бўлиб яшаймиз мангу.



Қаримас экан

Мен отамдан қолдим жуда ёш,
Ажал эрта нинасин сайди.
Тул онамга бўлиб қайғудош,
Болаликни сезмай улгайдим.

Қизгалдоқдай қизил кўйлақда
Қир-адирлар аро чопмадим.
Қизлар чуғурлашса йўлақда,
Чиққим келиб, юрак чатнади.

Гулотида юзларин чайиб,
Қизлар тўйга отланган палла,
Куйраб ётган онамни аяб,
Кўш бешикка айтганман алла.

Бир кун қизлар ишқнома олиб,
Нозли-нозли шивирлашган чоқ,
Ер чопганман, белларим толиб,
Гарданамга тушиб ўт-ўчоқ.

Ўйин фаслим ўйиндан узоқ,
Ишқсиз ўтди умрим баҳори.
Улуғ ёшга етдим мен, бироқ
Тўкилмади ўкинч оҳори.

Набирамга қўшилиб гоҳи
Кўгирчоғин сочин тарайман.
Саксон ёшли чолимдан ёки
Гуллар кутиб йўлга қарайман.

Унутаман ёшим, ҳолатим,
Кенг дунёлар тордек, сизмайман.
Қайтмайди-ку ёшлик, болалик,
Билиб, англаб туриб, йиғлайман.

Қумуш суви билан юв гарчанд,
Соғинч занги аримас экан.
Яшолмаган фаслинг то абад –
Оғриқлари қаримас экан.

Мен ким?

Кўчада ёқа йиртишаётган йигитларни
ажратмоқчи бўлсам,
“Сен кимсан?” деган танбех эшитдим.

Бегимга тун-кун ҳамроҳ –
Муҳаббат меҳробиман.
Ҳамшираман бемор чоғ,
Чанқаганда обиман.

Ўғил-қизим қошида
Ҳамиша Кунчиқарман.
Булут келса бошига,
Кунга ўхшаб чиқарман.

Набиралар наздида
Эртакчи, аллакашман.
Ўртоқларим базмида
Шеърпараст, далдакашман.

Қалб виждон қиргоғидан
Бехос тошса, рошиман.
Догланган эл доғидан –
Кўнгиллар фаррошиман.

“Ассалом” деб дарвозам –
Қоққанларга очгайман.
Ким етишса парвозга –
Суюнчига шошгайман.

Мен ким? Изоҳим қандай?
Бордир аниқ сўз манда:
Қорақўзларни жондай –
Севар қорақўзман-да.

Бойсунда ТОНГ ОЎДИ...

ёхуд харсанг устидаги хаёллар



**Ўрозбой
АБДУРАҲМОНОВ,**
Қорақалпоғистон халқ
ёзувчиси

*Камтар бу сукутда кўндир ҳақиқат –
Унда зил ҳаётнинг сурати зоҳир:
Бойсунда тоғ бўлмоқ қандай машаққат,
Бойсунда дашт бўлмоқ нақадар оғир!*

Усмон АЗИМ

Кампиримга йигитлик чоғларимда “Сени тоғларга олиб чиқиб, булутларнинг орасидан ойни олиб бераман” деган ваъдамнинг устидан чиқиш ниятида уни қўлтиқлаб йўлга отландим. Бойсундан йигирма чақиримча тоғлар орасидаги булоқ бошига яқинлашгунча тасаввуримдаги манзара ўзгармади. Айланма йўллар ёнбағирлардан кўтарилиб, пастга тушаётган пайтлари ранг-баранг томлар билан ёпилган уйлар кўринади.

– Келдикми? – деб сўрадим ҳайдовчидан.

– Йўқ, ҳали анча бор, бу қишлоқнинг бошланиши, – деди у.

Йўлнинг баланду пастидида жойлашган уйлар ўртасидан чамаси уч-тўрт чақирим йўл босгандан сўнг тоғ ёнбағридаги арчазорлар тепасида жойлашган замонавий икки қаватли узун иморат кўринди.

1949 йили туғилган.
Тошкент давлат
университети(ҳозирги
ЎзМУ)нинг журналистика
факультетини тамомлаган.
“Бир муҳаббат тарихи”,
“Кўшниллар”, “Чангалзор
пайғамбари ҳалокати”,
“Оролим, дардим
менинг” каби китоблари
чоп этилган. “Ўжар”
комедияси Бердақ
номидаги Қорақалпоқ
давлат театрида
саҳналаштирилган.

Машхур “Омонхона” оромгоҳи, шифо сув маскани... Йигитлар бизга тепадаги иморатнинг қулай хоналарига жойлашишни таклиф этди, лекин кампирга азалдан кондиционер ёқмасди, биз арчалар орасидаги чодирли супталардан бирини танладик... Ўзи, аёлларга на иссиқ, на совуқ ёқади. Биз эркаклар эса аслида уларга яхши кўриниш йўлини излаб яшасак керак. Яна ким билсин!

Тонг отди, Бойсун тонги... Булоқ бошидаги гала-говур билан отди. Эрталаб булоқ боши гавжум бўларкан. Улар сувга ҳам, шифога ҳам чанқоқ одамларга ўхшади, назаримда...

Эрталаб тепага чиқиб, харсангга чўкиб, дунёнинг борди-келдиларини ўйласангиз, ғаройиб фикрлар келаркан... Шу алпозда Бойсун тонгини кутиб олиш одатимга айланиб қолди. Назаримда, Бойсун тонги инсонни уйғотибгина қолмай, унга ҳаёт мезонларини ўқитаётган янглиғ, яшашдан розилик ва эртангги тонгга ҳам умид туғдирар экан. Гўё қалбингизга шоирона нур билан туйғулар қуйиб, мойбўёқда натюрморт чиздиради ва булбулларни лол қолдирадиган овозда қўшиқ айтдиради...

Бойсунда тонг отди... Тонгда харсангга чўксангиз, хаёллар олис-олисларга олиб кетаркан...

...Адирларга туташган, бири бирига менгзаши тоғлар орасидаги таъмирланаётган йўллардан юрсангиз, бетакрор манзараларга дуч келасиз ва Бойсунга кирадиган жойда сизни афсонавий Алпомиш билан Барчиной қаршилаб олади. Сизни мағрурлик ва гўзаллик тимсоли бўлмиш афсона кутиб тургандек...

Мен Бойсунни “Алпомиш” орқали билардим. Бу қадим дostonда туғилган тупроқ ва мана шу биз қадам отаётган қир-адирлар билан баланд тоғлар, арчазорлар ва булоқлар гувоҳ бўладиган севгига содиқлик ва ушбу борлиқни ташқи ғанимлардан асрашдаги шиддатли жанглар жирланади. Қўбиз овозига жўр жирова овозлари ҳали қулоғимизда... Алпомишни мардликка ундаган туйғулар она тупроғи, эли ва ёри Барчинойига содиқликдан уйғонган эди.

*Белларимга олтин камар бўғаман,
Номард бўлсам, нега сендан тугаман.*
Ота, мени боғласанг ҳам турмайман,
То ўлгунча Барчиной, жонни қувамман...*

Ахир, йўлбарс юрагига бошқоронғи бўлган

онадан – мардлик, мағрур отадан – содиқлик мерос Алпомишнинг муҳаббат ҳимоясида улуғ йўлдан тоймайдиган журъати ушбу тупроқда шаклланди.

Тоғлар афсоналарга бой бўлади, бу ерда афсоналар тошга айланади. Баъзан дунёни кезиб юрган афсоналарни ўзида олиб қолади... Афсоналарга айланиб кетган дoston кўнғирот юртининг фарзанди Алпомишни Бойсунда туғдириб, тақдири азалини дашту тоғларга боғлаганида ҳам қандайдир ажабтовур сир бордек.

Айтмоқчи, журналист Шомурод Шароповнинг “Омонхона мўъжизалари” китоби қўлимга тушиб, бу афсоналар юртининг ривоятларига ғойибона ошиқ бўлиб қолдим. Ушбу афсоналар кампиримга қирқ йил илгари “Сени бахтли қиламан” деб берган ваъдамни эсимга солди ва унга тоғдан чиққан булоқлар, даштларнинг пасту баландларини кўрсатгим келди... Эркак киши сўзида турмайдими, ахир!

Бойсунда тонг отди... Тонгда харсангга чўксангиз, хаёллар олис-олисларга олиб кетаркан...

...Сахронинг тонги отмасдан олдин атроф ёруғланиб, куннинг туғилишини бемалол кузатиш мумкин бўлса, Бойсун тоғларида қуёш бирданига тепангизга келиб қоларкан. Оппоқ булутлар қайси бир чўққиларни сийпалаб ўтиб, нари тоғ ортига кетади. Ўша булутлар сари ёнбағирларда ўрмалаётган қўй-эчкилар тоғ интизоми бўйича илонизи сўқмоқдан кетаяпти. Тоғнинг табиати тоғ низоми билан яшайди-да...

От кишнайди, эшак ҳанграйди, ит хуради, хўроз қичқиради, бўри улийди... Ҳар бирининг ўз ўрни, ўз овози бор. Табиатнинг адолатли қонунияти, бу ерда барчасининг овозини эшитиш ва ўзини кўриш мумкин. Лекин мен адабиёт, умуман маънавий дунёда эшак образига салбийлик буёқларини суркай берадиган қаламкашларга қойил эмасман. Бойсунда одамларни от ўта олмас тоғли сўқмоқлардан олиб ўтса-ю, биз яна эшакни ёмон отлиғ қилиб ўтирсак! Бечора эшакнинг айби... эшак бўлиб туғилганими? Эшакнинг анча яхши-ёмон хусусиятларини бундан қарийб икки ярим минг йил илгари бадий сифатлаган Апулейга раҳмат. У романини ҳеч тортинмасдан “Олтин эшак” деб атаган эди.

Бойсунда тонг отди... Тонгда харсангга чўксангиз, хаёллар олис-олисларга олиб кетаркан.....

* Туғиламан

...Умуман, от чоғиб, эшак минган тоғ фарзандларига қойил қолмасдан илож йўқ. Сурхон воҳасининг чангқовуз овози билан вояга етган фарзандларидан қанчадан-қанча буюклар чиқмади дейсиз! Мен кўзим кўриб, яхши таниган оғаларим – ёзувчи Шукур Холмирзаев, рассом Рўзи Чориев ва қаламкаш дўстларим Эркин Аъзам, Усмон Азим, Нодир Норматов, укаларим Қўчқор Норқобил билан Маҳмуд Номозов ҳам Сурхон даштларини кезиб, ушбу тоғларга ўрмалаб улғайган... Бойсунда уларнинг изларини кўргандек ва асарларида акс этган табиатнинг пок дунёсига энгандек бўлдим... “Омонхона” шифо сувидан ичиб, булоқларида чўмилганда ҳам уларнинг меҳрлари тотилади...

Бир пайтлар бу тоғларнинг дарёлари Аму-дарёга оқиб, сувларга айланган меҳрлар Оролни тўлдириб турган эди. Тоғдан оққан жилга бўйида туриб, ўқиган сари яхши кўрадиган шоира синглим Фароғат Худойқулованинг сатрлари эсимга тушиб кетди.

*Кечир мени, эй тошқин дарё,
Фарёдинга қулоқ солмадим.
Фахр этдим Орол онам деб,
Лек онамни асрай олмадим.*

Дард бир-у, дармон бўлак, масофа узоқ, лекин дардингни оладиган, елкадош қардош-қориндошинг борлигидан кўнглинг таскин топади. Муқаддас китобларда тоғларнинг инсонга таянч ва суянч қилиб яратилганини ўқиганмиз. Чўққилар борлигини тоғларда кўрганмиз. Чўққига чиқишни этакда туриб орзу этганмиз.

Дашт йўлларида келаётганимизда кампирим: “Бу нотекис тепаликларни текислаб экса бўлмайдим, қандай суғораркан?” деб сурагани. “Бу лалми ерларни ёмғир суғоради... – деганди деновлик ҳайдовчи. – Энди, опа, даштни текислаб бўлмайди-да...”.

Бойсунда тонг отди... Тонгда харсангга чўксангиз, хаёллар олис-олисларга олиб кетаркан...

Тоғ инсонни баландга кўтарилишга даъват этиб, кўз кўрадиган оламнинг маълум бир чегараси борлигини, ўша чегаралардан кейин ҳам тоғлар борлигини қайд этади. Роберт Бёрнс, Михаил Лермонтов, Расул Ҳамзатов, Чингиз Айтматов, Нодар Думбадзе сингари улуғлар ҳам тоғ фарзандлари эканига эътиборга берсак, баланд тоғларда инсонни юксакликка элтадиган, қалбига шоирона меҳр қуйиб, яратиш, яшаш иштиёқини кучайтирадиган сир бор, шекилли...

Яна ўша шоира синглимнинг қалбидан чиққан сатрлари:

*Бойчиборим, сен ҳам ўксима,
Қолиб кетдик кимлар нуқсига?
Шамол тегсин Барчин кўксига,
Алпомишни тугиб бер, синглим.*

Тоғлар орзуларни ердан кўтарадими ёки инсон ўз армонларини баланд чўққиларга ўзи олиб чиқадими, билмадим-у, лекин тоғликларнинг ажойиб одамлар эканлигини биламан...

Бойсунда тонг отди... Тонгда харсангга чўксангиз, хаёллар олис-олисларга олиб кетаркан...
...Ўттиз йил илгари келгандик... Ўша пайтларни биз сув излаган “Орол-88” экспедицияси аъзоларининг бир қисми – бизнинг гуруҳимиз Омонхона сойидан ўтаётиб, беш-олти кўримсиз уйларнинг одамлари билан учрашганимизда, улар қишлоқнинг бош муаммоси ичимлик суви эканлигини айтгани. Рус публицисти Василий Селюнин:

– Ана, эшитдингми, Ўрозбой? Сен Оролга сув етмаяпти дея зорланасан, бу кишилар қисмати ундан ҳам бадтар экан. Қара, булоқ бошида туриб чанқаяпти, – деганди.

Ўша суҳбат чоғида қишлоқнинг бир ёшуллиси мени чеккага чақириб олиб, хуфёна дардини айтди.

– Буларнинг орасида бизга ўхшагани сиз экансиз. Қуни кеча райқўмдан келган катталар бизнинг зиёратгоҳимизни вайрон этиб кетди. Султон Вали Балогардон мазорига зиёратга келганларни қувиб, қайнаётган қозонларини тўн-тариб, биттасини улоқтириб синдирди ва милисасига: “Зиёратга келганнинг барини қамайсан”, деб тоғшириқ бериб кетди... Айтмоқчи, ўзингиз мусулмонмисиз?

– Алҳамдулиллаҳ... – дедим овозимни пасайтириб.

– Боракалло, боракалло... Мана, бирга юрган йўлдошларинг ўша райқўмларнинг катталари бўлса керак, бизга жабр қиляпти деб қулоқларига шипшитиб қўймайсизми?

– Э, оға, булар нимага Орол денгизига сув етмаяпти деб, сув излаб чиққан ёзувчилар-ку. Буларнинг гапи райқўмга ўтмайди-да.

– Орасида Масковдан келганлари бордир?

– Ҳов учтаси ўша ёқдан.

– Ҳа, ана, энг бўлмаса, ўша учтасининг қулоғига шипшитиб қўйинг. Бориб Масковдаги

катта райқўмларига айтсин: “Бойсуннинг райқўми одамларнинг қозонларини синдираяпти”, деб. Ахир, зиёратда нима айб, айниқса, пишган ошнинг уволини айтмайсизми!.. Агар бизнинг райқўмнинг зўравонлигини эшитса, буларнинг қулогини бураб қўярди-да...

– Оға, – дедим, бу оққўнгил оқсоқолга жоним ачиб. – Битта тўданинг бўрилари бир-бирининг гўштини еганини кўрганмисиз?!

Оқсоқолнинг қўлтиғидан тарвузи тушиб кетди...

Бойсунда тонг отди... Тонгда харсангга чўксангиз, хаёллар олис-олисларга олиб кетаркан...

...Булоқ бошида овулдаги лойқа сувни бирга ичиб, бирга чўмилиб, бирга ўйнаб-ўсган Илёс оғамни учратдим. Илёс оға Қорақалпоғистоннинг обрў-эътиборли оқсоқолларидан.

– Битта чалапартиш ҳамширанинг уколдан гепатит деган балого мубтало бўлиб, бу ерга ўн олти йилдан буён келяпман, – деди Илёс оға. – Анов қишлоқдаги Норбой оға билан оғайни бўлиб қолдик. Ўзи ҳар йили кутиб олиб, қўй сўйиб, тандир қилади, неча кун сув ичиб, чўмилиб, вақтнинг қандай ўтганини сезмай қоламан. Бу йил аёлим ва ўғилларим билан оилавий келдик. Анов кенжатоғи ўғлим, ўзинг биласан, юрак дўхтири... У мени кузатиб, шифо сувнинг қон босимига қандай таъсир қилаётганини ўрганаёпти...

Қарасам, Илёс оғам тандирда пишган қўчқор гўшtidан паққос тушираяпти.

– Ҳов, оқсоқол, бу тандир гўштини согпа-соғ одамлар зўрға ҳазм қилади, сизга йўл бўлсин? – дедим ҳайроним чиқиб ва дўхтир ўғлига: – Ҳаммага парҳез–парҳез дейсанлар, нимага ўша парҳезни отангга қўлламайсан...

– Э, оға, отам менинг айтганимни қилармиди! – деди дўхтир бола. – Ҳали тандир гўшти газакка айланиб кетмаса денг...

Омонхона ҳавоси билан сувининг қудратини Илёс оғам мисолида кўрдим. У жигар касалидан фориг, отдек сакраб юрибди...

Бойсунда тонг отди... Тонгда харсангга чўксангиз, хаёллар олис-олисларга олиб кетаркан...

...Сайёрамизнинг ҳозирги олти қитъадан иборат қуруқлигида етти миллиарддан ортиқ одам яшайди, ер қуррасининг эса деярли саксон фоизи сув билан қопланган, ўша сувларнинг атиги икки-уч фоизигина ичимлик суви экан. Яна, инсон танасининг етмиш фоизи сувдан иборатлиги ҳам маълум. Томиримизда оқаётган

қоннинг саксон фоизидан ортиғи сувдан иборат ва қон ҳам сув воситасида ҳар ўн беш кунда янгиланиб тураркан. Демак, инсон жисмининг қарийб учдан иккиси сувдан ташкил топган... Қорақалпоқлар баъзи тутуриқсиз кишиларни “Сувдан бадтар суюқ экан”, дейишади, бунда ҳам қандайдир ҳақиқат бор, шекилли... Лекин жиддий ўйлаб қарасак, бизнинг ҳаёт манбаимиз бўлмиш сувнинг яна қандай сирлари бор экан?

“...биз инсонлар, сувни оддий суюқлик, фақат чанқоғимизни қондирадиган неъмат деб биламиз. Ҳолбуки, сувнинг бундан бошқа



таъсир кучига эга эканини, ҳаёт риштасининг мустаҳкамлигини сақлашда унинг қиймати олтин ва платина қийматидан-да юқорироқ туришини ҳамма ҳам билмаса керак”, деб ёзади тиббиёт фанлари доктори, профессор Жуманазар Бекназаров.

Япон олими Масару Яматонинг “Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган “Сувнинг айтганлари” номли тадқиқотидан сувнинг “кўриш”, “эшитиш”, “сезиш”, “ҳис этиш”, “хотирлаш” хусусиятлари мавжудлигини ўқигандим. Демак, сувнинг “жон”и бор экан-да... Рус олими С.Зениннинг таъкидлашича, битта сув молекуласида 44 минг ахборот қутичалари мавжуд бўлиб, табиий “биокомпьютер”ни эслатаркан. Бу қутичалар ахборот ўтказиш қобилиятларига эга, деяпти олимлар...

Эсимда, мактаб кутубхонасидаги Рабленинг машҳур романида умри овқатланиш билан ўтаётган Гаргантюанинг қанча еб-ичса ҳам бир умр тўйиб кўрмагани, Пантагрюэлнинг эса денгиз саёҳатида худди айсберглар янглиғ қалқиб юрган “музлатилган сўзлар”га дуч келганини ўқигандик. “Музлаган сўзлар” эриганида асосан ҳайқи-

рик, изтироб ва сўкинишлардан иборат эди... У пайтлари эртаксимон ўқиладиган бу асарнинг “музлатилган сўзлари”га эътибор бермаганмиз.

Япон олимнинг микроскопик тадқиқотларидан маълум бўладики, яхши сўзларни “эшитган”, эзгу туйғуларни “ҳис этган” ва эзгу фикрни “сезган” сув музлатилганда беғубор, гўзал кўриниш ва рангга энаркан-да, ёмон сўзларни “эшитиб”, ёвузлик “кўрган” ва ёмон ниятларни “ҳис этган” сувнинг муз кристалларида қандайдир қорамтир, тартибсиз бўшлиқ – хаос аломатлари пайдо



бўларкан... Демак, сувнинг сифати фақат унинг мўл-кўллиги ва таркибининг тозалигигагина эмас, балки ундаги руҳий ҳолатга ҳам боғлиқ экан. “Авесто”даги “Сувнинг кўпчилигининг ҳам, камлигининг ҳам зарари бирдек” деган фикрга эътибор беринг. Доктор Яматонинг яна бир гапти: “Агар чуқур тадқиқ этилса, энг оғир жиноятлар оғзи шалоқ одамлар яшайдиган жойларда сидир этилиши маълум бўлади”.

Қорақалпоқларнинг:

*Хафа бўлсанг, оқин сувни ёқала,
Ҳаддан ошсанг, мозорларни орала...*

деган нақлида ҳам сувнинг аллақандай ботиний сирлари яшириниб ётгандек туюлади.

Бойсунда тонг отди... Тонгда харсангга чўк-сангиз, хаёллар олис-олисларга олиб кетаркан...

...Ҳар хил тарихий манбалардан ҳар хил даврларда бу тоғлар билан адирлардан Искандар Зулқарнайн, Кирдан қасос олишга отланган массагетлар сардори Тўмарис, халқ ботири Алпомиш, буюк соҳибқирон Амир Темурнинг

от ўйнатиб ўтганини биламиз. Ривоятлар Омонхона тарихини етти аср илгаридан бошлайди ва шифобахш булоқ сувининг пайдо бўлишини Султон Вали Балогардон ҳассаси тошга санчилишидан келтириб чиқаради. Яна бир ривоят ўтлоқдаги сигирини излаб изтироб чеккан Султон Валининг етти яшар ўғли Қамари Азизнинг ихлосига олиб бориб тақайди. Яна бир ривоят Амир Темурнинг туш кўргани ва Омонхона ғоридаги Султон Валини зиёрат қилгани тўғрисида сўзлайди. Хуллас, аждодларимиздан мерос қолган бу тупроқнинг тоғлари билан булоқлари, қир-адирлари, чўл-биёбонлари, денгизу дарёлари Оллоҳнинг ижозати ва ўзимизнинг хоҳишимиз билан ўзимизга буюрган замонда унинг қадр-қиймати ортиб, кўз қорачиғидек асраб-авайланаётгани кўриниб турибди...

Бойсунда тонг отди... Тонгда харсангга чўк-сангиз, хаёллар олис-олисларга олиб кетаркан...

Айтишадики, Маъмун академиясида ишлаётган Луқмони Ҳаким – Ибн Сино бир куни шогирдлари билан дарёнинг нариги соҳилида яшаётган қорақалпоқларнинг аҳволидан хабар олай деб Чимбойга отланибди. Шаҳарга яқин бир овулга келса, пешинда қоратолнинг тагидаги супада ухлаётган чолга кўзи тушибди. Ёнидаги ёзиқ суфрадаги заранг ёғоч товоқда озгина айрон билан яримта жўхори зоғора турганмиш. Луқмон Ҳаким шогирдларини тўхтатиб: “Бу юртда биз қиладиган иш қолмабди, энди орқага қайтамиз”, дебди. “Шунча йўл босиб келдик, нимага энди, устоз?” дебди шогирдлари. “Ҳов ана, айрон билан зоғорага қаранг! Шулардан озиқланиб, қоратолнинг тагида ухлайдиган халқда ҳеч қандай касаллик бўлмайди...”. Ўша пайт чол уйғониб, меҳмонларни дастурхонга таклиф этибди-да, толга осилган мешдан айрон кўйиб, ўтовдан жўхори зоғора олиб келибди. Луқмон Ҳаким шогирдлари билан айрон ичиб, зоғорадан татиб, чолнинг ёшини сўрабди. “Бешта кам юз”, дебди чол... Шогирдлари Луқмони Ҳаким сўзлари тасдиқ топганига иқрор бўлибди.

Бойсунда тонг отди... Тонгда харсангга чўк-сангиз, хаёллар олис-олисларга олиб кетаркан...

...Икки замонни кўрган менинг тенгқурларим кечаги кунларда нафақат ер билан сув, ҳатто одамнинг қадри бир пул бўлганини яхши билади. Тоғларнинг асрлар бўйи шаклланган табиий сув оқимларига тўғонлар қурилгач, Мар-

казий Осиёнинг табиий суғориш тизими билан иқлими ўзгарди. Қатағон қарорлар асосида пахта монополияси жорий этилиб, сарфлаган харажатини оқламайдиган деҳқончиликка мажбурий мубтало бўлди. Халққа сув танқислиги азобини бераётган тўғонлар тепасига ва чанқоқ далалар билан деворларга “Сув – ҳаёт манбаи” деган шиорлар катта ҳарфларда ёзилди. Лекин ушбу шиорнинг аксича сувлар хлор, гербицид, пестицидлар билан булғаниб, одамларнинг соғлиғига хавф солинди. Ҳудудда ўтган аср ўрталаридан бошланган саратон, сарик, гепатит, цирроз, хафақон, камқонлик касалликларининг асосий сабаби ичимлик сув билан истеъмол қилаётган озиқ-овқатимиз сифатига боғлиқ эканини ҳаммамиз биламиз, лекин хасталикларнинг сабаби ўрнига оқибати билан кураша-верамиз. Полвонлардан узр сўрайман, уларнинг худо берган кучи курашларда синалади. Ҳамма полвон эмас-ку, оддий одамлар ким билан, нима учун кураша бериши керак экан? Мўл ҳосил учунми? Социалистик мусобақа ғолиблиги учунми? Ахир, мўл ҳосилни оддий меҳнат билан, ҳеч ким билан курашмасдан ҳам, кучанмасдан ҳам етиштириш мумкин эди-ку...

Мана, шўро сиёсатининг натижаси: дарёлар тортилиб, денгизга етмай қоляпти.

Бойсунда тонг отди... Тонгда харсангга чўксангиз, хаёллар олис-олисларга олиб кетаркан...

...Олис-олислардан замона темир қарвони – поезд вагонларининг “тақа-туқ”и эшитилади ва арчазорлар орасидаги қушларнинг сайрашига жўр бўлади. Боботоғ чинорлари бу нотаниш сасга ҳайрон қолгандек чайқалади. Норбой оғанинг айғири охурдан бош кўтариб, қулоқларини дингиллатади. “Йўқ, бу тақа-туқ байталнинг чопганига ўхшамайди” дегандек, афсусланиб яна охурга бош уради...

Бойсунда тонг отди... Тонгда харсангга чўксангиз, хаёллар олис-олисларга олиб кетаркан...

...Хаёлимга баъзи замондошларимнинг: “Почта яхши ишламаяпти, газета-журналлар ойнанинг охирида бир келади, қувур жўмрагини очсангиз лойқа сув оқади, маошни пластикка солиб, дўконга борсак, сотувчи қиммат, нақд пулга эса арзон нархда сотаяпти ва ҳақозо...” деб нолишлари келади. Аммо шу ўринда савол туғилади: муаммоларни санаб, фақат кузатувчи бўлиб қолмасдан, уларни бартараф этишда иштирок этаятмизми? Бирор масалани

ечишда шахсан ташаббускор бўлятмизми? Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли янгиланишлар жараёнида бизнинг ҳиссамиз қандай бўляпти? Ҳа, инсон табиат бағрида ҳам жамият қўяётган масалаларни унутолмайди.

Бойсунда тонг отди... Тонгда харсангга чўксангиз, хаёллар олис-олисларга олиб кетаркан...

...Биз ёзувчилар доимо шоирларга ҳавас қиламиз. Шоирлар кезиб юриб, тоғлардан, боғлардан, гуллардан, булбуллардан илҳом олиб, шеърини ёзиб ташлайди. Энди уни бирор жойда ўқиб қолса, ҳамманинг эътибори ўшаларда. Чиройли қизларнинг маҳлиё бўлганини айтмайсизми?! Биз ёзувчилар эса йиллаб китоб ёзиб, уни бировлар ўқигунча, сулувлар қариб қолади, ҳатто неварали ҳам бўлиб улгуради. Балки, кампиримининг менинг ёзганларимни ўқимаганлиги ҳам шундан бўлса керак...

Омонхонада бўлганим билан Бойсундан от усти ўтиб кетдим, балки унинг камина билмаган қирлари билан сирлари кўпдир. Уларни тасвирлашни қалами ўткир дўстларим ихтиёрига қолдириб, яхши шоирларнинг яхши ёзганларидан илҳом оламан. Шунинг учун Бойсунда туғилиб, Тошкентда йигит бўлган дўстим, халқ шоири Усмон Азимдан ижарага олган сатрлар билан гапимни тугатаман...

*Менинг Бойсунимда тугилар булут,
Тоғларга қадалган – осмони яқин.
Менинг Бойсунимда кўк юзин юлиб,
Туғилиб-ўлишни машқ қилар чақин.*

*Менинг Бойсунимда тентакдир баҳор –
Селларни қувади сойдан ошириб.
“Эна”, деб Алпомиш келар ҳар наҳор –
Эртақлар улашар дилга бош уриб.*

*Менинг Бойсунимнинг – кўчалари тор,
Менинг Бойсунимнинг – кечалари кенг.
Бойсун берган менинг битта дўстим бор –
Мени ўйқотишда Қоражонга тенг.*

*Бойсунга етгунча сўнгагим чўпдир,
Йўлларим сувсиздир, йўлларим – энсиз.
Бойсунимда Бойсун тобора кўпдир,
Бойсунимда Бойсун тобора менсиз...*

Навоий ЛУҒАТИ


(Давоми. Боши ўтган сонда.)

Йилик – илик
Йилмон қаё – ўткир қирра
Йилчилай – йилларча
Йир – қўшиқ, жир
Йиров – жиров, бахши
Йитмак – йўқолмоқ
Йиғоч – дарахт, ёғоч; узунлик
 ўлчови
Йўлдамоқ – йўлламоқ
Йўрмоқ – йўймоқ, жўймоқ.
Йўртоқ – йўртадиган, йўртиб
 чопадиган
Йўрун – ямоқ парча, парча.
Йўрунчқа – йўнғучқа, беда
Кевурмак (киюрмак) –
 киритмоқ
Кежим – отга
 кийдириладиган ўқ ўтмас ёпик
Кезламак – бекитмоқ,
 гизламоқ
Кемур (кўмур) – кўмир
Кериш (кириш) – ёй ипи
Кесма – гажак
Кеча ишнар қурт – ёнарқурт
Кирпич – ғишт
Ковурго – катта ноғора
Куйканақ – илвасин



овлайдиган қуш тури, кўканақ
Кулоқ – а) ҳолвага ўхшаш
 ширинлик; б) шарбат, бодом ва
 қаймоқли кулча
Кунас (кунаш) – қуёш
Курук – курки товуқ
Куризлиқ – қарилик, кучдан
 қолганлик
Кўзанақ – сўзанақ, ниначи
Кўкалтош – сут эмишган
Кўкрамак – бўкирмоқ, қаттиқ
 овоз билан бақирмоқ
Кўктемир – уруш кийими
Кўлака – кўланка, соя
Кўмак – танглай
Кўпалак – капалак
Кўра – ўчоқ, оташдон
Кўрага (кўрга) – а) май
 идиши; б) сурнай в) кийгиз,
 намаг
Кўргу – кўргилик, ҳол
Кўркабой – жуда чиройли,
 хуснли

Кўркамак – бурканмоқ
Кўсав – косов
Лачак – аёллар бошига
 ўрайдиган чорси, рўмол.
Лода – аҳмоқ, ақлсиз
Лул – уятсиз, шармсиз
Мавиз – майиз
Майруқ – эгри-бугри
Марал – кийик (урғочиси)
Монгдурмоқ – юргизмоқ,
 жилдирмоқ
Монгиш – юрмоқ, қадам
 босмоқ
Монгсиз – мажолсиз
Мунгуз – шох
Мунгалмак – қайғурмоқ,
 қайғуга тушмоқ
Мучак – ўпич
Мўлдур – шабнам



(Давоми бор.)



Расмларни Оловиддин Собир ўғли чизган.

Эркак



**Нормурод
НОРҚОБИЛОВ**

1953 йили туғилган.

Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тугатган. “Зангори кўл”, “Унутилган кўшиқ”, “Юзма-юз”, “Пахмоқ”, “Бекалдаги оқ уйча”, “Жўшқин дарё”, “Овул оралаган бўри”, “Бўрон кўпган кун” каби қисса ва ҳикоялардан иборат тўпламлари. “Дашту далаларда” романи нашр этилган.

Ҳикоя

– Уф-ф, бу сағирларниям ташвиши тоза жонга тегди-да, лекин!..

Бу совуқдан-совуқ иддаоли сас аммаси дарвозасидан чиқиб улгурмай, болакайнинг ортидан қувиб етди ва жимитдек юрагини тилкалаб, кўзларини ёшлатди. Бир хаёли, бу гапни айтмоқдан андиша қилмаган катта ўғли – Нортोजи танбалнинг оғзига уриш ўрнига сукутни афзал билган аммасига аччиқ қилиб, ер тепиниб, овози борича йиғлагиси келди. Афсуски, унга йиғлаш мумкин эмас, нега деганда, ҳафта бурун олис овулдан келиб-кетган Суюн тоғасининг жиддий ўғитига кўра, энди у бола эмас, оиланинг

Болалар дунёси камина учун очилмаган кўриққа ўхшайди. Зеро, ҳар бир боланинг ўзи бир дунёдир. Аммо бу дунё шунчалар нозикки, унга ҳеч қачон тўғридан-тўғри кириб бўлмайди. Бунинг учун бола бўлиб, ушбу дунёда яшамоқ зарур. Биз катталар ёруғ оламга айнан бола нигоҳи ва шуури, қувноқлиги ва беғуборлиги ила боқмоғимиз лозим. Қизик жиҳати, давр ва замон нечоғлик тусланмасин, болалар дунёси ҳаминша ўзлигича қолаверади. Демокчиманки, биз катталар бу дунё олдида гоятда масъулмиз, яъни болалардаги барча юксак фазилатларнинг ривож топмоғида катталарнинг ўрни гоятда муҳимдир. Зигирдек эҳтиётсизлик ёхуд лоқайдлик бола қалбида ўчмас, ўчириб бўлмас даражада ноҳуш из қолдирганидек, ўз навбати, биздаги бағрикенглик, сабр, эътибор ва меҳр улар камолида етакчи роль ўйнайди. Шарқ донишмандларидан бири айтганидек, биз катталар ўзимизга нисбатан эътиборсиз бўлмоғимиз мумкин дир, аммо зинҳор-ба-зинҳор болаларга нисбатан эмас.

Мен “Ёшлик” журналида эълон қилинаётган бу икки ҳикояда турли давр болаларини тасвирлаганман. Аммо ҳар иккисидан ҳам боланинг таъсирчан қалби, беғубор табиати ва қарашларини ифодалашга уриндим. Ҳикояларни ўқиб, баҳолаш эса Сизга ҳавола, азиз ўқувчи.

Муаллиф

ягона бош эркаги эмиш, эркакка, айниқса, бош эркакка кўз ёши қилиш сира мумкин эмас эмиш! Агар қиз боладай салга кўзининг сийдигини оқизаверса, онаси, айниқса, икки синглиси, мисли жалада қолган палапонлардек, ўзларини ожиз ва паноҳсиз ҳис этишармиш!

Болакай шуларни ўйлаб, бир амаллаб ўзини йиғидан тийди. Сўнг ўзича фикр қилди. Ҳозир алами ошиб-тошиб, кўзларини қизартириб уйига боргани билан ким ҳам унинг озорли кўнглига таскин бера оларди? Онаси далада, сингиллари эса гузардаги болалар боғчасида, кенг ҳовлида, товукларни ҳисобга олмаганда, эшаги ва олапар итидан бўлак жон йўқ. Тўғри, ити ўта зийрак – болакайнинг тушкун кайфиятини зумда сезади. Айниқса, отасини қўмсаб ҳиққилай бошлаган кезлари боёқишнинг кўзлари намланиб-намланиб, ички инграшга ўхшаш ғалати бир овозда гингшиб-гингшиб, аста келиб қўлларини ялайди, нега йиғлайсан, ахир бу ёқда мен борман-ку, дегандай тиззаларига суйкалади. Аммо кўрадаги эшаги итининг ғирт акси – худди аммасининг ўғилларидек беҳис, бепарво, унга қолса осмон узилиб ерга тушмай-димми, муҳими, олдидаги тошоҳурдан емиши узилмаса бас – бош кўтармай, куртиллаиб чайнагани чайнаган. Шунга қарамай, у эшагини яхши кўради, боиси, жаҳлланган пайтларида шўрликка не зулм ўтказса-да, ғиқ этмайди-да.

У ғамнок кайфиятда ҳовлисига кириб бораркан, олдига югуриб чиққан ўйинқароқ итига қия ҳам боқмай, биринчи галда сўлдаги омбортом эшиги ёнида турган буғдой тўла олақопга аламнок кўз ташлади. Сабаби, кечагидек, бугунги кўнгил хираликларнинг асосий сабабчиси шу эди-да, яъни онаси томонидан ғалвирдан ўтказилиб, тозалаб қўйилган қопдаги донни тегирмонга олиб бориш масаласи кечадан буён аммаси ўғиллари ўртасида сансалор бўлиб келмоқда. Бу камдек, уйларида бир чакса ун йўқ. Кеча оқшом нон ёпган онаси бир хамирлик унни қўшнидан олган. Шу боис бугун эрталаб алоҳида тайинлаб кетган, тегирмонга боришни акаларингга эслатиш ёдингдан чиқмасин-а, улим, деб. Бу гапни аввалгидек, феълига хос, дадиллик билан эмас, худди иложсиз қолган одамдай, кўзлари филтиллаб-филтиллаб айтган. Айни тобда кўзига мисли балодай кўринаётган бу лаънати қоп бугун ҳам ўрнидан жилмаса, оқшом онасининг кўнгли вайрон бўлмоғи тайин. Болакайнинг бор ташвиши шундан эди. Тоғаси айтмишли, оиланинг бош эркаги бўла

туриб, онасини ғам уммонига чўмдирмоқ ёхуд алам ўтида қовурмоқ жуда уят-да, ахир! Бироқ оиланинг бош эркаги бўлиш осон эмас, ғоятда мушкул экан!

Болакай буни энди билаяпти.

Болакай буни энди сезаяпти.

Болакай ўзининг кичиклигидан ўксинди.

Болакай аммасининг ўғилларидан аввалроқ дунёга келмаганидан ўкинди.

Бироқ унинг бор кучи хаёл сурмоққа етди: қани энди, отасидек кучли ва ўктам бўлса-ю, меҳмонхона деворига осигли турган анову қамчилардан бирини қўлига олиб, шу заҳотиёқ аммасининг уйига уриб борса, ишдан кўра вайсашни хуш кўрадиган анову танбалтабиат Нортожи хомсемизнинг аввал ўнг яғринига, сўнг сўл яғринига қарсиллатиб-қарсиллатиб қамчи туширса, қочмоққа уринган иниси Қулман маҳмаданани кунжакка тикиб, ҳовлидаги жўжаларига кун бермайдиган ёввойи мушукни тутиб биғиллатганидай роса биғиллатса! Салим кенжани эса дунёга келганига минг бор пўшаймон едирса! О-о, зап зўр иш бўларди-да лекин!

Бу бўронли хаёлдан болакай маза қилди.

Бу тўфонли ўйдан болакай ҳузур қилди.

Бу гирдобли тасаввурдан бўйи тўрт қарич ўсгандай бўлди.

Нортожи танбалнинг, тавба қилдим, дея ялинишларини кўз олдига келтириб, беихтиёр ва бахтиёр жилмайди. Эсида, бир гал отаси қамчи остига олганида, у бошини қўллари билан тўсанча, худди шу йўсинда ёлворганди. Яна шу нарса ёдидаки, отасининг бу қилиғи ўша кун тасодифан келиб қолган Суюн тоғасига унчалик ёқмаган: “Қамчининг кучи билан йўқ меҳрни йўндириб, оқибат минорасини тиклаб бўларканми, кувёв! – деган бошини сараклатиб. – Агар ботинида бўлмаса, бу уринишлардан наф йўқ, қайтамга ёмон кўринганингиз қолади!..” Ўшанда болакай “ботин” сўзи нелигини англаёлмай, унинг маъноси билан қизиқсинганида, тоғаси ўнг кафтини сўл кўксига қўйиб, “юррак” дегандай бўлганди.

Бироқ айна тобда болакай “юррак” эмас, қамчи тарафдори эди.

Ана, у қуруқ хаёл билан чекланиб қолмай, амалий ишга ўтди – дон тўла қопни Нортожи танбал ўрнида тасаввур этиб, қўлига илинган хивич билан уни аямай савалашга тушди. Бирор муддатдан сўнг ҳовури босилиб, хуши жойига келгач, маъюс тортиб, жилмайди: йўқ, қариндоши ўзини савалатиб қўймайди, отанг ургани каммиди, дея ўзининг таъзирини бериб қўяди!

Отасининг қаттиққўллиги ўлгудек жигарчиллиги боис эди. У ҳамиша хешлари бошини қовуштириб, барчани ўз йўриғига бўйсундириб келарди. Айниқса, уч бола билан эрта тул қолган ёлғиз опасини ўзгача ардоқларди, унга бўрон тугул, енгилгина елвизакни ҳам раво кўрмасди ва шу сабабдан ҳам гап уқмас жиянлари унинг қайноқ қаҳрига тез-тез дуч келиб туришарди. Аммо отаси қазо қилди-ю, Суюн тоғаси айтмишли, у бунёд этган “оқибат минораси” секин-аста нурашни бошлади. Бу борада болакайнинг илк фаҳмлаб етгани шу бўлдики, сўнгги дамларда шусиз ҳам хийла камнамо бўлиб қолган хешларида ўзига нисбатан бурунги илиқлик ва хушҳоллик йўқ, борса, ошкора ҳадик билан қаршилашади: “У-уф, яна қандай ташвишни бошлаб келди-я бу бола?!” Буни сезган болакай иложи борича аммасининг уйига бормасликка уринади. Ўзига қолса-ку, бугун ҳам қадам босмасди-ю, лекин тегирмон деган бало унинг болаларча гуруридан устун келганди. У қия очиқ дарвозадан ичкарилаб, хешлари нонушта қилиб ўтирган ҳовли тўридаги сўрига яқинлашар экан, ўғилларига гапи ўтмайдиган шўрлик аммаси кўзлари жавдираб-жавдираб, уларга юзланиб-юзланиб деди:

– Бола бечорани буйтиблар маҳтал қилмай, бировинг кўзғал энди!

– Бугун менинг умуман вақтим йўқ! – деди бунга жавобан Нортожи танбал кескин оҳангда.

– Агар вақти бўлса, ана, Қулманнингиз борсин.

– Бугун мен район энишим керак, – деди Қулман дегани, оғзидаги луқмасини чала-чулпа ютиб, пиёладаги чойни хўриллатиб ичаркан. – Ҳа, айтганча, ҳадемай Салим кеп қолади-ю...

Охири шу тўхтама келишди – кеча шомда қўшни қишлоққа тўйлаб кетган Салимни кутадиган ва у қора бериши билан, қулоғидан бураб бўлса-да, тегирмонга зингиллатадиган бўлишди. Ваҳоланки, кечаям шунга яқин гап бўлганди. Аммо эрта пешинданоқ муюлишдаги дўкон пешайвонида қарта чийлаб ўтирган бекорчилар қаватидан ўрин олган Салим иссиқ ўрнини советгиси келмади, бошда, мана ҳозир-ана ҳозир, деб турган одам бирдан айниб, бугун эмас, эртан, дея гапни қисқа қилди-да, болакайни ҳайдаб солди. Йўқ, Салим акаси ўлгудек тутуриқсиз, бу туришида бугун ҳам бирор баҳона топмай қўймайди. Аслида, шу феъли туфайли ҳам доимо отасининг ғазабига дучор бўлиб юрарди. Кеча бунинг аламини боладан олгандай, ушбу гапни айтмоқдан зиғирча

андиша қилмаган: “Иҳ-ҳи, отанг ўлиб, энди кунларинг менга қолдимми!” Бироқ буни кимга ва нима деб айтади? Болакай шуларни хаёлидан ўтказаркан, аммаси узатган ширинликка қиё боқмай, секин изига қайрилган ва дарвозага етиб-етмай ушбу хитоб изидан қувиб етган: “Уф-ф, бу сағирларниям ташвиши тоза жонга тегди-да, лекин!..”

Бу совуқ хитобнинг аламини қопдан олган болакай қўлидаги хивични четга улоқтириб, ҳовли юзида бесамар кезина бошлади. У оқшом онасининг сассиз эзилишини ўйлаб, қаттиқ безовталанмоқда эди. Қани энди, тоғасининг овули яқин бўлса-ю, югуриб борса ёхуд ўз тенги болаларга сира мумкин бўлмаган бу ишга дадил қўл уриб, қопни тегирмонга ўзи олиб бориб, унни ўзи тортиб келса. Шунда у қўшни қишлоқ этагидаги тегирмонни кўз олдига келтириб, бирдан сергак тортиди. Шошма, ахир отасига эргашиб, бир эмас, икки бор тегирмонга борганди-ку. Манови дардисар қопни бир амаллаб тегирмонга етказса, қолган ишни тегирмончи чолнинг ўзи эплаб-сеплаб бермасмикан? Тўғри, дастлаб, нима, уйингда сендан каттароғи йўқмиди, дея койиб бериши тайин. Ўтган сафар ҳали ўсмир ёшига етмаган бир болани шундай дея янганига ўзи гувоҳ бўлган. Агар у койинар бўлса, уйда эркаклардан энг каттаси ўзимман, дея ростини айтади-қўяди ва гап орасида ҳов бирда отасига эргашиб келгани ҳамда тегирмон биқинидаги эски сўрида жамланишиб, бирга-бирга чой ичишганини астагина қистириб ўтади. Бу гапдан кейин, тегирмончи яхши одам, қайишса керак.

Болакай шуларни хаёлидан кечирар экан, тўйқусдан ўзини ҳар ишга қодирдек ҳис эта бошлади. Ҳатто зумда бўйи ўсиб, овози йўғон тортгандек туюлди. У бир қарорга келиши билан эшаги томон, болаларча пилдираб эмас, худди отасидек салмоқланиб-салмоқланиб одимлади ва бу юриши ўзига жуда ёқиб тушди.

Қўра девори устидаги тўқимни қўлига олаётиб, бўшаб қолган отхона тарафга бирров назар ташлаб қўяркан, отаси ўлимидан кейин, бу энди силарга юк бўлишдан бошқасига ярамайди, дея тўриқни соттириб юборган тоғасини ичида яниб-яниб қўйди. Негаки, ўзидек бир йигитга эшакдан кўра от яхши-да, устида одамдай керилиб ўтирасан киши! Лекин отаси тегирмонга отда эмас, эшакда бориши ёдига тушгач, шу ондаёқ отни унутди.

Эшагини яхшилаб тўқимлади.

Кейин кўмакка одам чақирриш умидида ўша салмоқли одимлар билан кўчага йўналди. Бахтига, ариқ бўйидаги кекса тол тагида икки кўшни йигит суҳбатлашиб турган экан, қадам олишини заррача ўзгартирмаган кўйи, бир-бир босиб, йигитларга яқинлашди ва илгаргидек шунчаки салом бериб кўя қолмай, ҳар бири билан кўл бериб-кўл бериб кўришди, сўнг уларни янада ҳайратга солиб, катталарга хос сокин бир алфозда ҳол-аҳвол сўрашган бўлди. Кейин эса томоқ қириб-томоқ қириб, ниятини баён этди:

– Акалар, агар сизларга малол келмаса, шу... ҳовлида озгина юк бордай эди. Шунини эшакка ташлаб беролмайсизларми? Илтимос!

Йигитлар унинг ортидан эргашар экан, бири иккинчисига секин деди:

– Собир чавандоз тирилиб кептимми?

– Шунга ўхшайди, – деди иккинчиси кулиб.

Йигитлар қопни эшакка юклашаркан, бири ажабсиниб сўради.

– Хўш, йўл бўлсин, Дониёрбой?

– Тегирмонга, – деди болакай андак виқорланиб.

– Йўқ, бу ишга сен ҳали ёшлик қиласан.

Болакай қарасаки, иш чатоқ, йигитлар бу ишига ройиш берадиган эмас, шунда у дарров ёлғонлашга тушди.

– Йўқ, тегирмонга мен эмас, Салим акам боради. У киши тўйдан қайтгунча мен бу зор-мандани аммамнинг уйига обориб ташлашим керак...

– Ўзи келса, оёғи синиб қолмасди! – дея тўнғиллади иккинчиси, болакайни кўлтигидан тутиб қопнинг устига ўтирғизиб кўяр экан. – Ярамас, туллак!

Бироқ кўчага чиқишгач, аммасининг уйи бу томонда қолиб, у бутунлай тесқари тарафга йўл тортиганини кўрган йигитлар дастлаб ҳайрон бўлишди, сўнг воқеани фаҳмлаб, бири олға интилганди, бошқаси уни тўхтатди.

– Кўявер, қайтамга пишийди.

Болакай қир ёқалаб кетган тупроқ йўлга тушиб олгач, енгил нафас олди. У мушкул муаммо тез ва осонгина ҳал бўлганидан, яъни икки кундан буён омбортом эшигида кўнглини хира, дилини вайрон қилиб турган олақоп ниҳоят ўрнидан жилганидан ўзида йўқ хурсанд эди.

Бу ёғи эса бир гап бўлар!

Бироқ сал ўтмай болакай тагин нотинчлана бошлади. У олисда қорайиб турган тегирмонли

кўшни қишлоққа ҳадикланиб-ҳадикланиб боқаркан, чўнтагида бир мирри йўқ, тегирмончи уришиб-уришиб, изимга қайтариб юборса-я, деган хаёлга борди. Боя шуни ўйламагани энди кор қила бошлади. Шунда тегирмон ҳақиқа отасидан пул эмас, бир челақча ун олингани элас-элас эсига тушиб, яна қушдай енгил тортди ва кўлидаги халачўп билан эшаги сағрисига секингина уриб қўйди.

Қишлоқ этагида, шарқироқ сой бўйидаги қуюқ дарахтзор орасида жойлашган чоққина тегирмонга етиб борганда, ичкаридан чиқиб келган тегирмончи Шойим чол қоп устида муштдеккина бўлиб ўтирган болакайни кўриб анқайиб қолди. Кейин эшик томонга ярим ўгирилиб, мановини қара-мановини қара, дея ичкаридан кимнидир ёнига чорлади. Кўп ўтмай унинг ёнида мўйлови шопдай, ўзи девдай бир эркак пайдо бўлди. Бу орада Шойим чол, балки изидан одам келаётгандир, деган ўйда ўнг кафтини қоши устига қўйиб, йўлга кўз солди. Бирор қорани илғамагач эса, куйинчаклик билан сўради:

– Қайси уйинг куйгир битта ўзингни юборди, а?

– Ҳеч ким, ўзим келдим, – деди унинг овозида меҳр сезган болакай, дадил тортиб.

– Кимнинг улисан?

– Собир чавандознинг улиман, – дея боши билан ортада қолган қишлоғига ишора қилди болакай.

– И-и, раҳматли Собирнинг улимисан? – Шойим чол унга бир зум ачиниш-ла тикилиб турди-да, сўнг бирдан дийдиё қилишга тушди: – Ҳа, етимнинг кўрган куни қурсин-а! Энанг шўрликнинг куни энди сен етимчага қолдимми, а?!

“Етим” сўзи болакайга жуда оғир ботди.

– Мен етимча эмасман! – деди қошларини норози чимириб.


– Эмасам, кимсан? – деди чол дарднок хўрсиниб.

– Мен эркакман! – деди болакай чарсланиб. – Оиланинг бош эркакиман!

– Нима-нима?! – деди ҳайратдан шопмўйловнинг кўзлари катта-катта очилиб. – Шу гапингни яна бир қайтар, жиян!

– Мен эркакман! – деди болакай бу сафар қайсарланиб.

– Ҳа, тилингдан, тилгинангдан сени! – шопмўйлов яйраб кулди-кулди-да, сўнг Шойим чол томонга илкис юз ўгириб, қатъий ва жўшқин бир оҳангда деди: – Шу гапи учун ҳам



тегирмон навбати буники! Ҳа-ҳа, мен ўз навбатимни шу болага бераман! Аввал бу, кейин мен! Ҳа, эркакман деган тилингдан сени!

У болакайни эшакдан тушириб, оғир қопни кучоғига ола-ола, яна деди:

– Ҳа, кўзингдан сени!

Болакай сой ёқасидаги чимзорга эшагини қантариб, ичкарига қимтини бош суққанида, олақопдаги дон аллақачон дўлга ағдарилган ва ғириллаб айланаётган тегирмон тошлари орасига дастлабки буғдой доналари бир маромда тўкилмоқни бошлаган эди.

Тегирмон навбатини болакайга берган шопмўйлов кечга томон келишини айтиб, улар билан хайрлашиб кетди. Кетаётиб ҳам, ҳа, кўзгинангдан сени, дея болакайни эркалаб-эркалаб кетди. Шойим чол эса бу ёғига нима қиларини билмай, гоҳ чир айланаётган тегирмон тошига, гоҳ дўл косасидан тушаётган дон оқимига, гоҳ

девор ёқалаб қатор терилган қопларга, гоҳ ун гардидан оқарган пастак шифтдаги хира чироққа бир-бир тикилиб, анқайиб турган болакайнинг қўлига бўш қопни тутқазиб, ташқарига қоқиб-суқиб келишни буюрди. Кейин қоп четларини қайириб-қайириб, уни хампа ёнига ўнғайлаб жойлаштирди-да, чоққина оғоч куракни болакайнинг қўлига тутқазиб, йиғилган унни қопга қандай қилиб солишни ўргатиб, одам келса, чақирарсан, дея ҳовлисига чиқиб кетди.

Иш жўн ва осон эди.

Ёлғиз қолган болакай бирпасда тегирмонни ўзиники қилиб олди. Хампага ун йиғилган кезлари, уни қопга солиб, қолган пайт сой бўйидаги қуюқ дарахтзорни айланди, қия оғоч новдан қуйига интилаётган сув кучидан чир айланаётган тегирмон паррагини обдон томоша қилди. Тегирмонга одам келса, ҳаялламай қўшни ҳовлидан Шойим чолни чақириб келди. Тушда эса чолнинг невараси олиб чиққан чинни лагандаги ошни маза қилиб уриб олди.

Оқшом олди болакай ун тўла қоп устида, ўзича керилиб қишлоғига кириб бораркан, бугун тегирмонга бориши лозим бўлган Салим акасини дўкон олдида, ўзига ўхшаган уч-тўрт улфатлари даврасида ғирт маст ҳолда кўрди. Қўшни аёллар билан даладан қайтаётган онасига эса ўз дарвозалари рўпарасида дуч келди. Улар олдинма-кейин ҳовлига киришаркан, воқеани тўла идрок этган ва бундан меҳри дарёдек жўшган она бошдан-оёқ оппоқ ун гардига беланган ўғлини маҳкам қучиб, ўпмоққа интилди. Бироқ болакай бунга изн бермади, кескин юз бурди – биринчи бор ўзини болаларча суюб, эркалашларидан орланди.

Она бундан ҳайрон бўлди.

Она бундан ўксинди.

Ўғлига тиклаб-тиклаб қаради ва бирдан сергак тортди, қошида ўзи билган жимитдек ўғли эмас, росмана бир эркак, менда бошқа гапнингиз йўқми, дегандай жиддий боқиб турарди.

Бироқ бу “эркак”нинг чоғи эшакдаги қопни ерга туширмоққа етмасди. Шу сабаб қўшни йигитларни кўмакка чорлаш ўйида салмоқли одимлар ила ташқарига йўналди.

Бундан онанинг кўзлари ёшланди, бироқ бу беихтиёр қалқиган севинч ва ғурур ёшлари эди.

2016 йил



Ҷури

Ҳикоя

У ўмарган соатини уйидагилар кўзидан бекитиб юришга ҳарчанд уринмасин, барибир учинчи кун эрталаб қўлга тушди. Шу кезгача соатни мактабга кетаётиб йўлда билагига тақиб, қайтишида эса сумкасига солиб, яширин сақлаб келаётганди.

Бари ҳеч кутилмаганда содир бўлди.

Бугун у нонуштадан сўнг, кундалик одати бўйича, қўшни хонага чиқиб кийимини алмаштираркан, бу сафар кўчага чиқишга сабри чидамай, енг ичида ким ҳам кўриб ўтирибди, деган хаёлда соатни шартта билагига тақиб олди-да, елкасига сумкасини ила-ила, эшик томон юрган ерида, дераза ёнида бир дам тўхтаб, тагин уни ёруққа солиб кўрди ва азбаройи завқи тошганидан, бошини лиқиллатиб, танглайини тақиллатиб-тақиллатиб қўйди: оч жигарранг тасмали соат чиндан-да бежирим, ғоятда

чиройли эди – бамисли олтиндек ялт-юлт товланиб, кўнгилга ададсиз шавқ бағишларди. У ўша шавқ оғушида даҳлизга чиқиб, оқшом тозаланиб, ялтиратиб қўйилган туфлисини эндигина оёғига илган ҳам эдики, тўсатдан нариги бўлмадан отасининг ўта салобатли овози эшитилди:

– Мирҳайдар!

Бу овоз соҳиби Ғайбулла баковул неча йилдирки тўйдаги курашларда кайвонилик қилиб, катта-кичик давраларни бинойидек бошқариб келаётган эса-да, аслида табиатан камгапроқ, хусусан, уйдагиларига сўзи билан эмас, кўз қарашлари ила ҳукм ўтказадиган оғир-босиқ ва ўта жиддий одам эди. У камдан-кам ҳоллардагина, яъни фавқулодда недир содир бўлган онлардагина овоз кўтаришини демаса, қолган пайт унча-бунча нарсага аралашавермасди. Шу боис, ўзини айбдор ҳис этиб юргани туфайли, кутилмаган бу йўқловдан боланинг юраги шувиллаб, дастлабки ўй-ҳадиги шу бўлди: “Наҳотки, бундан отам хабар топган бўлса?..” У энди билагини ўтдек кўйдира бошлаган соатни нима қиларини билмай, шошиб, каловланиб турганида, отанинг навбатдаги чорлови янада баландроқ овозда, боланинг назарида, таҳдидли оҳангда такрорланди. Тамом – энди ортиқ ҳаяллаши мумкин эмас, у довдираганча, қия очик эшикдан ичкарига мўралади. Қарасаки, отаси бармоқлари билан носқовоқ попугини ўйнаганча, хотиржам ёнбошлаб ётибди. Бундан боланинг кўнгли енгил тортиб, ўз навбатида, тезроқ жуфтаси ростламоқ ўйида, гўё жуда ошиқаётгандек, лаббай, деди. Аксига олиб, отаси мақсадини баён этишдан аввал, ановини узатиб юбор, дея дераза раҳидаги туфдонга ишора қилди. Остона ҳатламоқдан бўлак чораси қолмаган бола, ичкарига кириб, беихтиёр, сўл қўлини туфдонга чўзди ва ана шунда билагига соат йилтиллаб, ота эътиборини дарров ўзига тортди.

– Ия, муборак бўлсин! – деди Ғайбулла баковул худди даврада ғолибни қутлагандек, сокин кулимсираб ва сўнг қошида кавшаниб ўтирган аёлига юзланди: – Соатни бунга сен обердингми?

– Нима? – деди аёли тушунмай.

– Бунга соатни сен обердингми деяпман?

– Ғайбулла бакавул боши билан бола томонга ишора қилди.

– Қанақа соат? – деди аёл бир унга, бир ўғлига ҳайрон боқаркан. – Мен ҳеч нарса оберганим йўқ бунга.

Бу гапдан сўнг Гайбулла баковул дарров сергак тортди. Болишдан тирсак узиб, қаддини ростлаб ўтираркан, шубҳа-гумонга тўла нигоҳини ҳануз туфдон тутиб турган болага ўқдек қадаганча, жиддий деди:

– Қани, бу ёққа бер-чи!

Бола туфдонни узатди.

– Йўқ, қўлингдаги соатни бер!

Бола билагидаги соатни ечиб, отасига узатди.

Гайбулла баковул ошиқмай соатни кўздан кечираркан, уни оддий матоҳ эмас, қимматбаҳо эканини тезда англади ва беихтиёр икки токча оралиғидаги миҳда осигли турган майда ўрим қамчига ер остидан зимдан қараб қўйди. Бунини сезган бола ичдан зил кетди. Боиси, отаси ўғрилари жинидан ёмон кўради, шу ёзда Дашт бозорида тасодифан қўлига тушиб қолган чўнтаккесар бир йигитни нечоғлик қамчи остига олганини ўзи кўзи билан кўрганди. Ўшанда отаси айрим одамларга ўхшаб, бақирчақир қилиб ўтирмаган, худди оғзига бир кафт нос ташлаб олгандай, лабларини маҳкам қимтиганча қамчига зўр берган ва шўрлик йигит унинг чангалидан зўр-базўр қочиб қутулганди. Аммо ҳозир болани қамчининг аччиқ зарбидан кўра “ўғри” деган тавқилаънат кўпроқ изтиробга солмоқда эди. Агар бу сир ташқарига ўрлайдиган бўлса, тамом – кўчада сира бош кўтариб юргилиги қолмайди. Бундан-да алам-лиси, у соатни ўмармоқчи эмасди, шунчаки бир-икки кунга ҳавасга тақиб, сўнг ими-жи-мида яна жойига қайтармоқчи эди. Бироқ бунини кўзлари оловланиб турган отасига қандай қилиб аңлатади? Аңлатса-да, нега сўроқсиз олдинг, дея баттар қасди-басдига олади. Бунини етмагандек, соат эгаси бегона эмас, отасининг уч ҳовли наридаги яқин жўраси – Асқар чавандоз эди. Ана энди, у одамнинг юзига қандай қарайди!

Шу топда бола истаган бир нарсага айланиб қолишга, жумладан, кунжакда ғужанак тушиб ётган тарғил мушук ва ҳаттоки дастурхон тепасида айланишаётган хира пашшалардан бири ўрнида бўлиб қолишга ҳам рози эди. Қани энди, айна шу лаҳзада манови пашшалардан бирига эврилиб қолса! Ёхуд, худди олди-қочди кинолардагидек, вақт деган зорманда чир айланиб, изига қайтса-ю, у лоп этиб соат ўмарилган ўша кунга тушиб қолса! Гар бунинг имкон ва иложи бўлганида борми, Асқар амаки илтимос қилган арзимас юмушни тезгина адо этган бўларди-ю, лекин зинҳор-базинҳор

уй бекаси Сожида хола ёзган дастурхон яқинига йўламасди. Ахир, бари гирдибало ўша тўкин дастурхон туфайли юз берди-да. Агар ўшанда дастурхонни бежаб турган ялтироқ қоғозли турли конфетлар ҳавасини кўзгаб, иштаҳасини қитикламаганида, манови лаънати соатга дуч келмаган ва ҳозир отаси қошида баргдай титраб турмаган бўларди-да. Бола шуларни хаёлидан ўтказар экан, бу қилмиши учун ўзини эмас, уй бекасини айбламоққа тушди: эҳ-х, шу Сожида холаям жуда қизиқ-да, уйига бориб, номига йўталсанг-да, ҳадаҳа олдингга дастурхон ёзади, эмасам, ўша кунги юмуш – кўрада тўпланиб қолган гўнгни замбилғалтакда томорқага чиқариб ташлаш ҳам ишмиди, шугина юмушни бажаргани учун олдига дастурхон ёзиш шартмиди! Мана, онаси, тоғни талқон қилсанг-да, пинагини бузмайди, ширинлик нари турсин, бир пиёла чой қўйишни ҳам хаёлга келтирмайди. Қайтамга, юмуш устига юмуш айтиб, тинкасини қуритади. Бола аңчайин меҳри қаттиқ онаси ҳамда унинг ғирт акси бўлмиш Сожида холани бир-бирига таққосларкан, катталар гурунгида қулоғига чалинган гап-сўзлар асосида ўзича қуйидагича фикр қилди: ҳадеб қиз устига қиз туғавермай, кўп эмас, атиги биргина ўғил туғиб берганида борми, бечора Асқар амакининг иши ўзига ўхшаганларга тушиб қолмаган, ҳовлисида неки юмуш бор, барини ўша ўғли уддалаган ва соат ҳам ўғирланмаган бўларди-я!

Ўша кунини у чойдан ҳўплаб, олдида қўйилган ширинликлардан танлаб-танлаб тотинаркан, боя хонтахта ёнига чўкаётди, унинг тагидан топиб олган соатни ўмарини бошда хаёлига ҳам келтирмаганди. Аввалига, ўзиям зўр соат экан-да, дея обдон томоша қилди, сўнг ҳали ўнг, ҳали сўл қулоғига тутиб, бир маромда чиққиллашини баҳузур тинглади. Кейин, турган гап, кавшанишдан тийилмаган кўйи қўлига тақди ва умрида соат тақиб кўрмаган эмасми, бирдан ўзини катталардек ҳис этиб, сал наридаги баҳмал болишлардан бирини сўл биқинига тортиб, аста ёнбошлади-да, худди отаси каби жиддий ва димоғли бир қиёфада уйдаги жиҳозларга бир-бир назар ташлаб чиқди. Сўнг яна ўз ҳолига қайтиб, соат билан андармон бўлди.

У билагидаги соатга қараб-қараб, чой ҳўплади.

У билагидаги соатга термулиб-термулиб, конфет чайнади.

Кейин соатни мактабга тақиб боргудек бўлса, ҳавасдан синфдошлари не аҳволга тушишларини ўзича тасаввур этиб, мийиғида жилмайиб-жилмайиб қўйди. Айниқса, алмисоқдан қолган кўримсиз соати билан ўзича бодиланиб юришни хуш кўрадиган Содиқ иккичига жуда чатоқ бўлади-да – шўрлик ҳасаддан ўчоқбошидаги косовдан баттар қорайиб кетса керак! Содиқ иккичининг ушбу ҳолатини кўз олдига келтириб, ич-ичидан ҳузур қилди. Бунга сари, юраги тубида уйғонган қуйидаги оловли истак тобора алангалана бошлади: “Бир кунга тақиб борсам қандай бўларкан-а?! Кейин астагина яна жойига қўйиб қўярдим!” Дастлаб бу истакка ройиш бергиси келмай, билагадаги соатни шартта ечди-да, ўзича кўздан панага – кўрпача қатига тиқиб қўйди. Бирор муддатдан сўнг эса, биров босиб-нетиб, синдириб қўймасин тагин, деган ҳадик ва баҳонада яна уни қўлига олди. Бу сафар дастурхон четига яшириб, устига сочиқ ташлаб қўйди, сўнг... Хуллас, соатни ўзидан қанча нари сурса, истаги шунча баттар жунбишга кела бошлади ва охир-оқибат, ўзини тиёлмай, соатни чўнтагига урди. Ташқарилашдан аввал ўғри мушукдек дераза оша секин мўралади. Асқар чавандоз бояёқ отланиб қаёққадир кетган, қизлари кўринмайди, ҳовлида ёлғиз Сожида холагина кўймаланиб юрарди. У эртан албатта қайтараман, дея оёқ учида кўчага зинғиллади.

Бола тонгни сабрсизлик билан кутди.

Эрталаб мактабга бораётиб йўл-йўлакай соатни қўлига тақиб олди.

Синф эшигидан кира-кира, сўл енгини салгина юқорига тортиб қўйди. Бироқ билагадаги соатга эътибор берувчи бўлмади. У бундан ғашланиб, ўша қўлини атай баланд кўтариб, аввал бўйин аралаш бошини қашлаган, сўнг кўнғироққа яна қанча қолди, деган маънода соатга бепарво кўз ташлаган киши бўлди. Худди кутганидек бирпасда аввал ўғил болалар ўраб олишди, сўнг қизлар тевараклаб келишди. Оҳ-оҳ, кимлар ҳавас қилиб, кимларнинг ичи куймади дейсиз! Кимдир соатнинг ўзини, кимдир боғичини мақтади. Бирови, тиллодан, деса; бошқа бири, йўқ, оддий мисдан ясалган, дея ўзича соатни ерга урган бўлди.

Бунга сари бола ҳузур қилди.

Бунга сари бола роса яйради.

Бироқ дарсдан сўнг, ваъдасига мувофиқ, соатни жойига қайтаришни ўйига келтирмади, чунки мактабдан қайтаётиб, яна бир кунга

тақсам, ейилиб қолмас, дея бир тўхтабма келиб бўлганди. Чунки бугун бутун дарс давомида болалар, танаффусга яна қанча қолди, дея нуқул унга им қоқишди-да. Агар эртага соатсиз борса, бугунги обрўйи бир пул бўлиб, улоқ тагин Содиқ иккичида кетади. У қисик кўзларини ўйнатиб, сепкил тошган бурнини танқайтириб, ошқора тантана қилади. Йўқ, бунга сира йўл қўйиб бўлмайди!

– Ҳўш, буни қаердан олдинг? – дея унинг хаёлини бўлди Файбулла баковул, “ўғирладинг” деган сўзни айтмоққа истиҳола қилгандай.

Бола кўмак қидириб, онасига боқди. Бироқ унинг отасидан баттар гумонланиб турганини кўргач, тагин дастурхондаги пашшаларга, кунжақдаги мушукка ҳаваси келиб, ҳовлида сочилиб юрган товуклар ўзидан кўра минг чандон бахтлироқдек туюлди.

– Ҳай-й, кимники бу? – Файбулла баковул бу дафъа саволни ўзга йўсинда кўндаланг қўйди.

– Асқар... амакимники, – дея минғирлади бола. – Бир-икки кунга тақиб турай деб олгандим.

– Ўзи бердимми?

Бола қўрққанидан, беихтиёр бош ирғади.

Файбулла баковул унинг авзойига қараб, бу гапга ишонмаган эса-да, кайвонилигига бориб, қаҳрини жиловлади. Биладикки, агар ҳозир зуғум қилар бўлса, ёлғонга ёлғон қўшилиб, сўнг оқ-қорани бир-бирдан фарқлаш қийин кечади. Бунинг устига, ўғлига нисбатан Асқар чавандознинг меҳри азалдан бўлакча, балки чинданам соатни унинг ўзи тортиқ қилган чиқар. Қисқаси, агар ҳозир кетини кўтаришдан эринмаса, бор ҳақиқат бирпасда аёнлашади-қўяди.

У ортиқ чурқ этмай, болани бошлаб кўчага чиқди.

Аввалига отасининг мақсадини англамаган бола, қачонки, у наридаги кўкиш дарвоза сари жилгачгина, не гаплигини фаҳмлаб, ҳозир юз берадиган шармандалиқдан қаттиқ даҳшатга тушди. Тиззалари қалтираб, манглайи совуқ тердан намланиб, қуйидаги нохуш манзара кўз олдида жонланди: отасининг кафтидаги соатни кўргач, уларни кулиб қаршилаган Асқар амакиннинг авзойи бирдан ўзгаради: “Эҳ-ҳа, ўғири ким десам, сенинг ўғлинг экан-да”, дея кўча бошидаги Жалол қирриқ каби дарров бақир-чақир қилишга тушади. Оқибат, бу қилмиши бирпасда бутун қишлоққа дoston бўлади.

Боз устига, болалар айна мактабга бораётган пайт...

Ишқилиб, Асқар чавандоз уйида бўлмасин-да!

Афсуски, у уйида экан.

Одатда чақирмасдан тўғридан-тўғри кириб бораверадиган жўрасининг бу сафар етти ёт бегонадек дарвозахонада серрайиб туриши дастлаб Асқар чавандозга жуда эриш туюлди. Улар яқинига келиб, отани ғазабнок, болани эса ғамнок ҳолда кўргачгина, нимадир юз берганини англади.

– Тинчликми, Файбуллаво?

– Манови сеникими? – деди ота ўнг кафтини олдинга чўзиб.

– Ҳа, меники, – Асқар чавандоз бошда ҳеч нарсага тушунмаган эса-да, сўнг не воқеа содир бўлганини зумда идрок этди. Шунда айни боланинг ёшида ўртанча тоғасининг қора тасмали соатини ҳавасга ўмаргани ва ўша қилиғи сабаб еган калтаклари лоп этиб эсига тушди-да, гўё қошида Файбулла баковул эмас, ўша жоҳил ва нодон тоғаси тургандай, унга норози боқиб, деди: – Нима эди?

– Унда мунда нима қип юрибди бу? – деди ота овозини бир парда кўтариб.


– Нима деганинг бу? – деди Асқар чавандоз овозини икки парда юқори кўтариб. – Ўзим совға қилганимдан сўгин, бунда бўлмай, нима, менда бўладими!

Бу гапни кутмаган бола донг қотди.

– Мен ўйлабманки... – дея чайналди ота.

– Ўзингча ҳар нарсаларни ўйлавермай, – дея унинг гапини чўрт кесди Асқар чавандоз. – соатни эгасига бер, тезроқ мактабига борсин!

Бола соатни маҳкам тутганча, мушук чангалидан



тасодифан омон қолган полагондай кўчага отилди. Асқар чавандознинг бу қилиғи ҳар қандай оғир жазодан юз карра устиворлигини бутун вужуди билан ҳис этган кўйи, дардан кечикмайин дея, оёғини қўлига олди.

Ўша куни энди ўзиники бўлган соати билан мақтаниш нари турсин, ҳатто уни сумкасида чикармади. Содик иккичининг бурун танқайтириб, зимдан керилишларини эса эътиборга арзитамади. Аммо кечгача, гўё ўта қимматли нарсасини йўқотгандай, ранг-гуси очилмай, дилгиртоб юрди. Шу куни умрида илк бор оқшом тушишини интиқлик билан кутди. Борлиқ шом қоронғисига чулғаниши билан Асқар чавандознинг дарвозаси қаршисига пайдо бўлди. Кенг ҳовлида ҳеч ким йўқлиги ва ҳамма кечки дастурхон теварагига жамланганига ишонч ҳосил қилгач, қўлидаги соатни сўри четига қўйганча, соядай ташқарига сирғалди. Кўчага чиққач, муздек куз ҳавосидан ютоқиб нафас оларкан, худди елкасидан тоғ ағдарилгандай, ўзини енгил, жуда енгил ҳис этди.

Аммо эртаси эрталаб кутилмаганда остонада, қўлида соат, Сожида хола пайдо бўлди.

– Кеча мановини бизникида унутиб қолдирибсан-а, болам.

Бола аёл узатган соатга қўл чўзишни ҳам, чўзмасликни ҳам билолмай, чўчибгина отасига қаради.

Бунга жавобан ота сокин кулимсираб қўйди.

2016 йил

Таълим ва тараққиёт

ёхуд фахрий педагогнинг ўй-мулоҳазалари



Омилжон АҲМАДЖОНОВ,
педогогика фанлари
доктори, профессор.

1940 йили туғилган.
Тошкент давлат
университети (ҳозирги
ЎзМУ)нинг физика
факультетини тамомлаган.
Ундан ортиқ дарслиқ
ва ўқув-қўлланмалар
муаллифи.

Бир умрлик меҳнат фаолиятим таълим тизими билан чамбарчас кечмоқда. Шу боис соҳага оид мулоҳазаларимни ярим аср давомидаги ҳаётий кузатувларимга асосланиб шарҳлашга ҳаракат қилман. Мен мактабни тугатган вақтда (1956 йил) республикамиздаги мактабларнинг битирувчилари (абитуриентлар) олий ўқув юртларининг қабул режасидан озгина зиёдроқ эди. Умумий ўрта таълим муассасаларини йилдан-йилга кўпроқ ўғил-қизлар битириб чиқа бошлади ва ўз-ўзидан институт-университетга ўқишга киролмаганлар, яъни конкурсдан ўтолмаганлар сони ҳам ортиб бораверди. Бу эса фарзандлари олий маълумотли мутахассис бўлишини хоҳлайдиган ота-оналарнинг фаоллашувига туртки берди. Натижада тиниб-тинчимаган одамлар қаловини топиб, қорни ҳам ёндиришга енг шимардилар. *Ўша пайтдаги ибора билан айтганда, туннель қазии* иллати кучайиб бораверди. Болаларини ғайриқонуний йўллар билан олий ўқув юртига киритолган ота-оналар ўз хатти-ҳаракатларидан уялмайдиган, ҳатто бунини уddaбуронликка йўйиб мақтанадиган бўлишди. Жамият бунга кўникди, зурриётларининг келажагини таъминлаётган эгчилларга ҳавас қилувчилар ҳам кўпайиб бораверди.

ТАҲРИРИЯТДАН: Барча соҳалар каби бугун мамлакатимиз таълим тизимида ҳам янгиликлар жараёни кечмоқда. Табиийки, бу жараёнда ҳар бир фуқаро, биринчи галда, тажрибали ўқитувчи-педагоглар ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этишини истайди. Фахрий устоз, педагогика фанлари доктори Омилжон Аҳмаджоновнинг катта самимият ва куюнчаклик билан ёзган мақоласини шу маънода чоп этишга қарор қилдик. Очиги, мақола ҳажман анча салмоқли эди – журналимиз имкониятларидан келиб чиқиб қисқартирдик. Мақола сўнгидаги таклифларни эса яқуний хулоса эмас, фикрлашга туртки сифатида қабул қилишингизни сўраймиз. Мақсадимиз – мавзу бўйича кенг жамоатчиликда фикр-мулоҳаза уйғотиш, ҳамюртларимизни муҳокамага чорлаш. Фикр алмашинув жараёнида бундан-да жўяли таклиф ва ташаббуслар пайдо бўлса, мақола муаллифи фақат ва фақат хурсанд бўлишини билдирди.

Орзу-ҳаваслар гирдобига ғарқ бўлаётган баъзи амалдору пулдорлар орасида урфга айланётган, лекин жамиятимиз тараққиёти учун ўта зарарли бўлган бу иллат ёшларга ҳам юқа бошлади. Ҳамон эсимда: ўша йиллари башанг кийинган йигитча оғайнисининг “Қайси институтга кирмоқчисан?” деган саволига дона-дона қилиб “КПУга!” деб жавоб қайтарганди. Йўлимда давом этаётиб ўйландим: “Агар У ҳарфи университет сўзининг бош ҳарфи бўлса, К ва П ҳарфлари-чи? ТошДУ ва СамДУни биламан. КПУ қаерда экан?”. Кейинчалик эшитсам, КПУ русча “куда папа устроет” бирикмасининг қисқартмаси экан. Ҳа, йигитча учун қайси институт, қандай мутахассисликда таҳсил олишининг аҳамияти йўқ, отаси кирғизиб қўйса бўлди-да. Бундай ачинарли дунёқараш билан заҳарланган ёшлар сони ортиб борарди. Брежнев эпохаси деб ном олган даврда шундай иллат урчиб кетди ва *лавозими ёхуд жамғармаси катта бўлган одамнинг ҳаракати туфайли олий ўқув юртларининг эшиклари очилади, билимнинг аҳамияти йўқ* мазмунидаги фикр ёшу қарилар орасида кенг тарқалди. Олий ўқув юртлари педагогларининг бир қисми бундай нохуш ҳолатнинг одатий тус олмаслигига ҳаракат қилардилар, лекин барча саъй-ҳаракатлари қарийб бесамар эди. Иккинчи қисми – шахсий манфаатини жамият манфаатларидан устун қўядиган эпчиллар эса *давр келса, ур бегим, даврон кетса, сур бегим* мақолини ўзларига мос тарзда тавсиф этиб, вазиятдан унумли фойдаланардилар.

Педагогларнинг аксарият қисми ҳар доимдагидек бефарқлик билан кундалик вазифаларини адо этардилар. Олий ўқув юртлари фаолиятини бошқариш ва назорат қилишга масъул юқори ташкилотларнинг мутасаддилари эса нохуш вазиятни йўқотишга ҳаракат қилаётгандек бўлардилар-у, лекин ўзлари қабул комиссияси раҳбарларига талаба бўлиши шарт абитуриентлар рўйхатини норасмий тарзда тутқазардилар. Ўқув йили бошлангач, муаммолар тагин қаторлашарди. *Туннелчи талабалар* ўқув материални ўзлаштиролмасдилар ва биринчи имтиҳон сессиядаёқ бир неча фандан қарздор бўлиб қолардилар. Ширин фарзандларининг ўқишини давом эттиртириш учун ота-оналар белларини янгитдан боғлаб, яна ҳаракатга тушардилар. Аввал ўғил-қизларини “туннелда етаклаган” халоскорларга мурожаат қилардилар. Халоскорларнинг баъзилари шатакка олишни давом эттирардилар, бошқалари эса аҳдлашувдаги

“Нима учун тоға? Амаки эмас?” деб ажабланишингиз мумкин. Гап шундаки, омадсиз талаба ва унинг ростакам (ҳақиқий) амакисининг фамилиялари бир хил, тоға ва жиянники эса ўзгача бўлади.

вазифаси бажариб бўлинганини билдирардилар. Бу ҳолда янги халоскор изланар ва кўпинча шу олий ўқув даргоҳи педагоглари орасидан топиларди. Улар ўқиши ўнгмаган талабанинг жонқуяр тоғаси тарзида халоскорлик ҳаракатини амалга оширарди. “Нима учун тоға? Амаки эмас?” деб ажабланишингиз мумкин. Гап шундаки, омадсиз талаба ва унинг ростакам (ҳақиқий) амакисининг фамилиялари бир хил, тоға ва жиянники эса ўзгача бўлади. Бундан ташқари, анъаналаримизга кўра, тоға амакига нисбатан меҳрибонроқ келади. Амаки дангасалиги учун талабани жазолаши (ҳатто қулоғининг тагида шавла қайнатиши) мумкин. Тоға эса жиянининг бошини силаб юптади ва жиянимнинг муаммоси – *мен учун ҳам муаммо, уни ҳал этиш – менинг бурчим* деган фикрни дастуриламал қилиб олган ҳолда астойдил ишга киришади. Акс ҳолда, кечқурун бечора опаси поччасидан “Лапашанг уканг ёрдам қилмабди-ку!” деган дашном эшитиши мумкин-да. Шунинг учун жонқуяр тоға жиянини эргашти-



риб, қайта имтиҳон оладиган ўқитувчини излаб топади ва омади вақтинча чопмаган жиянтойига озгина ёрдамлашиб юборишни, яъни битта озгингина уч қўйиб беришни ёлвориб илтимос қилади. Эркатой талабалар ўз муваффақият-сизлигидан заррача хижолат чекмайдилар, ўзаро суҳбатларда жонкуяр тоғаларини танк деб атайдилар, ўзларини эса имтиҳон оладиган ўқитувчи истеҳжомини мажақлаб берган танк ортидан ғалаба байроғини (яъни синов дафтарчасини) мардонавор кўтариб бораётган аскарга қиёс қилдилар.

Тоғаларнинг нозик илтимосларини аксарият ўқитувчилар йўқ демай бажаришарди. Бунинг биринчи сабаби – ҳамкасбининг юзидан ўтолмаслик. Иккинчи сабаб – олий ўқув юртларида ҳукм сураётган асабий вазият: масъул раҳбарлар имтиҳондан ўтолмаган талабалар сони кўпайиб кетса, ўқитувчига барча йигинларда дашном бераверишарди. Улар маҳорати паст педагоглар дарс ўтган гуруҳлардагина ўзлаштириш ҳам паст бўлади, деган ҳақоратомуз танбеҳни такрорлайверишарди. Шу боис танк ўқитувчи қайта имтиҳон олаётган ўқитувчидан илтимос қилишни “Ўзлаштиришни кўтаришга ёрдам бериш учун келдим” қабилидаги ҳазил ибора билан бошларди.

Бундайларнинг номзодлик ёки докторлик диссертацияси фаройиб тарзда пайдо бўлгани, баъзиларини ўз ихтисослиги бўйича ҳатто олий маълумотли деб ҳам ҳисоблаш баҳсталаб экани тўғрисида шивир-шивирлар бўларди-ю, бирор мардум овоз чиқариб гинқ этмасди.

Илтимос ёхуд масъул раҳбарлар дашномини эътиборга олмайдиган қайсар ўқитувчилар ҳам бўларди. Уларни тиз чўктириш учун турли чоралар кўрардилар, ҳатто фитна ҳам уюштирардилар. Фирром олишувлардан бутун чиққанлар эса жуда оз қоларди.

Олий ўқув юртларида чаласавод талабалар билан параллел равишда чаласавод педагоглар

ҳам кўпайиб бораётганди. Сабаби – юқорида баён этилган хизматлари эвазига йиғилган инъомларни баъзи мутахассислар илмий даражани тасдиқловчи дипломларни қўлга киритишга сарфлаётгандилар. Шундай диссертантлардан бири “ҳимоя спектакли” тугагач, илмий раҳбарига миннатдорлик билдиради ва: “Барча саволларга жавобни боғлаб ташладим-а!” деб қўшиб қўяди. Илмий раҳбар: “Дуруст, лекин учинчи саволга тўртинчи савол жавобини ва, аксинча, тўртинчи саволга учинчи савол жавобини гапириб юбординг”, деб фикрини тугалламасиданоқ диссертант тутоқиб: “Бу аҳмоқлар савол бериш тартибини адаштириб юборган бўлса, мен айбдор эмасман-ку!” дейди. Ҳа, бечора диссертант қийналиб кетган-да! Фаройиб воқеадан хабардор ҳамкасблар уни узоқдан кўриб қолишганида бир-бирига маънодор боқиб мийиғида кулиб қўйишарди, лекин яқин келганида қўлини сиқиб одатий саломлашаверардилар. Бундайларнинг номзодлик ёки докторлик диссертацияси фаройиб тарзда пайдо бўлгани, баъзиларини ўз ихтисослиги бўйича ҳатто олий маълумотли деб ҳам ҳисоблаш баҳсталаб экани тўғрисида шивир-шивирлар бўларди-ю, бирор мардум овоз чиқариб гинқ этмасди.

Аввалига ясама олимчалар қинғир қилмишларини ниҳоятда яширишарди, кейинчалик уялмайдиган, ҳатто пул бўлса, чангалда шўрва дея мақтаниб юрадиган бўлишди. Ачинарлиси шундаки, бунақаларнинг аксарияти ўзи дарс ўтадиган фаннинг асосларидан талабаларга бериладиган ҳажмдаги билимга ҳам эга эмасдилар. Бу эса астойдил ўқиш иштиёқидаги талабаларнинг таҳсил олиши йўлидаги жиддий тўсиқ эди. Барча соҳалар каби таълим тизимидаги кўзбўямачилик, қинғирлик ва адолатсизликлар оқибатида шўро салтанати инқирозга юз тутди.

Мустақил мамлакатимизда эски тузумдан мерос муаммоларга барҳам бериш, таълим соҳасини жаҳон стандартларига кўтариш мақсадида изчил ислохотлар амалга оширила бошланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Таълим тизимининг структураси ўзгартирилди. Мажбурий таълим муддати – 12 йил этиб белгиланди, шундан 9 йили умумтаълим мактабларида, 3 йили эса академик лицей ёки касб-хунар коллежларида ўталадиган бўлди. Олий таълим икки босқичдан – тўрт йиллик бакалаврият ва икки йиллик магистратурадан ташкил топди. Илмий кадр-

лар тайёрлаш тизимида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди. Қарорлар амалиётга жорий этилди. Хўш, натижалардан қониқиш ҳосил қиляптими? Лицей ва коллеж битирувчиларининг билим даражаси қандай? Олий ўқув юртлари тайёрлаётган бакалавр ва магистрларнинг малакаси бугунги кун талабига тўла жавоб бераптими? Саволлар кўп.

Ҳар бир миллатнинг ҳар бир даврга мос дунёқараши бўлади. Хусусан, шўро даврида барча муассаса ва корхоналар давлат тасарруфида эди, марказлаштирилган бошқарув амалда эди. Кадрлар бўлими асосан хизматчининг лавозими унинг маълумотига, яъни дипломига (ўртами, олийми... мутахассислиги, ихтисослиги) монанд бўлишига эътибор қиларди. Масалан, инженер лавозимига тайинланиш учун олий техникавий маълумотга эгаллиги ҳақидаги диплом, каттароқ дўкон раҳбари бўлиш учун эса савдо ёки иқтисод институтини тугатганлиги ҳақида диплом лозим эди. Янада юқорироқ лавозимни эгаллаганлар орасида фан докторлари кўпайиб бораётганди. Қисқаси, одамлар зехниятида дурустроқ лавозимга эришиш учун диплом керак, фарзандингиз келажакини таъминлаш учун унга диплом олиб беришингиз шарт, деган тушунча ўрнашиб қолганди.

Эскидан бозор муносабатлари ҳукмрон жамиятлардаги аҳволга назар ташлайлик. Уларда ишлаб чиқариш корхоналарига ёхуд хизмат кўрсатиш муассасаларига айрим шахслар ёки бир гуруҳ шахслар – акциядорлар эгалик қилади. Бирор маҳсулот ишлаб чиқариш (ёхуд хизмат кўрсатиш) танҳо битта корхона (ёки муассаса) тасарруфида бўлишига йўл қўйилмайди. Бошқача айтганда, рақобат рағбатлантирилади. Кучли рақобат туфайли рақобатчилар сифатлироқ ва арзонроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатиш муассасалари эса рақобатчиларига нисбатан юқорироқ савияда хизмат кўрсатишга интилади. Шунинг учун билимдон ва юқори маҳоратли мутахассислар қадрланади, ёшлар ўқув масканларига ушбу таълим даргоҳини битирганлиги ҳақида берилдиган дипломга эгалик қилиш иштиёқида эмас, балки соҳа сирларини эгаллаш учун кирадилар ва чуқурроқ билим олишга тиришадилар. Таълим муассасаларининг нуфузи эса битирувчиларининг билимдонлиги, ўз малакасини техник ва технологик тараққиётга мослаштира олиши билан аниқланади. Шундай фазилатли мутахассислар корхонани модернизациялашга,

Улар бирор муаммо вужудга келганда “Нима учун шундай бўлди? Келажакда яна такрорланмаслиги учун нима қилиш керак?” қабилидаги саволлар устида бош қотирадилар. Бизникилар эса қисқагина тарзда: “Қанча билан ҳал бўларкан?” дейишади.

натижада рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариб, каттароқ фойда олишга кўпроқ ҳисса қўшадилар-да! Шунинг учун йирик акциядорлар ҳам чаласаводроқ зурриётларидан кўра бегона билимдонларни ишлатишни афзал кўрадилар.

Хулоса шуки, бозорий муносабатлар ҳукмрон бўлган жамиятларда диплом эгалари билимларига монанд равишда қадрланади ва обрў топади, деган тушунча бой ва олигархларнинг ҳам, оддий фуқароларнинг ҳам зехниятига сингиб кетган. Тантанали саналарда яқинларига энг замонавий автомашина ёхуд яхта ҳадя этадиган миллиардер фарзанди осонроқ йўл билан диплом олишига кўмаклашмайди, бундай ҳаракатни ўғил-қизининг ҳам, ўзининг ҳам оёғига атайлаб болта уриш деб тушунади. Ҳақиқатан, барча соҳаларда кучли рақобат мавжуд жамиятда чаласавод фарзанд отасидан мерос қолган мулкни кўпайтира олмайди, ҳатто уни сақлаб қолишга ҳам қодир бўлмайди-да!

Энди табиий равишда туғилдиган “Нима учун ҳанузгача баъзи ёшлар ва ота-оналарининг гайриқонуний усуллар воситасида дипломга интилиши тўхтамаяпти?” мазмунидаги саволга жавоб ахтарайлик.

Мустақиллик туфайли юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилди, фуқаролар орасида мулкдорлар пайдо бўлди. Лекин бизнинг бу бойларимиз билан коммунистик мафкура таъсирига учрамаган мамлакатларнинг бойлари орасида фарқ бор. Улар бирор муаммо вужудга келганда “Нима учун шундай бўлди? Келажакда яна такрорланмаслиги учун нима қилиш керак?” қабилидаги саволлар устида бош қотирадилар. Бизникилар эса қисқагина тарзда: “Қанча билан ҳал бўларкан?” дейишади. У бойларнинг фарзандлари таълим масканларида

(Давоми 34-бетда.)



Абдулла Орипов 1941 йил 21 мартда Қашқадарё вилояти Косон тумани Некўз қишлоғида туғилган. Ўзбекистон халқ шоири (1990). Ўзбекистон Қаҳрамони (1998). Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультетини тугатган (1963). “Митти юлдуз” (1965) илк шеърлар тўпламининг нашр этилишиёқ шеърятимизда янги овозли шоир пайдо бўлганини тасдиқлаган. Шундан кейин шоирнинг “Кўзларим йўлингда” (1966), “Она-жон” (1969), “Рухим”, “Ўзбекистон” (1971), “Хотирот”, “Юртим шамоли” (1974), “Юзма-юз”, “Ҳайрат” (1979), “Нажот қалъаси” (1981), “Йиллар армони” (1983), “Ҳаж дафтари”, “Муножот” (1992), “Сайланма” (1996), “Дунё” (1999), “Шоир юраги” (2003), “Эзгулик” (2012), “Эверест ва уммон” (2016) сингари қирқдан ортиқ шеърый китоблари нашр этилган.

2016 йилнинг 5 ноябрида 75 ёшида вафот этди.

Катта шоир ҳамиша ўз вақтида майдонга келади, у – ҳамиша тарихий. Зотан, катта шоир ўз халқининг овози, унинг орзу-умидлари ва инсон қалби-изтиробларининг ифодасидир. Бироқ, энг асосийси, у – ўз даврининг ҳаками ва куйчиси, у – жарчи ва файласуф, у сўз сеҳргари ва узлатга чекинган мутафаккир – дарвеш. Буларнинг бари унга қалб изҳорини ҳаммага

бирдай тушунарли, севимли ва, шу билан бирга, кўтаринки, теран маънолар моҳиятини ифодалаш учун ато этилган. Шу боис шоирнинг сўзларидан замондошлари ҳам, келгуси авлодлар ҳам фахрланиб юрадилар.

Абдула Орипов менга XXI асрга қадам кўйган давримизнинг буюк маданий аҳамиятга молик ана шундай шоири бўлиб гавдаланади...

Чингиз АЙТМАТОВ

Савқи бадиий

Ойам кўз юлганга сурадан қай,
Гўё бизлар билан тўқдек хис дорди.
Ва лекин рўздорга несан, не асва,
Билми ёшарди.

Дона ака деган муаллимимиз
Ундан доно яди ва ёнган ҳам дов.
Дарсга шайёдимизми ёки тўқми биз,
Витаради дорди.

Шундан широклар ҳам узрайди тоҳо,
Унга заҳур эмас ренгденкинг қайди.
Сени нима қиёнади? Суранай қасбо,
Дарсда пайқайди.

Тушунмиш мураккаблар бундан бари,
Қад қолди шомоли ўғар олдиндан.
Лекин оғир экан қайи заҳабларин
Сезсам олдиндан...

Ўзбек халқининг
севимли шоираси,
Ўзбекистон халқ шоири
Зулфия ижодида она
Ватанимизга бўлган
самимий, жўшқин муҳаб-
бат балқиб туради.

Зулфия бетақрор
истеъдоди, Ватанга
муҳаббати, олижаноб
инсоний фазилатлари,
халқимиз маънавия-
тини юксалтиришдаги
хизматлари учун юксак
ҳурмат ва эъзозга сазо-
вор бўлди. Ибратли ҳаёт
кечирган, кенг ижтимоий
фаолият олиб борган
шоиранинг маданияти-
миз тараққиётидаги
катта хизматлари
эътиборга олинди, 1999
йили Зулфия номидаги
давлат мукофоти таъ-
сис этилди.

Меҳрибон ва талабчан
устоз Зулфияхонимнинг
маҳорат мактабидан
қўплаб истеъдодли ижод-
корлар етишиб чиққан,
етишиб чиқмоқда.

Баҳор келди Сени сўроқлаб





Ибройим Юсупов билан

Шоира Зулфиянинг адабиёт оламидаги овозини биринчи эшитганимда, биринчи шеърларини ўқиганимда илҳомнинг тозалани, ҳисларинини нафислиги, шеърларинини самимийлигидан суюнган эдим. Шоира ижодиёт машаққатидан завқ, нашъа туюб, халқ ила бирга, халқ юрачидан куйлаб яшайди.

ОЙБЕК



Иззат Султон, Комил Яшин, Уйғун, Ҳафиз Абдусаматов, Асқад Мухтор, Рамз Бобожон, Нормурод Нарзуллаев, Уктам Усмонов ва бошқалар билан

*Атқоқли шоира
Зулфиянинг ўлмас ижоди
жумлини таҳонга маълум,
исми миллионлар юрачидан
узюк замонлар оша
яшайверади.*

Ибройим ЮСУПОВ

Зулфияхоним шеърларида тонг тинимсони, тонг тасвири дуюк эрк, дуюк бахт, дуюк давр, дуюк ва ёруғ дунё тинимсондай жаранлаб кетганлиги ва ҳануз ўшандоқ жаранлаб турганлиги ҳеч кимга сир эмас, ҳаммаси фақат меҳнатдан, узлуксиз меҳнатдан.

МИРТЕМИР



Ҳамид Гулом,
Ғафур Гулом ва қардош
дўстлар билан

Атойиб табиатли инсонларни кўрганда нодир инжу топан кишидек қувонаман, ҳаётни янада қаттиқроқ севаман. Сиз, Зулфия, мен учун ана шу нодир инжу ва ўзал кишилардан бирисиз... Ўзбек хотин-қизлари таманидан ўзал бир санъат диносини кўрдимиз. Сиз халқиниз учун табиатнинг тухфаси, орзуларисиз.

Марварид ДИЛБОЗИЙ



Ҳамид Олимжон билан. 1939 йил

*Таниқли шоира, катта жамоат арбоби
Зулфия ижодининг барча фасларидаги муҳаб-
бат ҳақидаги шеърларидан дилбар шоир Ҳамид
Олимжон суврати кўриниб туради.*

Наим КАРИМОВ



Комил Яшин, М. Иброҳимов ва Ҳаким Назир билан

*Шоиралик шоирликка нисбатан кам учрайдиган
ҳодиса. Ана шундай эрқирок юлдузлар қаторидан
Ўзбек шоираси Зулфия муносиб ўрин эгаллайди...*

Расул ҲАМЗАТОВ



Эркин Воҳидов билан

*Фазилаётлар сарғашмасида Зулфия онаини
шоиралик иқтидори турар экан, бу иқтидор
шоиралигини номини таҳонга танитган
олий белгидир.*

Абдулла ОРИПОВ



Ижодкор шоғирдлари даврасида

*Зулфия – атоқли шоира, йирик давлат
арбоби, жамоат ишларида фаол, эл
назаридан инсон. Лекин у, биринчи навбатда,
аёл, аёл бўлганда ҳам, ўзбек аёли эди.*

Озод ШАРАФИДДИНОВ



*Зулфияхоним ҳақидаги хотиралардан, суҳ-
батлардан шунини хулоса қиламанки, Зулфия
хоним нафақат ёрига, балки ўзини ҳам юкла-
тигилган илоҳий вазифа – одамларни ҳаётини
севиштига, ёруғликка интилиштига ўргатишдек
юксак вазифага содиқ қолдилар!*

Дилрабо НОРҚУЛОВА

Ирода МУРОДОВА
тайёрлади.



(Давоми. Боши 26-бетда.)

Ўқиш ҳақини тўлаш учун дарсдан бўш вақтлариди турли юмушлар бажариб (уялмасдан!) пул жамғаришади. Бизнинг бойларимизнинг ҳам, фарзандларининг ҳам дунёқарашини ўзгача. Баъзи бойваччалар: “Битта оғайним институтга янги “иномарка” машина миниб келяпти, мен эса ҳанузгача “Нексия” даман”, деб ўксинади. Меҳрибонгина онаси кечкурун бутун вужуди билан ачиниш аломатини намойиш этган ҳолда: “Ўғлингиз анави оғайнисидан камми? Ҳеч бўлмаса, ўзингизнинг обрўнгизни ўйланг-да...” деб эрларини йўлга солиш жараёнида самарали натижа берадиган усулларни қўллайди. Бой ота таслим бўлади. Ахир, обрў керак-да! Шавла кетса кетсин, обрў кетмасин, деган мақол бор-ку! Бу файласуфларнинг турмуш онгни белгилайди иборасининг амалдаги тасдиғи. Ачинишга молик мазкур ҳолат ана шу кимсалар маънавияти қай даражада эканини намойиш этади.

Тасаввур қилайлик, бир ота таниш-билишларига илтимос қилиб, фарзандини олий ўқув юртига киритди. Ўғли хурсанд, ўзи ҳам осуда ҳаётини давом эттираверади, чунки унинг фикрича, ўғирлик, алдамчилик, муттаҳамлик, хиёнаткорлик, риёкорлик... каби иллатлардан нафратланиб, ижобий фазилатларни эъзозлаб ҳаёт кечиряпти-да! Илтимос – иллатми ёки фазилат? Бу саволга меҳрибон ота жўяли жавоб бера олмайди, чунки у танишидан “Ўғлимга ёрдам бериб юборинг”, деб қилган илтимосининг оқибати бошқа абитуриентлар ҳаётига қандай таъсир этишини ўйлаб ҳам кўрмаган-да. Балки унинг зехнатида мазкур илтимос “Оғирроқ буюмни

автомашинам юкхонасига жойлашга ёрдам бериб юборинг”, деб яқинидан ўтиб кетаётган йўловчидан кўмак сўрашга ўхшаши мумкин.

Табиат ва жамиятдаги ҳодиса ва воқеаларни етарлича чуқур идрок этишга одатланган бошқа ота эса қуйидагича фикр юритади: “Ўғлимнинг институтга киришига ёрдам беринг”, деган илтимосимни бажарувчилар фарзандимнинг билимини ҳақиқийсидан юқорироқ акс эттириш йўллари (ноқонуний тарзда) қўллайдилар. Натижада ўғлимнинг фамилияси имтиҳон жавоблари рўйхатида ҳақиқийсидан баландроқ қатордан жой олади. Илтимос қилинмаган абитуриентлар фамилиялари эса бир сатр пастроққа тушади. Менга ўхшаган илтимосчилар кўпайган сари ўз билимига ишониб ариза топширган оддий абитуриентлар фамилиялари янада қўйилаб кетаверади. Кейин, ўғлим иккимиз ўғирлик қилган бўламиз. Ҳа, бировнинг ҳамёнини урган одамни ўғри деймиз. Бизнинг амалимиз эса киссавурниқидан беш баттар иллатдир, буни муттаҳамлик деб аташ жоиз. Пулини олдириб қўйган инсоннинг ҳамёни кейинчалик тўлдирилиши мумкин. Илтимос қилинмаган бечора абитуриентнинг тақдири-чи? Улар ҳам менга ўхшаш оталарнинг сеvimли фарзанди-ку! Фарқи шуки, уларнинг оталари илтимос қилишнинг уддасидан чиқа олмаганлар, холос. Бундан ташқари, киссавур фақат битта одамга, яъни ҳамён эгасига зиён етказди. Илтимос туфайли талабалик мартабасига эришган йигит олий ўқув юртини битирганлиги ҳақида диплом олгач, чаласавод мутахассис сифатида жамиятимизга, юртимиз тараққиётига зарар етказиши эҳтимolini унутмаслик керак...”

1992 йил баҳори. Кўчат бозорида бир қария

Ҳанузгача ўқув масканларида содир бўлаётган салбий хатти-ҳаракатларни тугатишнинг энг самарали усули – фуқароларимиз зеҳниятида бундай нохушликларга нисбатан жирканиш кўникмасини шакллантиришдир.

менга тикилиб турди-да: “Иним, кечирасиз, Сиз телевидение орқали дарс олиб борардингиз-а?” деб сўради. Тасдиқ жавобини олгач, бироз гурунглашиб қолдик. Суҳбатдошим теран фикрлайдиган, чуқур мантиқий мушоҳада юргизадиган хушмуомала инсон экан. У кишининг фикр-мулоҳазаларини умумлаштириб қисқача баён этаман: “Бир ярим асрлик истибдоддан сўнг бизга ҳам озодлик насиб этди. Энди мустақилликни мустаҳкамлашга ҳар биримиз баҳоли қудрат ҳисса қўшишимиз керак. Фақат шундагина Ватанимиз тараққий этади. Умуман, мамлакат тараққиётини парвоз қилаётган аэропланга қиёс қилсак, унинг бир қанотини фуқаролар соғлиғини сақлаш, иккинчи қанотини эса миллатдошларимиз саводхонлигини ошириш деб ҳисоблаш лозим. Сиз ўқитувчилар совет давридан қолган салбий мерос – ўқув даргоҳларидаги порахўрлик, таниш-билишчилик каби иллатларга чек қўйишдек маъсулиятли вазифангизни унутмаслигингиз керак...”

Куюнчак қария билан мазмунли суҳбатимизни ҳанузгача хотирлаб тураман ва қуйидаги фикрга келаман: ҳанузгача ўқув масканларида содир бўлаётган салбий хатти-ҳаракатларни тугатишнинг энг самарали усули – фуқароларимиз зеҳниятида бундай нохушликларга нисбатан жирканиш кўникмасини шакллантиришдир. Дарҳақиқат, кўпчилик ичадиган сув оқиб турган ариққа ахлат ташлаш, ота-онасига бақариш, бировнинг омонатига хиёнат қилиш, бойлик орттириш илинжида сотқинликкача бориш каби амаллар номақбул эканлиги асрлар давомида миллатдошларимиз зеҳниятига сингиб кетгани боис бундай хатти-ҳаракатга йўл қўйганлардан ҳазар қилиш ҳиссиёти вужудга келган-ку! Ўқув масканларида баъзан содир бўлаётган қоидабузарликлар эса улардан ҳам тубанроқ-ку!

Юртимиздаги барча олий ўқув юртлирида

абитуриентларни саралаб олиш тест асосида амалга оширила бошлангани мазкур жараёнда адолатни таъминлаш даражасини оширди. Биринчи йили барча абитуриентлар битта вариант топшириқ билан синалди. Бўлмади, сабаби – абитуриентларнинг ёнидагилар билан маслаҳатлашиб гаплашишлари ва кўчирмакашлик. Шунинг учун икки вариантли, кейинчалик эса кўп вариантли тестга ўтилди, яъни гуруҳдаги ҳар бир абитуриентга алоҳида топшириқ бериладиган бўлди... Шунча саъй-ҳаракатларга қарамай, минг афсуски, халқ орасида, билими етарли бўлмаса-да, “керакли” абитуриентлар талабалikka қабул этиляпти, деган гапларни эшитамиз. Бунга эътироз билдирувчилар: “Баъзан англашилмовчиликлар бўляпти, абитуриент жавоблардан бирини таваккалига белгиласа ҳам, тасодифан тўғри чиқиб қолиши мумкин”, дейишади.

Мазкур баҳсга оид шахсий фикрларимни баён этаман. Абитуриент эришиши мумкин бўлган энг юқори балл (яъни учала фан бўйича берилган 36 тадан топшириқнинг барчасида тўғри жавоб белгиланса), $36 \times 3,1 + 36 \times 2,1 + 36 \times 1,1 = 226,8$ бўлади. Ҳар бир тест саволига тўрттадан жавоб варианти берилишини ҳисобга олсак, таваккалчи абитуриент топшириқларнинг бир қисмини, масалан, чорагини тасодифан тўғри белгилаб қўйиши эҳтимоли мавжуд. Бу эса атиги 60 балл деганидир. Яъни, абитуриент олий ўқув юртига кира олмайди. Шу пайтгача ҳарбий имтиёз учун, қоидага кўра, 61,24 балл қўшиб берилса, 120 дан юқори балл билан бирор институтга илиниши мумкин эди. Яқинда амалга оширилган ўзгариш – ҳарбий имтиёзга эга абитуриентга ўзи тўплаган балнинг яримини қўшимча тарзда қўшиб бериш тартиби мазкур жараёнда адолатни таъминлаш даражасини оширди. Шу ўринда бир мулоҳаза:



Эҳ, биродари азиз! Сенга ўхшаган бели бақувват оталарнинг ўз фарзандларини бир амаллаб дипломга эришиш йўли бўйлаб етаклаётганига ачинаман.

намунали хизмат қилган аскар йигитга фақат Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги каби тизимлар тасарруфидаги олий таълим муассасаларига киришда имтиёз берилса, янада тўғрироқ бўларди, деб ўйлайман.

Тест ҳақидаги баҳслар давом этяпти. Шу аснода бир танишим, аниқроғи, ўспиринлик даври Бешёғочда ўтган чапани мактабдошимнинг дашномларини хотирлайман: “Омил, сени физика ўқиш соҳасидаги услубиётчи педагог деб айтишади. Кўпчилик танийдиган бир физик 1 соат давомида абитуриентларга берилган вариантдаги физикага оид 36 топшириқдан атиги 11 тасини еча олди. Унинг айтишича, топшириқлар жуда мураккаб экан. Тест марказидагилар атайлаб қийин топшириқлар танлашидан мақсадлари – ота-оналарни ялинтиришдир. Бу совет даврида савдо соҳасидаги раҳбарларнинг харидоргир товарлар танқислигини сунъий тарзда вужудга келтиришини эслатяпти-да! Қунимиз шунга қолдимиз?”

Мактабдошимнинг аччиқ гаглари мени изтиробга солди ва кўнглимда тугун бўлиб ётган фикрларни *чапанига чапанича жавоб* тарзида қуйидагича очикладим: меҳнат фаолиятинг савдо соҳаси билан боғлиқ бўлгани боис савдога оид тамойиллар қонингга сингиб кетган. Маориф соҳасининг эса ўзига хос қоидалари мавжуд. Фанлар, хусусан, физика ҳам давлат таълим стандартларида қайд этилган ҳажмда ўқитилади. Давлат тест маркази банкидаги топшириқлар мажмуи эса шу талабларга асосланиб тузилган. Сен ардоқлаётган физикнинг 36 саволдан фақатгина 11 тасига тўғри жавоб бера олганидан ҳайрон қолмайман. Лекин унинг тест ҳақидаги сафсатаи ишқомдаги узумга ҳарчанд уринса-да етолмаган тулкининг “Бу мева аччиқ, еб бўлмайди”, дейшини эслатяпти. Давлат таълим стандартларидан чекиниб, имтиҳон топшириқларини чаласаводларнинг савиясига қадар тушириш мумкин. Бу ҳолда *ўзбегим жаҳон андозаларига мос билим олишга қодирмас* деб миллатимизни ҳақоратлаган ва ёшлар саводхонлик даражасининг ўсишига болта урган бўламиз. Унутмайлик, бундан юз

йил муқаддам ёзиш ва ўқишни бироз ўзлаштирган одам саводли деб ҳисобланарди. Ҳозир эса... Сени ўзинг ҳам ҳозир эшак арава эмас, ҳашаматли автомашина миняптсан-ку! Барча соҳалар каби билим олишда ҳам замон билан ҳамқадам бўлишимиз шарт. Афсуски, миллатдошларимизнинг сенга ўхшаган тоифаси ўша физикка ўхшаган педагогларнинг касбий маҳорати пастлигини фаҳмлашни ҳам хоҳламайдилар, чунки сизлар ўз зурриётларингиз билимини анча юқори баҳолашга уларнинг кўмаклашганидан мамнун бўласизлар ва бу эгчил педагогларга ҳомийлик ҳамёнингизни ҳотамтойларча кенг очасизлар. Ҳамён зурриётлар билимини ошириш йўлида очилса, фойдали ва савобли амал бўларди. Менинг падари бузрукворим, пул топа билганга беш баҳо, пулни самарали харжлаганга эса ўн баҳо, дея кўп такрорлардилар. Эҳ, биродари азиз! Сенга ўхшаган бели бақувват оталарнинг ўз фарзандларини бир амаллаб дипломга эришиш йўли бўйлаб етаклаётганига ачинаман. Кейинроқ болангизнинг билим эгаллаш соҳасидаги энг сермахсул даври бесамар ўтганини англайсиз ва афсусланасиз. Халқимизнинг “Кейинги пушаймон – ўзингга душман” мақолини унутманг ва фарзандингизнинг таълим олишига қанчалик кўмаклашаётганингизни чуқурроқ таҳлил қилиб кўринг. “Туннель топа билдимки, ўғлимни олий ўқув юртига киритдим, ҳозирда ҳожатбарор халоскорлар ёрдамида унинг синов дафтарчасида имзолар тўпланяпти, пировардида нимага эришамиз-у, нималар йўқотамиз?” деган саволга ҳам холисона жавоб қидиринг. Эришадиганингиз – диплом деб аталадиган икки варақ қоғоз, йўқотадиганингиз-чи? Саволнинг иккинчи қисмига объективроқ жавоб беришингиз учун 30 килограмм чамасидаги юкни ҳарчанд уринса-да, автомашинасининг юкхонаси сатҳига кўтара олмаётган жисмонан заифгина йигитчани тасаввур этинг. Унинг 100 килограмм вазнли юкни бемалол кўтаради, деган қоғози борлигини ҳам унутманг.

Миллатимиз учун ниҳоятда муҳим ва долзарб бўлган муаммо – саводхонликни кўтариш учун ёшлар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам, устоз ва мураббийлар ҳам асл мақсадни, яъни ўқув даргоҳларида етарлича чуқур билим олиш кераклигини англаб етишлари ва унга амал қилишлари керак. Шу маънода ҳозирги шарт-шароитни эътиборга олиб таълим соҳасига ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Хусусан, олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари механизмини янада тако-

миллаштириш мумкин, назаримда. Қай тарзда? Шахсан мен ушбу жараённи қуйидагича ташкил этиш тарафдориман:

Давлат тест маркази 16 та тест ўтказиш зали (жумладан, Тошкентда 3 та, Самарқандда 2 та, бошқа вилоят марказлари ва Нукус шаҳрида 1 тадан) ташкил этиб, ҳар бирини 100 тадан компьютер билан жиҳозлайди.

Таълим тизими раҳбарлари эса лицей ва коллеж битирувчиларини тест ўтказиш залига олиб келиш жадвалини тузиб, уни амалга оширишни ташкил этадилар.

Ўқув даргоҳларининг вакиллари, таълим тизими мутасаддилари тест ўтказиш залига мутлақо киритилмайди. Залда тартибни сақлаш ва бошқариш ДТМ томонидан ажратилган 10-12 нафар мутахассис-назоратчи зиммасига юкланади.

Тест ўтказиш залидаги ҳар бир компьютер қаршисига бир нафар битирувчи жойлашади ва математика ва физикадан 20 тадан, кимё, биология, география, тарих, инглиз тили, рус тилидан 10 тадан топшириқни ечади.

Битирувчиларнинг она тили ва адабиёт бўйича билимини тест ёхуд ёзма иш усули орқали баҳолашни мутахассисларга ҳавола қилайлик. Лекин фикрини ўз она тилида ёзма ва оғзаки тарзда баён қила олиш кўникмаси, мумтоз ва замонавий адабиёт дурдоналаридан бохабарлик даражаси қониқарли бўлмаган инсонни саводли деб ҳисоблаш баҳсталаб эканини унутмайлик.

Агар ўрта махсус таълим муассасаларининг сўнгги босқичида ўқиш Наврўз байрами арафасида яқунланса, 1 апрелдан 31 июлгача республика бўйича 16 та тест залида ярим миллиондан ортиқ лицей ва коллеж битирувчиларини синовдан ўтказиш мумкин.

Ҳар бир топшириқ жавобини тўғри аниқлаган битирувчи 1 балл билан тақдирланади, нотўғри жавоб эса 0,25 балл билан жазоланади. Ўйиғилиши мумкин энг юқори балл 100 га тенг бўлади (она тили ва адабиёт бўйича баҳоланиш бунга кирмайди). Топшириқларни бажариш учун 2,5 соат берилади. Шу вақт тугагач, компьютер жавобларни қабул қилишни тўхтатади, барча ахборотларни хотирасида сақлаб қолади ва битирувчи бажарган ишнинг натижаларини мониторинг қўрсатади.

Максимал баллнинг 50 фоизи ва ундан ортигини тўтлаган битирувчиларга олий ўқув юртида ўқиш ҳуқуқини берадиган аттестат ёхуд диплом тақдим этилади.

50 фоиздан кам балл тўтлаган битирувчиларга эса 3 йил давомида мазкур ўқув даргоҳига қатнаганлиги ҳақида маълумотнома берилади. Улар мустақил равишда билимини ошириб, 2 йилдан сўнг яна синовдан ўтиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу синовлар шу тест залида, лекин 1 октябрдан 31 январгача ўтказилгани маъқул.

Демак, таклиф этилаётган ислоҳот туфайли ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини давлат аттестациясидан ўтказиш ва олий ўқув юртларига кириш синовлари бир кунда ўтадиган битта имтиҳонга алмаштирилади. Охириги йилларда олий ўқув юртларида ўқишга даъвогарлар сони ярим миллиондан ошмоқда, яъни 20 минг гуруҳни ташкил этаётир. Ҳар бир гуруҳга 2 нафардан назоратчи керак. 1 август кунини ўтадиган тестларга фақат назоратчилардан 40 минг нафари жалб этилади. Бундай кўп сонли назоратчиларнинг ўзларини назорат қилиш амри маҳол. Таклиф этилаётган ислоҳот туфайли барча тест ўтказиш залларида фаолият қўрсатадиган ходимлар 200 нафардан ошмайди. Бу ходимлар тест ўтказиш залларидаги барча жараёнлар ҳолис ва ҳаққоний бўлишини таъминлашлари лозим, албатта.

Таклиф этилаётган ислоҳотдан кўзланган ютуқ иккита. Биринчиси – олий ўқув юртлари талабаларининг сафи билими юқори бўлган ёшлар билан тўлдирилади. Иккинчиси – жамиятимизда ўқиш-ўқитиш соҳасига муносабат тубдан ўзгаради: ёшлар олий ўқув юртларига кириш учун билим зарурлигини англаб етадилар; ота-оналар фарзандларини астойдил билим олишга ундайдиган чора-тадбирлар қўрадилар, жумладан, ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати билан қизиқа бошлайдилар; ўқитувчилар эса талабга жавоб бера олиш учун малакаларини оширишга интиладилар.

Инсоннинг билиш қобилияти икки компонентдан иборат. Биринчиси – аждодлардан авлодларга ўтадиган ирсий қисм. Иккинчиси – ташқи шароит ва ахборотлар таъсирида, яъни таълим туфайли ривожланиб борувчи қисм. Миллатдошларимизнинг ирсий билиш қобилияти ҳавас қилса арзийдиган даражада юқори. Бунинг далили – Турон заминидан дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган алломаларнинг кўп этишиб чиққанидир. Иккинчи жиҳатни ижобий томон силжитиш жамиятимиз ва унинг зиё таратувчи пешқадам вакиллари – педагогларнинг муқаддас бурчидир.



Гулноза КАРИМОВА

1990 йили туғилган.
Ўзбекистон Миллий
университетининг
журналистика факультети
магистратура босқичини
тамомлаган.

Хаёл

Кўзингни юмсангу тасаввур қилсанг,
Гўё ўзгармаган ҳамма-ҳаммаси.
Ва яна ўзингни бола деб билсанг,
Беш ярим ё олти ёшлар чамаси.

Яна ранглар тиниқ, ҳаво яна соф,
Бир йиглаб овунган ёмғирдан сўнгдек.
Янги умид сочиб чиқади офтоб,
Дунёда йўлларнинг барчаси ўнгдек.

Сени ранжитганлар сенга қайтади,
Ўйинчоқ талашган тенгдошинг каби.
Келиб соддагина узрин айтади,
Гаплашмай юришининг йўқдек сабаби.

Кулиб қўясану этасан давом,
Араз бўлмагандек гўё ўйинда...
Сўнг кўзинг очасан:
Ҳаёт бу – довои,
Уни бола бўлиб ошиш қийин-да...

Кўҳна ҳаёт тағин янги куй бошлар

Моҳият

Ҳасад, арзимаёсан зарра ўйимга,
Гумон, зерикдик-ку сабаблар излаб.
Кибр, тенг келмайсан ҳатто бўйимга,
Шукр, ўзинг бергин буларга адаб.

Араз, уч кундан сўнг қимматинг битар,
Ғийбат, ҳеч кўрмадим юзинг оқлигин.
Нафсим, бунча мени аврадинг, етар,
Тавба, ўзинг айтгин бу гуноҳлигин.

Ёлгон, ҳали-ҳануз яшайсан нечун?
Тама, ёмғирдан сўнг ёгган губорсан.
Нафрат, йўқолади тобора кучинг,
Узр, яхшиямки, дунёда борсан.

Ҳасрат, одамларнинг елкасидан туш,
Қаҳр, ҳокимликка сенга йўл бўлсин.
Орзу, исмларинг бунчалар ҳам хуш,
Сабр, бу жонгинам сенга қул бўлсин.

Иффат, бой берма ҳеч кўнгил жиловин,
Ҳиммат, керак пайти ноёбсан нега?
Азоб, келтирдингми Тангри синовин?
Ҳайрат, ҳисларимга ўзинг бўл эга.

Меҳр, юраккинам сенга омонат,
Вафо, уйимизда биз-ла мангу қол.
Жазм, эзгуликка бошла то абад,
Иймон, борлигимни ўзинг қўлга ол.

Жумбоқ

Кувончли кунларим сизсиз ўтмайди,
Эзгин кунларимда жим туrolмайсиз.
Аммо нимадир кам, недир етмайди,
Гўёки менчалик қайгуrolмайсиз.

Йиғлаб юборгингиз келар дам-бадам,
Кипригим кўзёшга бўлганда тарнов.
Уйимнинг тўрига киролсангиз ҳам,
Юрагим тўрига бировсиз, биров...

Ё мен ҳаддан зиёд арзанда қалбман,
Ё кутган меҳримни ўзим бермадим.
Ёки фаришта деб сизни ўйлабман,
Балки ўзимними, яна билмадим...

Нега шундай экан – азалий жумбоқ,
Холис бўлолмайди одамзод буткул.
Қил ўтмас диллардан ўтар гоҳо тоғ,
Гоҳ олис дилларни боғлар битта гул...

Баҳор

Кўксимни тўлдирди бинафша бўйи,
Сиёҳтус ранглари дилим яйратди.
Борлигим эгаллаб таширфинг ўйи,
Келар йўлларингга кўзим қаратди.

Сендан умид узган кунларим кечди
Ва ҳақдир сени ҳам ранжитганларим.
Кимлардир биз учун қасамлар ичди,
Кимлардир биз учун тўқиди ирим.

Барчаси, барчаси бир тахмин эди,
Майдагап кунларнинг мубҳам ташихиси.
Мавҳум хаёллардан қутқарди энди
Бизларни боғлаган муҳаббат ҳисси.

У борки, биз учун татийди баҳор,
Баҳорга айланиб ёшлик татийди.
Ахир гул тугади кўнгиллар якбор,
Гуллаган диллар бир-бирин танийди.

Билганим биргина шу муҳаббатдир,
Қолганлари, билмам, жуда галатдир,

Жуда галатдир...

Мезон

Покиза муҳаббат билан севолсанг,
Сени ҳам севгайлар шаксиз, бегумон.
Самога тилакдан бир нур юборсанг,
Жавобан мўъжиза тўқади осмон.

Ҳеч нима жавобсиз қолмагай, ахир,
Бордан йўқ бўлмайди, йўқдан эса бор.
Ҳар неки туюлса маънисиз, тахир,
Эҳтимол маънога эмассан тайёр.

Нафратдан, гафлатдан ўзни халос қил,
Севолгин севгига ташна ҳаётни.
Фақат тоза юрак қутқаролгай, бил,
Недир қутқаролса гар одамзодни...

Бинафша

Бунча кичик бинафша бўйи?
Бунча чучук бинафша бўйи!
Бу бир митти гулдан бошланар
Баҳорларнинг улугвор ўйи...

Қоқигуллар

Момо ер юзини безар гул, майса,
Кўҳна ҳаёт тагин янги куй бошлар.
Осмон ерга қараб бир бор жилмайса,
Замин кўкка тутар минглаб қуёшлар.

Улар нур сочмоқни истайдилар хўп,
Кўклам ифоридан сархуш, алданиб.
Майсазор бағрида қиқирлаб тўп-тўп,
Сўнг бари булутга қолар айланиб.

Эсиб ўтганида шамоллар шитоб,
Бағри пора бўлиб тўзғийди бир-бир.
Аммо кўк измида ягона офтоб –
Улардай омонат эмас барибир...



Алишер Навоий

замондошлари нигоҳида

Синиқ нафс
ва улуғ тавозу
эгаси

Хайру эҳсон, латофат ва кўнгил зарофати бобида амир Алишернинг тенги йўқлигидан жаҳонгир подшоҳ¹нинг хоотири ҳаммавақт унга мойил бўлиб, улуғлик, вазирлик ва амирлик мартабасини унга инъом этди. Сўзнинг қисқаси шулки, аввал ул ҳазрат улуғ мухрни амир Алишернинг қўлига тутқазди ва ул амир бир неча вақт мухрдорлик лавозимида қойим туриб, хизматкорлик поясини юқори осмондан ҳам ўтказди. Бир неча вақтдан кейин, бу мансабни тарк этиш бобида илтимос қилиб, бу лавозимга амир Аҳмад Сухайлийни тайин қилишни илтимос қилди. Хоқони Мансур унинг бу илтимосини қабул қилди, лекин ҳижрий 876 йили шаъбон ойида (1472 йил январ ойида) банданавоз подшоҳ ул вожиб ул-атоб амирни аморат мансаби билан сарфроз қилмоқчи бўлди. Амир Низомуддин Алишер аввал бу мансабни қабул қилмай дедикки, мен энди улуғ остона ичкилари қаторидаман, улуғ мансаб эгасиман, осмон қадар тахт амирларининг барчасидан юқорироқ ўринда ўлтирибман. Борди-ю, аморат мансабига мутасадди бўлсам, барлос ва орлот



амирларидан баъзилари турага биноан мендан юқори ўлтирадилар. Бас, бу амирларга кафил бўлмоқ мансабимдан пастроқдир.

Хоқони Мансур унинг бу узрини қабул қилиб, бағоят иноятидан “барлос умаросидан амир Музаффар барлосдан бошқа бирон кимса амир Алишердан аввал мухр босмасин”, деган ҳумоюн ҳукм чиқарди. Шундан кейин амир Алишер мамлакат очувчи хоқон раъйини риоя қилиб, аморат мансабини қабул қилди, тилладўз чопон, наврўзий кулоҳ кийиш билан фахр топди. Аммо хоқони Мансурнинг покиза кўнгли шу эдики, амир Алишер вожиб

ул-изъон фармониغا кўра бошқа амирлардан юқори мухр босса, лекин ул жанобнинг қўлига маълум соатда мухр боссин учун нишон берганларида, нафси синиқ бўлганидан ва бағоят улуғ тавозулигидан, нишоннинг шундай жойига мухр босдиким, ундан тубанроққа мухр босишга жой қолмади... Бу воқеа сурати хосу авомнинг имтиҳонига сабаб бўлиб, исломпаноҳ подшоҳнинг эътиқодини оширди. Кейин соф кўнгиллик амирнинг мухри босилган ер мухрга эга бўлган ҳар бир мансабдор орасида талаш бўлди ва уларнинг ҳар бири ўша ерга мухр босиш иштиёқида бўлди...

Мирхонд,

“Равзат ус-сафо”дан

1 Хусайн Бойқаро назарда тутиляпти.

“Хатоимни беркитсанг бўлмасмиди?”

Соҳибдордан нақл қилишларича, у дебди: бир куни Мир¹ дўстлари билан суҳбат қуриб ўтирарди. Фозилу шоир, надимлари шу ерда йиғилган эди. Каминага дедилар:

– Ҳазрати махдум устод (Жомий) анчадан бери беморлар. Мен у кишини иёдат қилолмадим. Бориб, узрхоҳлик қилсанг.

Мен чиқиб кетишим билан таом тортилибди. Таомдан сўнг мажлис аҳли ҳазрати Мирнинг кўпчилиги олдида кўнгиллари беҳузур бўлиб, ёлғизлик талаб қилиш одатлари хотирларига келиб... бири-бирига боқишиб, ўринларидан турдилар-да, ташқарига чиқдилар. Мирзо шу куни суҳбат ва улфатчиликни қўмсаб турган эканлар. Ташқарига чиққан жамоага қараб, Мир ғазаб ва эътироз билан дедилар:

– Ҳар ҳолда Алишернинг уйи ошпазлар дўконию Алишер эса ошпаз экан-да. Ҳарифлар келадилару ош еб кетаверадилар...

Мен етиб келдим. Мир жаҳллари чиқиб турганиданми, мени мавлоно ва устод ёнига иёдатга юборганлари хотирларидан кўтарилиб, дедилар:

– Ана, эй Соҳиб, сенга нима бўлди. Ошдан кейин ёнимда биргас турмайсан! Ё сен ҳам манави паст, нафс кетидан юрувчи одамларга тақлид қилмоқчимисан?

Мен тиз чўкиб, дедим:

– Махдум, одам бадани сиҳату касал бўлиб турар экан, малаксимон зотингиз сиҳату саломат бўлсин. Душманларингиз жисми ҳамиша касалу иллатлар макони бўлсин! Офтобдек мунаввар хотирингизга махфий қолмасинки, сиз бу фақирни охунд иёдатига юборган эдингиз, чамаси?

Шундай деб изоҳ беришим билан Мир шуъладек қизишиб кетдилар. Бесовта бўлиб, ўтириб тура бошладилар.

– Шундай одамлар билан ошначилик ва мусоҳиблик қилувчига лаънатлар бўлсин, – дедилар.


Шундай эътирозли бир ҳолда ўринларидан туриб, ҳарамларига кириб кетдилар. Мен ўша ерда туриб қолганларга қарадим: дўстларим, кўряпсизларми, қандай балоларга қолдик...

Алқисса, жонимдан тўйган бир ҳолда уйга қайтдим. пешин намози пайти одатдагидек Мирнинг мулозаматига келдим. Мир бинафшазорда турган эканлар. Менга кўзлари тушиши билан бинафшадек менга терс ўгирилиб олдилар. Юзларига тўғри бўлишга шунча уринсам ҳам барибир ўзларини олиб қочавердилар. Уйимга қайтиб кетдим. Эртасига келсам, яна ўша муомала қайтарилди. Ўзимча энди кетсам қайтиб келмаганим бўлсин, деб жазм қилдим. Шу фикрни хотирга келтиришим билан “давлат арбоблари худо илҳомини олган кишилардир”, деганларидек, шу маъни малҳами каби мени чақириб, дедилар:

– Эй мавлоно Соҳиб, ғалат ва хатога йўл қўймаслик Парвардигоргагина раводир. Мен камоли ғазабим туфайли сени устод охунд иёдатига жўнатганимни фаромуш қилгандурман. Сенга эътироз билдирдим. Тиз чўкиб, ҳаммага шуни айтишинг ва Алишерга нима бўлдикин, қариб ақлдан озибдими, деб ҳамманинг кўзи олдида мени шарманда ва хижил қилишинг лозиммиди? Дўстлик олами нима бўлди? Ўтиниб қўйсангу менинг бу хатоимни беркитсанг ва мени одамлар ҳайратига сабабчи бўлишдан сақласанг бўлмасмиди?

Мавлоно Соҳибдуро инсофга келиб, дарвоқе ҳақиқат Мир томонда эди, хато мендан ўтган эди, деди.

Зайниддин Восифий,
“Бадое ул-вақое”дан



1 Алишер Навоий назарда тутиляпти.

“Улуғ салтанат”нинг ёрқин ёғдуси



Зулфия МЎМИНОВА

1959 йили туғилган.
Тошкент давлат
университети (ҳозирги
ЎзМУ)нинг филология
факультетини тамомлаган.
“Азизим, бахтиёрман”,
«Ватан ташлаб кетмайди»,
«Бешикларни асрагин,
дунё», «Ёнаётган аёл» каби
шеърий тўғламлари нашр
этилган.

Илк сўз

Яхши китоб – дарёдир. Мутолаа жараёнида китоб ўқиётганингни эсдан чиқариб, асар қаҳрамонлари билан яшасанг, қувонсанг, изтироб чексанг, демак, сен ўша лаҳзаларда ҳаёт ва дунё қонуниятларини теранроқ англаётган бўласан. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” эпопеясини қайта-қайта ўқир эканман, ҳар сафар янги маънавий кашфиётларга ошно бўламан. Улуғ бобомиз ҳузурига тавофга бораман. Ул зотнинг бағри дарёлиги, меҳри беқиёслиги, ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳаракати инсонийлик нурлари ила йўғрилганидан таъсирланаман.

Илоҳий маслак соҳиби

Амир Темир қудратли давлат тузиб, унда эл-улус ҳалол, эмин-эркин, фароғатда яшашини орзу қилди. Ўз тасарруфидаги давлатларда инсофу диёнат, раҳму шафқат тузукларини ўрнатди. Бу ёруғ оламни разолату залолатдан тозаламоқ учун умрини бедор ўтказди. Бу жуда машаққатли йўлдир. Бу йўлда ул зот қанчадан-қанча хиёнатларни кўрди, сотқинликни, очкўзликни касб айлаганларнинг заҳарли чангалзоридан ўтди. Бир инсон вужудида шунчалик журъ-



Эр кишининг бор давлати – унинг шаъни. Агар эркак шаъни поймол эрса, у ҳолда унда нима қолади?

ату жасорат жо бўлмоғи мумкинми? Ҳа, чунки Соҳибқирон Яратганнинг иродаси билан дунёга келган илоҳий маслак соҳиби эди.

Кечиримлилиқ – Амир Темури қалбининг бебаҳо дуру-гавҳари. У хиёнаткор Шибиргон ҳокими Зиндачашим Опардийнинг гуноҳидан ўтади. Тутинган “ўғли” Тўхтамишхонни кечириб, номардлик устига номардлик кўравергач, надомат ила дейди: “Тўхтамишхонни ўғлим деб атагонимдан кейин тўрт марта кечирибмен, нон-туз ҳурматини ўрнига қўймагон

“ўғлим”нинг инсофга келишига ишониблар юрибмен мен содда... Ё раббий! Камина ҳали қафасда бўронни тутмоққа умид боғладимму? Галвирда сув оламен деган хаёлга бордимму ҳали? Аммо бирор марта ҳам унинг ношудлигини юзига солмадум, бу Тўхтамишхоннинг йигитлик, эркаклик шаънини ерга урғон бўлурди. Эркакнинг шаънини ерга урмоқ энг даҳшатли нарса. Эр кишининг бор давлати – унинг шаъни. Агар эркак шаъни поймол эрса, у ҳолда унда нима қолади?”

Рум қайсари Йилдирим Боязидни кечириб, “Қайсар банддан бўшатилисун, элик-оёғидан занжирлар ечилсун! Ҳурмат билан яхши либослар кийдирилсун! У султондир, султон иззат-икромни ўзгача бўлур!” дейди.

Асар 1370 – 1405 йиллардаги тарихий эврилишлар асосида ёзилган бўлиб, воқеалар тарихий ҳужжатлардан оғишмасдан, ишончли далиллар асосида баён этилган. Асар замирида нафақат истеъдодли ёзувчининг, балки билимдон муаррихнинг машаққатли меҳнати ётибди. Мураккаб тарихий муаммолар, қонли тўқнашувлар, қирғинбарот жанг майдонлари, инсон вужудини қовурувчи саратон оловлари-ю, одамни суяк-суягигача қақшатувчи қиш қаҳрини ўзига

бўйсиндирган инсоний метин бардошни тасвирлашда ёзувчининг олимлиги, шоирлиги, файласуфлиги қўл келган.

Илдизи бир тўрт чинор

Асарни алоҳида-алоҳида ҳолда эмас, яхлит ўқиш ўқувчига воқеалар силсиласини, сабабу оқибатлар занжирини тўла ҳис қилишга, тасаввур этишга ёрдам беради. “Улуғ салтанат” Соҳибқирон қалбининг гоҳ мағрур, гоҳ армонга тўлиқ қирраларини ёритади. Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо, Шохрух Мирзо ҳақидаги китобларнинг ҳар бирида улуғ Соҳибқироннинг нурли қиёфаси, фақат ўзигагина хос бошқарув салоҳияти, илм-фан соҳиблари суҳбатига ошиқиши, юксак ақл эгаларини таний билиши, ҳар бир навқарини ўз фарзандидек юрагига яқин олиши каби инсоний фази-



латлари ёрқин бўёқларда акс этган. Эпопеянинг тўрт китоби тўрт шаҳзодага бағишланган бўлса-да, бу тўрт чинорнинг ўқ илдизи битта, яъни Соҳибқирондир.

Фарзандларининг ичида Жаҳонгир Мирзонинг ўрни бошқа! Тўнғич ўғил, бамисли киши йиқилса, энг аввал ёрдамга етиб келадиган ўнг қўлдай падари бузрукворига суянчиқ, ҳа, Темурибекнинг ўнг қўли...

Жаҳонгир Мирзо жанг санъатини пухта эгаллагани билан бирга табиатан юмшоқ кўнгил ва хаёлпараст бўлиб ўсди. Энди ўн беш ёшга қадам

Умаршайх Мирзо – жуда ёрқин образ. У Соҳибқирон томонидан тинимсиз рағбатлантириб турилса-да, улуғ эҳтиромни бирор жойда суиистеъмол қилмайди.

қўяётган эса-да, тутумининг босиқлиги, ўзининг салобатлигидан катта йигитларга менгзарди, бунга дуркун, бўйчанлиги ҳам сабабчи эди, албатта. “Бўларининг боласи ўн бешида бош бўлар, бўлмасининг боласи йигирма бешида ёш бўлар”.



Олам аҳлининг шаҳзодаси, салтанат валиаҳди Жаҳонгир Мирзо ҳар тарафлама Соҳибқиронга тортган эди.

Асарда Умаршайх Мирзо ҳам мард ва жасурлиги билан ном қозонган шаҳзода сифатида талқин этилади. У кўп жангларда зафар қучиб, Соҳибқирон ишончини оқлаган муносиб баҳодир эди. Унинг шиддатига Тўхтамишхондек ўзини яктою танҳо ботир ҳисобловчи Чингизхон авлоди ҳам тан берган эди.

Умаршайх Мирзо – жуда ёрқин образ. У Соҳибқирон томонидан тинимсиз рағбатланти-

риб турилса-да, улуғ эҳтиромни бирор жойда суиистеъмол қилмайди. Кутилмаганда оламдан ўтган Умаршайх Мирзо Амир Темурга муносиб фарзанди аржуманд бўлиб яшаб ўтади. Унинг ҳам фитрати оналарига, опа-сингилларига, ўз ҳарамига раҳм-шафқат ила безанган эди.

Асардаги энг мураккаб образ бу Мироншоҳ Мирзо образидир. Маст-аласт ҳолда Соҳибқиронга қарши беандиша мактуб ёзган ҳам шу. Унинг бахтига, мактуб манзилгача етиб бормайди.

Мироншоҳ Мирзо ўз ҳарамига хиёнат қилган ягона темурий шаҳзода. У ҳатто Жаҳонгир Мирзо вафотидан сўнг ўша давр одатига кўра, қолаверса, бегона қўлларда хор бўлмасин деб Сароймулкхоним ва Амир Темур хоҳишига

биноан Мироншоҳ Мирзо никоҳига кирган Хонзода хонимни ҳақорат қилади. Бу ҳолатдан хабар топган Соҳибқирон уни ҳокимлигидан маҳрум этиб, ясоққа ҳукм қилади.

Амир Темур Мироншоҳ Мирзони Хонзода хонимга қўл кўтаргани учун шундай жазолайди, деб ёзилади айрим асарларда.

“Улуғ салтанат”да Хонзода хоним Сароймулкхонимдан кейин турадиган табаррук аёл сифатида тасвирланади. У кўз ўнгимизда вафо ва садоқат, ибодат, сабру бардош тимсолида бўлиб гавдаланади. Соҳибқирон уни келин эмас, қизим деб, ҳатто матонати учун

ўғлим деб ардоқлайди. Хонзода хоним шу қадар жафоқаш, ғамдийда, нозик қалб эгасики, унга қўл кўтариб бўлмайди. Унинг мунглиғ қисмати олдида ҳатто Амир Темурдек зот ҳам ўзини айбдордек сезади.

Соҳибқироннинг Хонзода хонимга кўрсатган ғамхўрлигида ул зотнинг заифаларга – хотин-қизларга нисбатан нақадар эътиборли, меҳр-шафқатли бўлгани акс этган. Зеро, Амир Темургача ҳеч бир ҳукмдор келинининг кўз ёшлари учун ўғлини жазоламаган бўлса керак.

Шоҳрух Мирзо шаҳзодалар ичида энг саодатлиси дир. Ҳазрати Соҳибқирон Шоҳрух Мирзода улуғ салтанат учун масъуллик ва жавобгарлик туйғуларини тарбиялайди. Унда салтанатга тиргак ва устун бўладиган қудратни камол топтирди. Ҳамиша хушёр, гофилликдан йироқ, эл-улус аҳволидан хабардор Шоҳрух Мирзони Яратган Эгам Улуғбек Мирзодек ўғил билан сийлайди. Хуросон ҳукмдори Шоҳрух Мирзонинг падари бузрукворига кўрсатган оқибатлари ўзига ўғли – Турон ҳукмдори Улуғбек Мирзодан қайтади. У талон-тарож қилинган хазинага кираркан, бир четда тушиб қолган бир динор олтин тангани енги билан артиб, ўпиб, кўзларига суртганча шундай дейди:

– Оллоҳга шуқр, бизга ҳам отамиздан улуш тегди!

Ҳа, “Улуғ салтанат” эпопеяси ўқувчи кўнглида шуқроналик боғларини парваришлайди. Эзгуликнинг мангу бедор булоқлари томон чорлайди.

Завол билмас саодат

Бутун дунёни саодатли қилмоқ учун бел боғлаган улуғ Соҳибқироннинг ҳаёти шавкатли воқеаларга тўлуғ бўлса-да, зиддиятли синовлар, кутилмаган мусибатлар аро кечди. У салтанатда тамомила адолат ўрнатиб, халқини бахтиёр кўрмоқчи эди.

Соҳибқирон билан Сароймулкхонимнинг тўйларидан уч ой ўтиб Жетага юриш бошланади. Айни фасли навбаҳор. Янги куёв ва келин отлардан тушиб пиёда яшил майсаларни кезиб, кичик тепаликда ёқутдек ёниб турган лозазорга

*Бу гулларни уларга сизнинг
ворисларингиз – замонамиз
шаҳзодалари тортиқ
этмишлар.*

дуч келдилар. Темурбек Сароймулкхонимга кучоқ-кучоқ лолалар териб беради. Йиллар ўтиб Сароймулкхоним ўшал масъуд онларни Соҳибқиронга эслатади.

– Умрим бино бўлиб бундай кўп лолаларни кўрмагон эдим. Лолалар бир-бирига гал бер-

май кўксимга бош кўярдилар. Билмадим, ўшанда ким кўп бахтиёр эди: суюкли Ҳазратим инъом этгон гулларни бағрига босгон менми, ёки кўксимга бош кўйгон, чеккамни ёндиргон лолаларми, ёки шу гулларни қабул қилгонидан гул-гул яшногон суюкли дилдоридан кўз узолмай боқиб тургон Ҳазрати Соҳибқиронми?..

– Ҳамма ҳам бахтиёр эди... Биби... Ҳамма...

* * *

Мен яқинда Самарқандга бордим. Регистон хиёбонида баҳор салтанати... Бибиҳоним масжиди пойида ял-ял ёнган лолаларни кўриб кўзимни узолмай қолдим. Ақиқ лолалар... Гулу лолалар аро юриб, Соҳибқирон мангу кўним топган табаррук зиёратгоҳга бордим. Ҳазратим пойларида тиз чўкиб, хаёлан тўнларининг этагини ўпиб, кўзимга суртдим. Мен ҳам асрлар берида туриб сўрадим:

– Ҳазратим, кўраяпсизми, она юрт тинч, осуда, фароғатда. Ватан бахтиёр. Зиёратгоҳингизнинг шундай ёнгинасидаги олийгоҳларга боқингиз, унда Сароймулкхонимлар, Хонзода хонимлар, Султон Бахт бегимлар, Соғинч хониму Гавҳаршод бегимлар кўлларида китоблар ва гуллар билан сабоқхоналарга шошилмоқдалар. Бу гулларни уларга сизнинг ворисларингиз – замонамиз шаҳзодалари тортиқ этмишлар.

– Қани, айтинг-чи, ким бахтиёр, гулу лолаларми, давримиз маликаларию шаҳзодаларими?

Соҳибқироннинг жавоби аниқ:

– Ҳамма бахтиёр... Ҳамма...

Сўнгсўз

“Улуғ салтанат” эпопеясини ўқиб тугатарканман, ич-ичимда такрорлайман: қалбимдаги гурур тоғларини кўк қадар юксалтирганинг, онгу шууримни булоқ сувидек тиниқлаштирганинг, бу муқаддас заминга, она тупроққа нисбатан фарзандлик меҳри ва қарздорлик туйғуси ила чамбарчас боғлаганинг, олам аҳли қошида, тарих саҳнида биздан-да бахтиёр, боши баланд халқ йўқлигини муқаддас кўшиқ сингари эслатганинг учун раҳмат сенга, Адабиёт! Таъзим сенга, Истеъдод, Меҳнат!



Қизил гулинг бўлойин

Эрта баҳор. Қишнинг зерикарли кунларидан безган кўнгиллар баҳор нафасидан энтикиб баҳра олаётган дам. Уч яшар қизалоғим билан зарурий иш юзасидан шошиб кўчага отландик. Анча илгари одимлаб, атрофимда қизим йўқлигини пайқаб ортимга қарадим. Ажиб манзара... Жажжи қўлчаларига ёввойи гуллардан териб олиб, уларга тикилиб турибди. Яқинига борсам, беғубор нигоҳида қувонч порлаб: «Ойижон, гулчалар, қаранг, чиройли!» деди. Эгилганча, қўлчаларидагиларга қарадим. Чиндан-да, мурғак гўдак кўнглига чексиз ҳайрату қувонч ҳадя этганича бор экан. Ажоб-о, диаметри бор-йўғи ярим сантиметр келгудек митти гулча. Бироқ унда кишини мафтун қила оладиган даражада улкан жозиба мужассам.

Қадим-қадимдан аждодларимиз бетакрор кўринишу хусусиятга эга бўлмиш гулу чечакларга бефарқ бўлишмаган. Бунинг биргина исботи тариқасида Ўрта Осиё халқларининг мавсумий маросимлари тизимидан жой олган, баҳор фаслида ўтказиладиган «гул сайиллари»ни мисол қилишимиз мумкин. Табиат билан боғлиқ ушбу сайиллар халқимизнинг Наврўз байрами билан боғлиқ маросимлари сирасига киради. Баҳор фаслида уюштириладиган анъанавий гул сайиллари юртимизнинг турли жойларида турлича номда, турли тарзда нишонланади. Гул билан боғлиқ байрамларни тадқиқ этган олима Л. Тулцеванинг ёзишича, Нуротанинг қир-адирларида қизғалдоқлар очилган пайтда «Қизил гул» сайили, Фарғона водийсида «Лола сайли», Самарқандда мевали дарахтлар, айниқса, беҳи гуллаганда «Беҳи гул сайили», Бухорода «Тулигардони булбулхон», «Тули сурх», Зарафшонда «Бойчечак гулигардони» сайиллари ўтказилган.

«Қизил гул» сайили пайдо бўлишининг тарихий асослари табиатнинг боқийлиги тўғрисидаги ибтидоий ишонч-эътиқодларга бориб тақалади. Қадимги аждодларимиз куз фаслида япроқларидан ажралган дов-дарахтларнинг эрта баҳорда яна барг ёзиши, кўклам келиши биланоқ қир-адиру далалар кўм-кўк майсаларга, гул-чечакларга бурканишида табиатнинг рамзий манода ўлиб-тирилиши тимсолини кўришган. Шунинг учун бўлса керак, кўпгина

Мунис Жўраева,

ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва
фольклори институти
илмий ходими

жойларда “Қизил гул” сайли қабристонлар ёки унга яқин жойларда ўтказилади. Халқ ишончига кўра кўклам илк бор қабристонларга келиб, ўз гул-чечакларини тақдим этар экан. Марҳумлар гўёки гул тимсолида тирилиб, тирикларга завқ улашар экан. Хоразм вилояти Хива шаҳрида ҳам “Қизил гул” сайлини шаҳар яқинидаги Баворис бобо қабристонидан нишонлашган.

“Қизил гул” қаерда нишонланмасин, табиатнинг уйғониши инсон руҳиятига, кайфиятига яшариш, шодиёналик, кўтаринкилик бахш этганлигини кўриш мумкин. Ушбу сайилларда аҳолининг барча қатлами бирдек иштирок этиши унинг умуминсонийлигидан далолат. “Қизил гул” сайли Наврўз байрамидан кейин баъзан бир ҳафта, баъзан бир ой давомида ўтказиб келинган. Ҳозирда ҳам юртимизнинг кўпгина жойларида баҳорги гуллар очилиб, тугагунига қадар, яъни ёзнинг илк кунларигача гул сайиллари давом этади. Сайил кунлари турли халқ ўйинлари ўтказилган. Айниқса, балоғатга етган қиз-йигитлар томонидан “Гул узатиш”, “Анор отиш”, “Олма отиш” каби ўйинларнинг ўйналиши қизиқарли кечган. Ёшларнинг икки гуруҳга бўлиниб, бир-бирларига олма, анор, гул узатишларида рамзий танланиш, меҳр-муҳаббат, яширин севги изҳорлари акс этган бўлади. Сайилда инсон қалби ва табиатнинг яшариши уйғунлашган миллий хунармандчилик ишлари, амалий санъат намуналари ҳам намойиш қилинган. Ҳозирги кунда ҳам ушбу анъана давом этиб келмоқда.

Халқимизнинг қадимий эътиқод ва анъаналарини ўрганган олимларимиз гуллар билан боғлиқ маросимлар, тантаналарини ўлиб-тирилувчи табиат тимсолини ўзида акс эттирган Сиёвуш каби афсонавий образлар билан боғлашади. Кўхна асотирлардан Сиёвуш афсонавий шоҳ эканлиги, унинг ўлдирилиши фожеага айлангани, ҳар баҳорда унинг хоки изланиши, унга атаб турли маросимлар ўтказилганлиги, бу қадимги аждодларимиз учун муқаддас саналган мифологик персонаж эканлигини билиш мумкин. Ҳатто ҳозирда ҳам ўлкамизнинг айрим худудларида эрта баҳорда униб чиққан гулларни “Сиёвуш акси” дейишади.


Хоразмликлар орасида эса кўкламдаги қизил гуллар қадимда ҳукмронлик қилган афсонавий шоҳ Сиёвуш қонидан ранг олган, яъни у ўлдирилганида қони томган жойлардан қизил гул униб чиқади, ҳар баҳорда Сиёвуш қизил

гул тимсолида тирилади, деган тасаввурлар мавжуд. Бундай қарашлар аксини халқ оғзаки ижодининг қадимий жанрларидан бири бўлган топишмоқларда учратиш мумкин. Масалан, жавоби қизғалдоқ саналган қуйидаги топишмоқда Сиёвуш ҳақидаги мифологик тасаввур излари мавжуд: “Мадад акамнинг бошида бахмал тақияси бор”.

Аслида гуллар, қизил ранг тимсоли аёлларга ташбеҳ қилинади. Бироқ топишмоқда қизғалдоқ эркак кишига қиёсланган. Қизил-бахмал дўппти “Мадад акам” бошида дейилган. Биламизки, ўзбекларда дўппти қимматли, эъзозланган кийимлардан саналади. “Бош кийими давлат, давлатни бировга бериб бўлмайди”, дейди доно халқимиз. Халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам бош кийими, хусусан дўппти магик ҳимоячи вазифасини

бажаради.

Топишмоқда келтирилган исм ҳам киши эътиборини тортади. Анвар, Комил эмас, айнан Мадад исмининг қўллани-



лиши, ушбу исмининг луғавий маъносидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, юқоридаги топишмоқнинг тарихий илдизи айнан афсонавий халқпарвар, одил шоҳ Сиёвуш билан боғлиқ қадимий қарашларга бориб тақалади.

Умуман олганда, гул сайилларининг ўтказилишида табиат билан инсон ҳаёти ўртасида чамбарчас боғлиқликни кўриш мумкин. Бундай маросимлар кишиларни табиатни севишга, уни асраб-авайлашга, ундан баҳра олишга ва, айниқса, меҳр-оқибат, қадр-қимматни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Гуллар... Бир-биримизнинг кўнглимизни кўтаргимиз келса, дўконларда тахланиб турган зарурий нарсалар қолиб гуллар ҳада этишга ошиқамиз. Ошиқлар дил изҳорини гулларсиз изҳор этмайди... Инсон яралибдики, ҳамон кўнгилларни кўтаргувчи, бетакрор гўзалликларга қиёслангувчи, ҳар қандай қимматбаҳо совғадан-да қадрлироқ гулларнинг ўрни бўлакча! Гулдек гўзал, севимли, қадрли бўлишга, интилиш ҳисси ҳеч биримизни тарк этмасин!

Наврӯз

Тарозу палласига нурун тенг қўйиб,
Дунёни ёшартира бошлайди қуёш.
Майсадан чиноргача бирдайин суйиб,
Борлиқни бир-бирига қилиб эмакдош.

Янги қунга очилган мовий чашима қўз,
Тенгликни англагучи файзиёб Наврӯз.

Нур қатида дилларга индириб сурур,
Олам кўркига берувчи нафис пардоз.
Ниш урган куртакларда бегараз ғурур,
Ғунчалар ишвасида қўйдирмажон ноз.

Зангори қўйлак кийган водийлару бўз,
Камалак ранг улашган мусаввир Наврӯз.

Сумалак исидаги мужассам ифор,
Таърифига лугатдан топилмас калом.
Қаҳратон тунларда қутилган интизор,
Наврӯзим, сенга яна бир бор ассалом.

Деҳқонларга сочтирган барака ризқ-рӯз,
Неъматлар мўллигининг омили Наврӯз.

Юртдошим, Наврӯздан ол андоза, учқун,
Поклик уругин қалбингга абад сингдир.
Дилингда ундиролсанг эзгулик гулин,
Билгинки, гўзал ҳаёт сенинг, сенингдир.

Шаънингга ҳечам айтиб бўлмас тугал сўз,
Табиатни яшнатган беназир Наврӯз.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ

Номларнинг НОМУНОСИБ таржимаси



Хуррам РАҲИМОВ,
филология фанлар номзоди.

1951 йили туғилган. Тошкент давлат чет тиллар педагогока институти (ҳозир ЎзДЖТУ)нинг олмон тили факультетини тамомлаган. Ака-ука Гриммнинг 100 дан ортиқ эртакларини, 50 дан ортиқ олмон халқ эртакларини ("Етти юлдуз" тўплами), ўзбекчага ўгирган. 70 га яқин ўзбек эртакларини олмон тилига таржима қилиб, Олмонияда ("Märchen aus Samarkand") ва Ўзбекистонда ("Feuermädchen aus dem Feuer") чоп эттирган.


Таржима илми ва амалиётида ўгириш қийин бўлган сўзлар бир талай. Уларнинг асосийлари миллий ўзига хос сўзлар бўлиб, халқаро терминда реалиялар дейилади. **Реалиялар** деганда маълум бир миллат ва элатга хос нарсаларни ифодаловчи сўзлар ва тушунчалар англашилади. Уларни бошқа тилга ўгиришда таржима тилининг тараққиёт даражасига қараб катта-кичик муаммолар пайдо бўлади. Бу муаммоларнинг ечими, уларнинг таснифи ва тавсифи таржима назариясида ўрганилмоқда. Умумий қонун-қоидалар билан бирга ҳар бир тил жуфтлигида махсус қоидалар ишлаб чиқилмоғи лозим.

Чет тиллардан ўзбек тилига ўгирилаётган асарларда ана шу муаммолар ҳанузгача таржимонлар ва муҳаррирларнинг бошини қотириб келмоқда; бир номнинг ўзини бир неча хил ёзиш ва талаффуз қилиш ҳоллари ҳар қадамда учрамоқдаки, бу яқдиллик талаб қилади. Ушбу мақолада асосан бошқа тиллардаги атоқли отлар тоифасига кирувчи киши номлари таржимаси ва ўзбек тилида ёзилиши ҳақида фикр юритамиз.

Озодлик халқимизга барча соҳаларда мустақил ва дадил қадам ташлаш, ривожланиш имконини берди. Янгиликлар осонгина амалга оширилмайди, албатта.

Биз нафақат ўзимизга, балки бошқа халқлар ва элларга, уларнинг кадриятлари ва ўзликларига ҳам янгича қарашни, ўрганишимиз керак. Жаҳон халқлари кадриятларини янгича идрок ва эътироф этсаккина, бизни ҳам улар эътироф этади, янгидан кашф қилади ва ана шу маънавий эътирофлар сиёсий эътирофларга қувват бўлади; бу эса, ўз навбатида, чет эликларга юртимизга нафақат меҳмон ёки сайёҳ кўзи билан, балки иқтисодий ҳамкор ва истиқболли инвестор кўзи билан ҳам қарашга йўл очади.

Олмон ва ўзбек халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни йигирманчи йилларда маданий ҳаётимизнинг муҳим омили бўлмиш таржима жараёни бошлаб берган бўлса, ҳозирги кунда бу алоқалар, албатта, тилларимизда ўз аксини





жой номлари иккинчи тилга асосан икки усул – транслитерация йўли билан (яъни ўз тилида қандай ёзилса) ва транскрипция усули билан (яъни қандай талаффуз қилинса) ўзга тилга шундайлигича ўтказилади, иложи борича аслиятга яқин шакл ва оҳангда ўтишига ҳаракат қилинади. Бунда чет тилининг товуш тизими, алифбоси, имло қонуниятларини она тили товуш тизимини имло имкониятлари асосида адекват (муқобил) тарзда қайта тиклаш муаммоси пайдо бўлади.

Мушкуллик, аввало, шундан

топмоқда. Жумладан, она тилимизда 300 дан ортиқ олмонча сўзлар фаол истеъмолда эканини олимлар исбот қилишган (О. Жуманиёзов). Аммо ана шу борада – чет эл, жумладан, олмон халқига хос миллий колоритни ўзбек тилида қайта яратишда жиддий муваффақиятлар билан бирга жузъий камчиликларга ҳам йўл кўйилмоқда.

Шундай муаммолардан бири олмонларнинг исм-фамилияларини ўзбек тилига тўғри “таржима қилиш” ва “имловий ўзлаштириш” билан боғлиқ.

Оилада туғилган ҳар бир гўдакка ота-онаси ширин орзулар, ёруғ ниятлар билан яхши исм қўйишга ҳаракат қилади. Гўдак исмини таний бошлар экан, фақат ўз исмини айтиб чақирганларидагина қайрилиб қарайди. Ўз исмини минглаб исмлар орасида ажратиб олади. Яъни, у ўз исми орқали ўзлигини – ўз оламини кашф этади. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, тарихдан муносиб ўрин олган барҳаёт сиймоларнинг исмлари бошқа халқлар тиллари ва дилларида айнан ўз халқи тилида жаранглагандай янграши – **Йоҳанн Волфганг Гёте, Ҳайнрих Ҳайне, Ҳайнрих Манн, Ҳерманн Кант, Фридрих Ҳегел, Лудвиг Фойербах, Артур Шоппенхауер, Алберт Айнштайн, Эрнест Ҳеменгвай, Ги дў Мопассан** шаклида ўзбек имлосига уйғунлашиши айтиш муддао бўлур эди. Бироқ чет элликлар, жумладан, олмонларнинг номини тўғри айтиш ва ёзиш таржимачилигимизда ҳанузгача муаммолигича қолмоқда.

Маълумки, бир тилдаги исм-шарифлар ва

иборатки, дунёдаги бир-бирига фонетик ва орфоэпик жиҳатдан тўла мос келадиган иккита бир хил тил йўқ. Масалан, олмон тилидаги **ch** танглайолди товуши бошқа кўп тилларда, хусусан, рус ва ўзбек тилларида йўқ. Демак, исмларда учровчи ва уларнинг охириги бўғинини яқунловчи шу юмшоқ танглай ундошини рус тилида қаттиқ “х”, ўзбек тилида юмшоқ “ҳ” товуши билан қайта тиклашдан ўзга чора йўқ: Heinrich – Хайнрих – Ҳайнрих. Рус ва ўзбек тилларидаги таржималарда эса бу исмнинг биринчи бўғини бутунлай ўзгариб, негадир Генрихга айланиб қолган. Муаммонинг иккинчи муҳим ва қийин, аммо ҳал қилса бўладиган томони ҳаммага маълум қуйидаги факт билан боғлиқ: деярли кўпчилик олмонча исмлар рус тилига ўтаётганда шу тил товуши ва алифбоси имкониятлари ва имло хусусиятларига бир карра мослашиб, тил оша учинчи тил – ўзбек тилида пайдо бўлганда, кўпичча худди ўрисчадай кўриниши ёки яна бир бор “ўз тўнини янгилаш”и керак бўлмоқда.

Шу ўринда профессор И. Мирзаевнинг қуйидаги фикри масалага ойдинлик киритишга ёрдам беради: “Бизга рус тили орқали кириб келган Г. де Мопассан, О. де Бальзак, Ф. де Соссюр каби фамилияларни истиқлол берган имкониятдан фойдаланиб, тўғри талаффуз қилиш ва ёзиш вақти етди. Руслар бу фамилияларни ўзларича, яъни шундай ўқиш ва ёзишни хоҳлаганлари учун эмас, балки объектив сабабларга кўра – тилларида “ў” товуш-ҳарфининг йўқлиги учун ёзиб келадилар. Бизнинг тилимизда эса бундай товуш, ҳарф бор”. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки,

фақат бевосита таржима орқалигина иккинчи “фильтр”ни бартараф этиш мумкин. Бугунги кунгача олмон-ўзбек таржимачилигида деярли барча бадий асарлар рус тили (таржимаси) орқали ўтирилган.

Тил оша таржима натижасида эса куйидагича нохуш манзара пайдо бўлганки, бу ҳол билан муросаа қилиш асло мумкин эмас:

Аслиятда	Русчада	Ўзбекчада
Adelheid	Адельхейд, Адельгейд	Аделхейд
Auerbach	Авербах	Авербах
Bernhard	Бернгард	Бернгард
Chomsky	Хомский	Хомский
Dietrich	Дитрих	Дитрих
Einstein	Эйнштейн	Эйнштейн
Goethe	Гете, Гёте	Гёте, Ҳёте
Hauf	Гауф	Гауф
Hemingway	Хемингуэй	Хемингуэй
Hessling	Геслинг	Геслинг
Hans	Ганс	Ганс
Hegel	Гегель	Гегель
Heinrich	Генрих	Генрих
Heine	Гейне	Гейне, Ҳейне
Hermann	Германн	Германн
Hitler	Гитлер	Гитлер
Hofmann	Гофман	Гофман
Hugo	Гюго	Гюго
Jakob	Якоб	Яков
Johann	Иоганн, Йоган, Иван	Иоганн, Иван
Josef	Иосиф	Иосиф, Юсуф
Feuerbach	Фейербах	Фейрбах
Freud	Фрейд	Фрейд
Wilhelm	Вильгелм	Вилгелм

Юқоридаги мисолларда келтирилган олмонча исмларнинг русча ва ўзбекча вариантларини хато деб ўйлаймиз. Чунки рус ва, айниқса, ўзбек тилида шу номларни аслиятига янада яқинроқ келтириш имкониятлари бор.

Масалан, Adelheid ни русчага “Адельхайд” деб ўгириш мумкин. Чунки рус тилида юмшоқ “**ҳ**” товуши бўлмаса-да, “**ай**” дифтонги бор, масалан: **май, рай, лай** ва ҳоказо; ўзбекчада эса оригиналга муқобил, рус тилида йўқ имконият – юмшоқ “**ҳ**” ва “**ай**” дифтонги бор, Adelheid ни “Аделхайд” деб ўгирса бўлади. Худди шундай имкониятлардан бошқа кўп номлар, масалан, жой номлари (Leipzig – Лейпциг – Лайпциг ва ҳоказо) ва киши номлари “таржимаси” учун фойдаланса ҳам бўлади, яъни қуйидаги олмонча Auerbach, Bernhard, Einstein, Hans, Hegel, Johann, Feuerbach, Schop-

Келтирилган мисоллар ва ўрганиб чиқилган материаллардан шундай хулоса чиқадики, номлар таржимаси, уларни бир тилдан иккинчи тилга ўтказиш иши муҳим ва мушкул масала ҳисобланади. Бу муаммони ҳал этиш бир қанча фактларга боғлиқ, жумладан

penhauer, Hessling, Heine, Goethe каби номларни Авербах, Бернхарт, Айнштайн (**Эйнштейн** эмас), Ҳанс (**Ганс** эмас), Ҳегел (**Гегель** эмас), Ҳайнрих (**Генрих** эмас), **Ҳайне** (**Гейне** ёки **Ҳейне** эмас), Ёхан ёки Йоҳанн (аммо зинҳор **Иоганн** эмас), Фойербах (**Фейрбах** эмас), Гёте (**Ҳёте** эмас) ва ҳоказо. Француз тилидаги Ги **де** Мопассан эмас, Ги **дў** Мопассан, **де** Бальзак эмас, **дў** Бальзак, **де** Соссюр эмас, **дў** Соссюр деб, Немингуауни Хемингуэй эмас, Ҳемингвай тарзида ёзиш ва, ўқиш аслият руҳи ва моҳиятига мос. Бу бизнинг истагимиз эмас, балки она тилимизнинг бутун салоҳиятини намоён этиш ва, шу билан бирга, чет эл олим, адиб ва бошқаларнинг исм-фамилияларини ўзларида қандай бўлса, шундай ёзиш, ўқишга даъватдир, холос.

Бу имкониятдан фойдаланмай келинаётганини тушуниш қийин (И. Мирзаев). Ҳатто бевосита таржималарда ҳам русча вариантни қўллаш ҳоллари кўп учрашига ҳайрон қоласан киши.

Келтирилган мисоллар ва ўрганиб чиқилган материаллардан шундай хулоса чиқадики, номлар таржимаси, уларни бир тилдан иккинчи тилга ўтказиш иши муҳим ва мушкул масала ҳисобланади. Бу муаммони ҳал этиш бир қанча фактларга боғлиқ, жумладан:

Киши номлари – антропонимлар ва жой номлари – топонимлар таржимасини умумилмий асосларини алоҳида тиллар жуфтлиги материалда ишлаб чиқиш.

Таржима назарияси ва амалиётига таянган ҳолда икки тилли ва кўп тилли реаллар луғатларини яратиш.

Бевосита таржима ишини кенгайтириш ва рағбатлантириш.

Чет эл адабиётидан қилинаётган тил оша

Инглиз, француз, олмон, швед ва бошқа миллатлар қироллари умумий Карл деган шаклда эмас, балки инглизча Чарлз, франсузча Шарл, олмонча Карл, шведча Карлос ва Карли каби шаклларда ёзилса. Ҳозирги Уилямлар рус тилида Вилямларга, Ҳелмутлар Гелмутларга айланиб қолмаса, айна муддао бўларди.

таржималарни албатта мутахассис тилшунос-германист, романист ва шарқшуносларнинг жиддий тақризи, таҳлили ва таҳриридан ўтказиш каби қатор чора-тадбирларни амалга ошириш керак.

Бу борада қийинчиликлар, “чет тилидан ўзбек тилига кирган сўзларнинг ҳозирги замон имлоси анъанага айланиб қолган-ку” қабилдаги эътирозлар бўлишидан қатъи назар, шуни ҳам эътироф этиш керакки, кейинги пайтларда киши номлари ва жой номларини янада аниқроқ ва аслиятга имкон қадар яқинроқ таржима қилиш тенденцияси ривожланиб, давлат миқёсида қўллаб-қувватланмоқда. Тилда ўрнашиб, қўлланиши одат ва анъанага айланиб қолган чет тилдаги исмлар ва номларнинг хато транслитерацияси – ёзув шаклини ўзгартириш, албатта, қийин, аммо зинҳор амалга ошириб бўлмайдиган юмуш эмас.

Худди шу масалага тўхталиб, болгар таржимашунослари С. Влахов ва С. Флоринлар шундай дейдилар: “Исм-шарифларнинг энг гализ чиққан таранскрипцияларини аста-секин ўзгартириш заруратини кескинроқ қўйиш кераклигини таъкидлаш лозим, қани энди, масалан, русча ёзилиб келинган Гейне ва Гюго ўз исм-шарифлари бўлмиш “**Ҳайне**” ва “**Юго**”дай ёзила бошласа; турли миллатлар – инглиз, француз, олмон, швед ва бошқа миллатлар қироллари умумий Карл деган шаклда эмас, балки инглизча Чарлз, франсузча Шарл, олмонча Карл, шведча Карлос ва Карли каби шаклларда ёзилса. Ҳозирги Уилямлар рус

тилида Вилямларга, Ҳелмутлар Гелмутларга айланиб қолмаса, айна муддао бўларди. Бу хил жараён бошланганига ишоралар бор-у, бироқ улар жуда ишонарсиз ҳамда изчил эмас”.

Нақадар адолатли, қонуний умид, талаб ва холис фикр. Бу борада олмон-ўзбек таржимачилигида тетапоя қадамлар қўйилмоқда. Масалан, олмон ёзувчиси **Б. Апицнинг** “Қашқирлар чангалида” романини ўзбекчалаштирган таржимон Янглиш Эгамова асар қаҳрамонларини ўзбекчада ҳам олмон тилига муқобил оҳангларда қайта номлаган. Аммо машҳур шоир **Heinrich Heine** нинг исми-шарифи ўзбек шоири Абдулла Шер қаламида яна аввал **Генрих Гейне**, кейин **Ҳенрих Ҳейне** бўлди ва ниҳоят бизнинг мулоҳазаларимиздан сўнг **Ҳайнрих Ҳайнега** айланди.

Кузатишлардан маълумки, олмон исмларини ўзбекчалаштиришда йўл қўйилган хатолар бир томондан **ei, ie, au, a, u**, каби унли товушлар ва дифтонглар, иккинчи томондан **g, h, ch, sch, sh, tsch** каби ундош ва африкатларни қайта тиклаш жараёнида содир бўлмоқда.

Бизнингча, олмонча – **ei, ey, ai, ay** дифтонгларини ўзбекча – **ай** билан, олмонча **au** ни **ay, av** билан, **äu, eu** ни ўзбекча – **ой** билан, **h** ни **х, ü** ни **ю** ёки **уй, iy** ва **ie** ни – **ий, ие** билан, **ch** ни сўз бошида **х**, сўз (бўғин) охирида **ҳ** билан ўтказиш шу унли ва ундошлар учраган олмонча исмларнинг ўзбек тили алифбосида қайта ёзилишига – таржимасига асос бўлади.

Юқорида айтилган фикрлар масаланинг асосан бир томони, яъни исмларнинг имлоси ва талаффузида миллий ўзига хосликни сақлаб қолишига тегишли. Бу шунчаки оддий масала эмас, чунки имло ва талаффузнинг бузилиши исмлар маъно ва мазмунига ҳам путур етказди. Чунки шакл ва мазмуннинг ўзаро диалектик алоқадорлиги исмлар ва уларнинг таржимасидаги қонуниятларни намоён қилади. Масалан, ўз она тилимизда қизларга эзгу ният билан қўйилгучи **Гавҳар** исмини олайлик. Нақадар гўзал, нафис ва пурмаъно исм. Шунинг ўзбекча исмини ўзбекларимизнинг ўзлари ҳам доим тўғри айтавермайдилар: ё эринадилар, ёки шева таъсирида “**Говҳар**” деб талаффуз қилишади. Шундай талаффузли исм қулоғига чалинган тожик ва форс тиллари вакиллари нима деб ўйлашини бир тасаввур қилиб

кўринг-а (“гов” сигир, “хар” эса эшак маъносини англатади). Кўрдингизми, ўзбек исмидаги бор-йўғи бир унли **а – о** га ва бир ундошнинг қаттиқ ёки юмшоқлик белгиси **ҳ – х** га ўзгарса, маънонинг қанчалар ўзгаришига олиб келади.

Исмимизни ўз тилимизда ва бошқа халқ тилида тўғри айтилишини истар эканмиз, келинг, яхшиси, ўзга халқлар исм-шарифларини ҳам тилимиз имкониятларида келиб чиқиб аслиятча сақлашга ҳаракат қилайлик. Масалан, немисча **Reinhold (Райнҳолд)** – “**Азизларнинг азизи**” демақдир. Ўзбек тилидаги “**Азизхўжа**” исми шу ниятда қўйилса керак. Бу исмни агар Райнголд деб ўгирсак – “**соф олтин**” маъноси пайдо бўлади. Таржималарда эса кўпинча “**Рейнголд**” шаклига дуч келамиз, яъни олтиннинг софлиги йўқолиб, азизлик тиллага айланиб қолади ва исм бутунлай ўзгаради, маъносиз бўлиб қолади. Худди шундай ҳолат машҳур олмон файласуфи Лудвиг Фойербах исмини рус тили орқали ўзбекчалаштирганда ҳам содир бўлган. Рус традицияси таъсирида олмон алломаси **Ludwig Feuerbach** Людвиг Фейербахга айланган. Feuer – фойер “**олов, ўт, ёнмоқ**” маъноларини, **Bach** эса “булоқ, ариқ” маъноларини англатади. “Фейербах” да **олов, ўт, ёниш** маънолари йўқолиб қолган. Фойерверк нималигини бир эсланг. Хуллас, “ёнарбулоқ”дан ҳеч нарса қолмаган. Ўзбекчада **Ludwig** исмини ҳам **Людвиг** эмас, Лудвиг деб бериш тўғрироқ бўларди.

Шунингдек, олмон физик олими **Georg Simon Ohm** нинг исм-шарифини рус тили орқали ўзбекча **Георг Симон Ом** деб ўтказишган. Ваҳоланки, аслиятга, олмонча қомусларга мурожат қилиб, **Георг Симон Оум** тарзида ўгириш айти муддао бўлур эди.

Масаланинг юридик томонига ҳам эътибор бериш керак. Ўз исм-фамилияси ёрдамида кишилар турли хил юридик ва ижтимоий муносабатларда муомалада бўладилар. Аммо ижтимоий муносабатларнинг шундай

жабҳалари борки, исм ва фамилиялар алоҳида қонунлар билан муҳофаза қилинади. Илмий ва бадиий адабиёт вакиллари, санъат намояндалари, ихтирочилар, рационализаторларнинг исм-фамилиялари ана шундай номлардан ҳисобланади. Уларнинг номини на ўз тилида, на ўзга тилда бузиб айтиш ва ёзиш мумкин.

Кўрамизки, киши номларини бир тилдан иккинчи тилга ўтказиш – “таржима” қилиш ниҳоятда муҳим ва кўп қиррали масаладир. “Нарсаларни ўз номи билан аташ” деган нақл бор. Келинг, дўстлар, ана шу нарсаларнинг ижодқори бўлмиш инсонлар номини тўғри айтиш, тўғри таржима қилишни ҳам унутмайлик. Таржимачилигимизда кўтарилаётган муаммоларни ҳал этиш маданий-ижтимоий ҳаётимиздаги янгилаш жараёнига камтарин улуш бўлишига ишончимиз комил.





АХЛОҚ ВА ҲАЁТ

бир бутундир

Томас Манн ҳикматларидан

Атоқли олмон адиби ва публицисти, адабиёт йўналишида Нобель мукофоти совриндори. 1901 йили ilk романи “Будденброклар” босилиб чиқади ва унга катта шуҳрат келтиради. Айнан шу асари учун ёзувчи 1929 йили Нобель мукофоти билан тақдирланади.

“Қирол оиласи аъзоси”, “Иосиф ва унинг огалари”, “Лотта Веймарда”, “Доктор Фаустус”, “Сехрли тоғлар” каби романлари, бир қатор қисса ва ҳикоялари машҳур.

Наҳотки мен ҳаётни, бу тоза, шафқатсиз ва қудратли ҳаётни ёмон кўрган бўлсам? Бекор гап. Тушунмовчилик бу. Мен уни енга олмаганим учун ўзимни ёмон кўрганман, холос.

Мукамаллик катта қувонч олиб келади.

Бахт ва муваффақият – ўзимизда, ичимиздадир.

Ахлоқ, шубҳасиз, ҳаётда энг муҳимидир.

Вақтни қўлингда тут! Ҳар бир соат, ҳар бир дақиқани асра. Назорат қилмасанг, калтакесақдай сирғалиб қочиб кетади. Ҳар бир лаҳзани ҳалол ва муносиб амаллар билан бега! Вақтга салмоқ, мазмун ва нур бағишла.

Шоир ижодий тўқималари сабаб эмас, илоҳий иқтидор туфайли дунёга келади.

Бизнинг қўрқувимиз – душманларимиз мардлигининг манбасидир.

Ахлоқ ва ҳаёт бир бутундир. Ахлоқ – ҳаёт тиргаги, ахлоқли одам ҳаётнинг чинакам фуқаросидир.

Нуқсонни ёқлаш билан фазилатлар ҳақорат қилинади.

Вақт ундан фойдаланиб ақллироқ, яхшироқ, пишиқроқ ва мукамалроқ бўлишимиз учун берилган қимматбаҳо совғаидир.


Орзулар ушалганда энг яхши нарсалар ортида қолади.

Барча истак ва ҳаракатларимиз асабларимизнинг эҳтиёжлари сабаб дунёга келади. Бу эҳтиёжларни сўз билан таърифлаш қийин.

Уруш – тинчлик давридаги муаммолардан қўрқоқларча қочишдир.

Фақат ўлимгина азоб-укубатларни ҳурматлашга ўргата олади.

Баъзи одамлар билан яшаш қийин, лекин уларни ташлаб кетиш ҳам осон бўлмайди.



Санъат инсоннинг эзгуликка, ҳақиқатга, комилликка гайриихтиёрий ва азалий интилишининг энг гўзал, энг қатъий, энг қувончли ва эзгу тимсолидир.

Хунук ҳолатларни ҳам ўз фойдасига уялмай ўзгартира олиш яшовчанлик қобилиятининг белгисидир.



Агар бирор фикр бутун вужудингни қамраб олган бўлса, у сени ҳар қадамда таъқиб этади, ҳатто ҳавода ҳам унинг ҳидини сезасан.

Азоб-уқубат кўрмаган одам бир умр ёш бола бўлиб қолаверади.

Кўполлик сизни истаган одам билан бир жойга қўяди; фақат адабгина масофа ҳосил қила олади.

Оилада ҳамма бир-бирини ҳимоя қилиши керак, акс ҳолда, кўргиликлар эшик қоқиб келади.



Мутлақо бегона одамларнинг бир-бирига “сен” деб мурожаат қилиши ёввойилик, қоқоқлик, одобсизлик белгисидир. Мен буни жинимдан баттар ёмон кўраман. Чунки бу, моҳиятига кўра, цивилизацияга ва инсоният тараққиётига сурбетларча, виждонсизларча қарши йўналтирилгандир.

Ориф ТОЛИБ
таржимаси



Мен қуёшга БОЙЧЕЧАКЛАР ТУТГАН ЭДИМ



Маҳлиёхон УМРЗОҚОВА

1990 йили туғилган. 2015 йили Тошкент гидрометеорология касб-хунар коллежини тамомлаган. Шеърлари марказий нашрларда, турли баёзларда чоп этилган.



Болалигим

Болалигим узоқларда қолиб кетди,
Ҳаёт мени олисларга олиб кетди,
Айрилиқнинг зил юкига чидаёлмай
Мажнунтолнинг елкалари толиб кетди.

Димогимда лолаларнинг бўйи қолган,
Қулогимда капалакнинг куйи қолган.
Мен қуёшга бойчечаклар тутган эдим,
Бармогимнинг уч-учлари куйиб қолган.

Анҳорларнинг лойларига ботгим келар,
Онажоним ҳалволарин тотгим келар.
Беғуборлик булогидан сув симириб,
Тақрор ўша дамларимга қайтгим келар.

Болалигим узоқларда қолиб кетди...

Айрилиқ

Мендан хафа бўлманг, азизим...
Мен ўзимдан яшадим йироқ,
Юрагимни алдадим бугун,
“Ишондим” деб алдади юрак.

Айрилиқдан музлар қўлларим,
Ҳаёт, менинг кўзёшларим арт.
Ҳали давом этар йўлларим,
Менсиз бахтли бўлишингиз шарт!

Мендан хафа бўлманг, азизим...

Тун

Сукунат қоплаган бу тун ҳар ённи,
Сокинлик мавжланар ойнинг нурида.
Зулматда жунжикиб ётган осмонни
Юлдузлар иситмоқ бўлар кўрида.

Шу маҳзун кечада сени эсладим,
Юрагимни тилди аччиқ изтироб.
Кўзимдан юлдуздек томди ҳисларим,
Қайдасан, азизим?
Берсанг-чи жавоб...

Зулматни тилкалаб борар тўлин ой,
Жизиллаб оғрийдди дилхун юрагим.
Ҳеч ким борлигимни билмас, ҳойнаҳой,
Наҳотки, сенга ҳам йўқдир керагим!

Балки, унутгансан ўтли ҳисларни,
Балки, бегонадир сенга бу алам!
Айтгин, кўряпсанми ҳув юлдузларни,
Туйяпсанми туннинг овозин сен ҳам?

Масофа

Юрагимга жуда яқинсиз,
Ҳаётимдан олиссиз фақат.

Усмон Азим

Жим тураман ҳаёт қошида,
Юрагимда ёнар ҳаяжон.
Сизни қайдан топдим?!
О, шу дам
Мен ўзимни йўқотдим тамом.
Мағрурликка мағрурман, аммо
Кўнглимга ҳеч етмайди кучим.
Чексизликка чорлайди само,
Юрагимни қучоқлаб учдим.
Кўзларимда ёнган чақинсиз,
Сўз айтишга етмайди тоқат.
Юрагимга жуда яқинсиз,
Ҳаётимдан олиссиз фақат...

Бегим

Мен севишни билмаганим рост,
Деёлмасдим юракка “севгин!”.
Яшаш нима – ўрганган, холос,
Ўн саккизга тўлган бир келин.

Кўлим тўтиб, етаклаганим,
Кўзим очиб кўрганим – бахтим.
Кириб бориб эртақларига,
Яшаяпман хотиржам ва жим.

Муҳаббатга айланиб бугун
Дилга нақиллар соляпман яна.
Гулгунчамиз улгайиб гулгун,
Тетапоя қилмоқда, мана.

Имлашади фаслар турфа,
Мен уларга боқмадим лекин.
Баҳорларни қилдингиз тухфа,
Қалбингизда гуладим, Бегим!

Бедорлик

Ёмғир юриб чиқди томда тун бўйи...

Матназар Абдулҳаким

Бугун кўнглим тўлди сендан, юрагим,
Бугун ҳар шартингга тайёрман, қара.
Сенинг кўзларингга боқиш – тилагим,
Менинг кўзларимдек кўзлари қора...


Хаёлим ўғирлаб кетдинг бу кеча,
Куласан... мен билан ишинг йўқ кўйи.
Алдадим... ўйим банд қилмадинг ҳечам,
“Ёмғир юриб чиқди, томда тун бўйи...”

Юрак ҳолатлари



Турсун АЛИ

1952 йили туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган. “Юракдаги сўзлар”, “Еруғ кунлар”, “Ёлғизим”, “Уйғоқ сукунат”, “Сокин хайқирик”, “Сайланма”, “Қуш пати”, “Лаҳзалар суврати” каби шеърӣ тўпламлари нашр этилган.



Ойдинниси адабиётимизга илк шеърлариданоқ янги нафас, янги руҳ, янги ифор таратиб кириб келди. Зотан, унинг дастлабки машқлари республика вақтли матбуотида босилганида, биринчи китоби “Менсизлик” нашр этилганида (2003), назмимиз баланд чўққиларга кўтарилган, дунё шеърӣяти билан бўйлашган эди.

Устоз Абдулла Орипов “Некрасов ҳасрати” шеърӣда:

*Пушкин шеърӣ ҳали янграрди мағрур,
Лермонтов чарақлар назм осмонида.
Шоир бўлиш қийин,
Шоир бўлиш оғир
Шундай буюқларнинг қаққашонида... –*

деганидек, Ойдинниси ҳам шеър ёзиб танилиш қийин даврда илк машқлари билан кўптчилик эътиборига тушди. Ижодидаги ранг, тасвир ва юрак ҳолатлари шеърхонни ўзига жалб қилди. Унинг:

*Сен – бўғзимга тиқилиб қолган,
юрагимда урган тутқун қўшиқсан.
Вужудимнинг овозсиз ерларига –
томиримга кўмиб қўйганман сени.
Ҳеч кимга айтмайман бу ҳақда.
Ичимда янграйсан ҳар куни,
ичимда йиғлайсан ҳар куни...¹*

сингари ноанаънавӣ сатрлари ўқирман назарига тушди. Бу битикларда у севгини шундай ифода этганки, ҳатто “севги” сўзини ишлатмаган ҳам.

Шоиранинг яқинда Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида нашр этилган “Қоралама” китобининг номиданоқ у янги шеърӣятнинг вакиласи экани кўриниб турибди. “Қоралама”даги шеърларни тушунмоқ эмас, ҳис этмоқ, овозни баралла қўйиб эмас, унсиз ўқимоқ лозим. Ана шундагина ўқувчи шоиранинг кўнгил деган тубсиз уммониға шўнғӣ олади. Ундан дард-изтиробға қоришиқ инжуларни териб чиқади”, деб ёзилган китоб аннотациясида. Ҳақиқатан ҳам, шеърлардаги фалса-

¹ “Шарқ юлдузи”, 2011 йил 5-сон.

фийлик, теранлик, жозиба ўқувчини ўйланти-
ради, мушоҳадага чорлайди:

*Юриб кетмоқдаман
тақдир оралаб,
Кечиб ўтмоқдаман
хоҳ сув, хоҳ гирдоб.
Ҳали олдиндадир
Ҳамма-ҳаммаси,
Ҳали бу –
Ҳаётимнинг қораламаси...*

дея бошланган китоб муқовасидаги шеър ўқувчи диққатини тортади. Яшаб ўтилган бу умр ҳали ҳаётимнинг қораламаси – ўзлимни, ўз йўлимни излаётман, ҳақиқий ҳаётим ҳали олдинда, демоқчи шоира. Чиндан, ҳар бир нарсанинг қораламаси бўлиши мумкин. Кимдир шеърларини аввал қоралама қилиб, кейин оққа кўчирганини, кимдир таржимани қоралаб, сўнг қофияга солганини кўрганмиз. Бироқ “умрнинг қораламаси” ўхшатиши адабий янгилик, шоирона топилма эмасми?

Шоиранинг “Онамсиз” туркумини ўқир-канмиз, адабиёт одам қисматидан, яшаётган ҳаётдан яралишига инонамиз. Туркум оҳорли образларга, бетакрор ташбеҳларга, кутилмаган сатрларга бой:

*Кўксимга бош уриб увлайди шамол,
Япроқлар тиз чўкиб меҳр тилайди.
Тўзгир хаёл,
Тиним билмай изгир хаёл,
Она, сизни, фақат сизни излайди.*

Туркум ўқувчида ана шундай ғамгинлик ўйғотса-да, пировардида ёруғлик ила шеърхон дилига таскин бағишлайди. Лирик қаҳрамон баҳорга мурожаат этаркан:

*Бизни ташлаб кетмайди,
онам,
У ҳеч кимни
Ранжитмас сира.
Доим рози
Кўзда ёш билан,
Кулар
Гарчи юраги гурра.
Ўйин ўйлаб топди
У яна
Болаларин
хурсанд этмоққа.
Келганигда
гуллаб чиққани,*

*У беркинди
Она тупроққа!*

дея ўқувчи руҳига ёруғлик олиб киради. Энди она тупроқ баҳор келганида гуллаб чиқишига, яъни оналарнинг ўлмаслигига ишонасан.

“У беркинди она тупроққа” сатрларига “қора тупроққа” дея жузъий тузатиш кири-тилса, тупроқ унга она беркинганидан сўнг она тупроққа айланса, шеър янада ҳаёттироқ бўлар эди.

“Хиргойи” туркуми бизни тамоман ҳайрат-лантирди. Ўқирканмиз, ҳар бир шеър бир-бирига занжирдай боғланганига ҳамда руҳий бутунлик, инсон кўнгил олами, рангин лаҳзалар моҳир мусаввир каби сувратланганига гувоҳ бўлдик. Телба тилидан ёзилиши ҳам шеърхонни қизиқтиради, ўзига тортади. Зотан, кўп шоирлар ҳаётда бироз жунунваш ва телбаном таассурот уйғотади; гап-сўзи, юриш-туриши билан ажра-либ туришига ҳаётда кўп дуч келганмиз. Шоиранинг лирик қаҳрамони телбавор сатрлари, кутилмаган шеърий фикрлари билан дилни сеҳрлайди. Туркум гарчи дoston деб аталмаган бўлса-да, бироқ мутолаа асносида ибтидоси ва интиҳоси бор яхлит асар эканига амин бўламиз.

Ойдиннисо кутилмаган бадиий кашфиёт-лари, гўзал тимсоллари, хуллас, шеърий ранг-лари ила Баҳром Рўзимухаммад, Фаҳриёр, Рауф Субҳон, Гўзал Бегим, Даврон Ражаб каби шеърятимизда янгича изланишлар қилаётган ижодкорлар сафидан ўрин олган. Хусусан, мазкур “Хиргойи” туркуми ҳам замонавий шеърятимизнинг бўй-бастини кўрсатган, десак, адашмаймиз:

*Осмонимга бостириб кирди қиш.
Мен – исёнчи дарвеш.
Қишни ҳайдамадим
печга ўт ёқиб,
Иссиқ жойда асрамадим
жонимни.
Курашдим
совуқ сув ичига ётиб,
Тишим тақиллатиб
Кўрқитдим уни.*

Қишнинг бостириб келиши лирик қаҳрамон қисматида оғир кунлар бошланганини, унга нисбатан исёнкор юракнинг ҳолатлари образлар орқали курашчан руҳда ифода этилган. Шу ўринда халқимизнинг «Совуқни совуқ кесади» деган нақли эсга тушади:

Қишга қарши чиқдим
чархлаб ўзимни,
Қиш кутарди
урён жисмим чимчилаб,
Ҳузурландим
лўқ қилиб унга кўзимни.
Қишни енгдим охир
Мен унга чидаб.

Чидам инсоннинг энг кучли қуроли бўлса керак. Ҳаётда ҳар қандай оғир кунларни сабр-бардош билан енгиб ўтиш мумкин.

Шоиранинг лирик қаҳрамони: “Вақт йўлин тўсамиз, бергил қўлларинг”, “Йиғламай оқиздим кўздан ёшимни”, “Тенг кўрмайман ўзимга сизни, мен учун тозалик қиласиз”, “Туғилган куним билан табриклайман сизни, Одамлар!” дея олади.

“Менда эс йўқ, эсимда мен бор”, “Ўқириб юборди соқов тўлқинлар”, “Ақлингизни бериб туриг, дўст”, “Бежон ётар бир тун ўзимнинг умрим”, “Мени ютиб олди ютилган юрак”, “Эшикдан кираётиб очиб кўйдим ҳамма кўрган қиёфамни” қабилидаги сатрлар, бир қарасангиз, телбанамодай туюлади, бироқ камдан-кам шоир ўз фикрини шу тарзда айтган. Ҳа, ижодкор ўқувчини ишонтиролса, фикрини ҳис эттиролса, ҳар қандай гапни адабиётга олиб кирса бўлади.

“Қоралама”ни ўқиш асносида Ойдиннисонинг жаҳон шеърятига хос ва севимли устозимиз, Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи ижодидаги ўз-ўзига қарши чиқиш, яъни контраст усулини пухта ўрганганини сезамиз. Бунга яхши маънода шеърятимиз янгиланишига ўз ҳиссасини қўшаётганига йўямиз.

Китобдаги “Ҳаёт дарахти” қиссаси ҳам лириклиги ва оҳангдорлиги билан бамисоли шеърдай ўқилади. Рухий оламингизга шеърдай туйғулар куюлиб келаётгандай ҳис этасиз. Дарахт рамзга айлангани боис ҳам асарнинг бадиийлиги янада ортган. Ўқувчини теран ўйлашга чақиради. Қисса бўлак-бўлақларга бўлиниб, сарлавҳалар қўйилган, ҳар бирида шеърдай фикр ва туйғулар мужассам.

“Қоралама”даги асарлар мутолааси асносида инсон умри ҳам “қоралама” деган теран бир фалсафани туясиз. Бироқ китобга қораламалар эмас, оригинал шеърлар жамланганига амин бўласиз.



Гурба – қовун тури, бўриқалла ҳам дейилади.

Мисол: *Отам гурба олиб келди.*

Даста – боғ, уюм, ўрам.

Мисол: *Ўн даста янтоқ чопдим.*

Карч – тилим.

Мисол: *Қовунни карч қилди.*

Пачакилаш – ерга ўриш.

Мисол: *Бозорда бизнинг отни жуда пачакилаб ташлади.*

Салув (солув) – меҳр, оқибат.

Маслан: *Боланинг солуви йўқ.*

Совуқоёқ – шумқадам.

Мисол: *Йўлчи совуқоёқ айлангандан бери барака кетди.*

Суроп (сурап) – аҳвол, ҳолат.

Мисол: *Ишининг суроби тўғри бўлиб қолди.*

Сириқтой – келишган.

Мисол: *Ўғлинг сириқдай йигит бўлибди.*

Чачман – саргарош.

Мисол: *Зокир деганларинг хув гузарда чачман кишимми?!*

Тўқол – шохсиз эчки.

Мисол: *Тўқол эчки сергўшт бўлади.*

Чўммоқ – думсиз жонлиқ.

Мисол: *Чол чўммоқ эшагидан тушганиям йўқ.*

Босим ТҮЙЧИБОЕВ ва
Қозоқбой ҚАШҚИРЛИнинг
«Зоминнинг тил қомуси» китобидан
фойдаланилди.

Абадий ҚОНУН



**Нодирабегим
ИБРОҲИМОВА**

1989 йили туғилган.
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети
халқаро журналистика
факультетини тамомлаган.
“Истеъдод мактаби” VIII
ёш ижодкорлар семинари
иштирокчиси.

Ўтган йил адогига яқин Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилган “Истеъдод мактаби” VIII республика ёш ижодкорлар семинарининг насл шўъбасида ёш бўлишларига қарамасдан турмушнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган, ҳам ҳаётий, ҳам адабий тажрибага эга қаламкашлар иштирок этишди. Бу ҳол, албатта, уларнинг асарларида кўзга ташланди.

Иштирокчилар орасида ажралиб турган тил билгич синглизимиз Нодирабегим Иброҳимова университетни тугаллаб, тўрт-беш йилдан бери марказий матбуотда ишлаб келади, айрим ҳикоялари олис Ҳиндистонда, инглиз тилида нашр этилган.

Менга Нодирабегимнинг митти ҳикоялари маъқул келди. Дейлик, “Кўрқув” ҳикоясида сўқир боланинг онасига “Чироқни ўчирманг... қоронгиликдан кўрқаман...” дейишида улкан фожиа ётгандай. Бу – қалб сўқирлиги, дарддошлик туйғусининг йўқлиги, говлаб кетган худбинлик... “Мактуб”, “Кечикиш”, “Она” машқлари ҳақида ҳам шундай мулоҳаза юритиш мумкин. Ҳар қалай, Нодирабегим бежиз О. Генрининг асарларини ўзбекчага ўгирмаётганга ўхшайди, бу жараёнда сўзга сиқиклик, тасвирларда шафқатсиз истеҳзо маҳорати таржимонга юққандай...

Нодирабегимнинг адабиётни эрмак эмас, қисмат деб билишига умид қилган ҳолда ундан янги, бақувват асарлар кутиб қоламиз.

Абдуқанош ЙЎЛДОШЕВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
ёзувчи

Зумраша

Бола эдим. Қорбобо борлигига, совғалар олиб келишига ишонардим. Улғайгач эса, унинг чўпчак эканини зўрға ҳазм қилдим. Кейинчалик эса тўрт яшар ўғлимга дедим:

– Яхши бола бўлсанг, сенга қорбобо совға беради!

– Ойи, қорбобо фақат эртақларда бўлади, нима боламисиз? – деди у.



Омилик

У китобни турфа кўйга солди.

Тандирни ёқиш учун тутантириқ қилди.
Писта сотаётганда варақларини йиртди.
Асабига тегаётган пашшаларга қарата
курол қилди. Ўғилларига “самолёт” ясаб
берди. Дераза ойналарини артди.

Аммо бирор марта ўқиб кўрмади.

“Ортиқча”

– Келинингизга “болани олди”, деб
айтдим. Тўрттаси етади, ўзи. Шундоғам
рўзғорга етказолмай юрибман... –
ҳасрат қилди ўғил онасига.

– Шундай дегин... Отанг ҳам бир
вақтлар сени, бешинчи фарзандимни
“олди” демаган экан-да? Шунда бойиб
кетармидик?

Ўғилни ток ургандек бўлди.

Ижодкор

– Мен катта ёзувчи бўлмоқчиман! – деди у
хотинига, фарзандларига, – Ижод қилаётганимда
халал берманглар!


У туну кун ижод қилди. Унга кўзларини мўл-
тиратиб тиккан қизини ҳам, юрак ютиб бўйнига
осилолмаган ўғлини ҳам кўрмади. Жуфтига
айтолмаган сўзларини китобига битди. Оиласига
кўрсатолмаган гамхўрликни китобда исботлади!

У танилди. Унинг шоҳ асарлари минглаб нусха-
ларда чоп этилди. У шону шуҳратга бурканди.

– Энди етар, – деди бир кун қўлидаги қаламни
қўйиб, – кексайибман...

Шундай дея атрофига қаради: ҳеч ким йўқ
эди.

У бир уюм китоблари ичра ёлғиз қолганди.



Кечикиш

– Ҳеч гул бермайсиз... – маъюс кулди аёли.

– Тўйимизда берганман-ку! – ҳазилга олди эркак.

– Шунгаям ўн йил бўлибди-я...

– Ҳали сенга кўп гул бераман.

Ҳаётимиз олдинда...

Аммо доим гулбозордан

ўтаркан, эркак ўйларди:

“Бирор кун албатта гул ола-
ман!”

...Ваъдасини бажариб
ниҳоят гулдаста олди. Уни
аёлининг қабрига қўйди.



Ватан ва севги

Улар интернетда танишишди.
Уч йиллик ёзишмалардан сўнг
бир-бирисиз туролмасликларини
тушунишди. Аммо бир лекини бор
эди. Йигит бошқа миллат, қиз ўзга
юртдан эди.

– Мен ватанимни, уйимни ташлаб
кетолмайман, – деди қиз. – Бирга
бўлишимизни истасангиз, ўзингиз
келинг! Шу ерда мен билан бир умр
бахтли яшайсиз...

Йигит кўп ўйланмади: дарров
рози бўлди. Кўп ўтмай қизнинг қар-
шисида пайдо бўлди.

– Сизга турмушга чиқолмайман,
– деди қиз йигитга қараб. – Ватани-
дан, яқинларидан бир зумда кечган
инсон мендан қанча вақтда кечиб
кетаркин? Ортингизга қайтинг, ўз
тупроғингиздан айрилманг.

Она

– “Онажоним” номли шеърингиз шундай юксак
мукофотга лойиқ қўрилибди! Табриклаймиз, – деди
мухбир шоирга.

– Ташаккур! – мағрурланди ижодкор.

Буни телевизордан томоша қилаётган Онанинг
шодликдан кўзларига ёш келди. Ўғли машҳур шоир
бўлибди! Сўнг уйидаги чироқ ўчирилди. Она маъюс
ўрнига чўзилди.

Бахтли давр


– Ҳаётингиздаги энг бахтиёр онлар?
– Туғилгунимча тўққиз ой жуда бахтли эдим. Чунки онаминг юраги остида хотиржам яшардим...

Мактуб

“Дадажон, тезроқ келинг! Ойим сизни кута-кута бетоб бўлиб қолди. Бир кунга келсангиз, кичик ойим хафа бўлмайди. Фақат бир кунга...”

Ўғлингиз”.

Болакай мактубни ёзиб, деразадан “самолёт” қилиб учуриб юборди. Хат албатта эгасига етиб боришига ишонарди у...



“Қимматли” маслаҳат

– Севиб қолдим, дўстим... Сендан маслаҳат олиш учун келдим. Афсуски, у оилали аёл. Бошим қотди!
– Аёл ҳам сени деса, бирга бўлинглар. Умр бир марта берилади, ахир! – дедим дангал.
– Энг ёмон шундаки, унинг эри...
– Э, эри вақти келиб тушунади. Севмаган одамнинг билан яшашдан нима наф? – қўл силтадим. – Маслаҳатим, уни бахтли қил!
Дўстим билан бўлган бу суҳбатдан қўт ўтмай хотиним мени ташлаб кетди...

Абадий қонун

Аввал она боласининг бешигини тебратди. Сўнгра фарзанд волидасининг тобутини кўтарди.
Ҳаётнинг аччиқ ва абадий қонуни шу экан.

Қирқ йилдан сўнг...

– Ахир, бу қиммат кўза эди! – уч яшар ўғлига кичқирди она. – Нима қилиб қўйдинг, ярамас?
Югураётиб бехосдан столдаги буюмни синдириб қўйган болакай бошини ҳам қилди.

– Даданг келсин, тазилингни беради! – давом этди онаси.

Боланинг кўзларига ёш келиб, хонасига югурди. Орадан анча вақт ўтди.

– Вой, ўлай! – дунёни бошига кўтарди келин, – эҳтиёт бўлмайсизми, мундай? Дадам совға қилган қиммат кўза эди-я, эсиз!

Кампир хижолат бўлиб ютинди:

– Ҳассамни оламан деб бехосдан...

– Ҳали ўғлингиз келсин! Бунақа дахмаза қилиқларингиз жонимга тегди!

Кампир кўзда ёш билан хонасига одимлади...


Қўрқув

– Энди ухла, тойчоғим, – она шундай деб чироқни ўчирди.

– Ойи! Ўчирманг, илтимос. Қоронғиликдан жуда қўрқаман! – деди кўзлари ожиз болакай.



“Платон”нинг маъноси нима?



Шарқ оламида Афлотун номи билан машҳур Қадимги Юнон файласуфи Платон Сукротнинг шогирди, Арастунинг устози эди. У асарлари бизгача тўлиқ шаклда етиб келган биринчи файласуфдир.

Тарихчи Диоген (II-III асрлар) маълумотига кўра, Платоннинг асл исми Аристокл бўлиб, “Энг яхши шон-шухрат” деган маънони билдиради. Қабрга ҳам шу ном билан қўйилган. Платон эса тахаллус бўлиб, “кенг”, “кенг елкали” деган маънога эга. Бўйи баланд, елкалари кенг бўлгани ва курашларда кўп ғалаба қозонгани учун файласуфга бу номни устози Сукрот берган.

“Даволай олмайман...”

Машҳур олмон вакили ва микро-биологи, физиология ва тиббиёт соҳасида Нобел мукофоти совриндори Роберт Кох (1843–1910) нинг ҳузурига башанг кийинган димоғдор бир аёл кириб келади.

– Нима шикоятингиз бор, азизам? – деб сўрайди врач.

– Жаноб профессор, – дея нафратланган қиёфада гап бошлайди ҳалиги аёл. – Бу нима адабсизлик? Ким билан гаплашаётганингизни биласизми? Менга ҳаммиша “муҳтарам хоним” деб мурожаат этишади. Бошқача чақиришларига ўрганмаганман.

– Минг афсус, мен бу касалликни даволай олмайман, – деб қуруққина жавоб беради Кох ва эшикка юзланади: – Навбатдаги ким?



Одамлар нимадан нафас олган?

Болгар биохимик олими ва ёзувчиси Асен Златаров бир шаҳарчада маъруза ўқийди. Профессор табиат ва унинг бойликлари ҳақида гапирар экан, кислород 1773 йилга келибгина кашф этилгани, усиз ҳаёт кечириш мумкин эмаслигини эслатиб ўтади. Шунда залдагилардан бири ҳайқириб юборади:

– Наҳотки! Унгача одамлар нимадан нафас олган?!



Кредит оламан деб...

Таниқли япон автомобил компанияси асосчиси Соичиро Хонда катта иш бошлаган пайтларидаги кулгили-қайғули бир воқеани шундай ҳикоя қилади: у 1951 йили бизнесдаги шериги Такео Фужисава билан кредит сўраб “Mitsubishi” банкига мурожаат қилади. Уларнинг иқтисодий аҳволи жуда танг эди. Охири пулларини тўплаб, зиёфат уюштиришади ва банк мутасаддиларини таклиф этишади. Нима қилиб бўлса ҳам молиячиларнинг кўнгилни олиш ва кредит ундириш зарур эди. Меҳмонлар еб-ичади, Хонда ва Фужисава ҳам улар билан бирга яйраб ўтиради. Ҳатто кўноқларни хушнуд этиш учун кичик саҳна кўриниши ташкиллаштириб, аскиябозлик ҳам қилишади.

Ишбилармонлар эртаси куни банкка катта ишонч билан кириб боришади. Бироқ талабномаларига рад жавоби берилганини билиб, тарвузлари қўлтиқларидан тушади. Банк қарорида шундай сўзлар бор эди:

“Банк иккита масхарабоз раҳбарлик қиладиган фирмага ишона олмайди”.

